

Абдулкарим Баккор

Фарзанд тарбиясига оид

10
қоида



Китоб:	Фарзанд тарбиясига оид ўн қоида
Муаллиф:	Абдулкарим Баккор
Таржимон:	Саидахмад Нуриддин
Муҳаррир:	Исмоил Ёқуб
Ношир:	«Ихлос»
Саҳифаловчи:	Сайд Аҳмад
Саҳифа сони:	128 бет
Нашр:	Биринчи
«Ихлос»:	1
Тираж:	2000 дона
Тарих:	1438 ҳ. – 2017 м.
E-mail:	info@ixlos.org
Web саҳифа:	http://ixlos.org/

Одатда инсон бирон нотаниш жиҳозни ишлатишдан олдин ундан фойдаланиш тўғрисидаги қўлланма билан танишиб чиқади. Акс ҳолда қимматбаҳо жиҳозни ишдан чиқариш ҳеч гап эмас. Бола ҳар қандай жиҳоздан ҳам мураккаброқдир. Уни тўғри тарбия қилиш бола тарбияси тўғрисидаги китобларни мутолаа қилиш, унинг ички олами билан яқиндан танишишни тақозо қиласди.

АЗИЗ КИТОБХОН, ҚЎЛИНГИЗДАГИ УШБУ КИТОБЧА СИЗГА БОЛАЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ ТЎҒРИ ТАРБИЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА КЎМАКЧИ БЎЛАДИ ДЕГАН УМИДДАМИЗ.



Муқаддима

Оламлар Раббиси Аллоҳга ҳамд-санолар бўлсин! Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг барча оиласлари ва асҳоблари-га Аллоҳнинг салом ва салавотлари бўлсин!

Бугунги кунда тарбия соҳасида ёзилган кўплаб яхши китобларни учратиш мумкин. Айни пайтда бу борада ёзилган сифатсиз китоблар кўпайиб кетгани ҳам сир эмас. Бу нарса кўпчилик одамларни фарзандларини тўғри ва муваффақиятли тарбия қилишда уларга ёрдам берадиган маърифий ва маънавий маълумотлар билан таъминловчи бундай китобларни танлашда ҳайратланишига олиб келмоқда. Бошқа бир томондан “тарбия боғида шу нарса жуда муҳимки”, деган гаплар бениҳоят кўпайиб кетди. Маълумки, муҳим ишлар юз ёки икки юзтага етгач, инсон бу ишларни қамраб олишдан ожизлик ҳис қиласи ва бу ўзирида инсонда бу ишлардан батамом юз ўгиришга бўлган мойилликни пайдо қиласи. Шу сабаб менда фарзандлар билан муомала қилиш ва уларни тарбиялаш соҳасидаги бош “калит”лар ва асосий

қоидалар тўғрисида сўз юритиш фикри туғилди. Бу билан муҳтарам китобхонга болалар тарбияси соҳасидаги одоблар ва асосий услубларни тушуниш йўлидаги энг муҳим қонун-қоидалар билан танишиш борасида ёрдам беришни умид қилиб қоламан.

Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: нега энди бу қоидалар ўнта, бешта ёхуд йигирмата эмас?

Ушбу саволга жавоб шуки, ўн рақами ўрта ҳажмдаги камтар бир рақам. Мен ёки мендан бошқа бири бу сонга қўшимча қилиши ёки аксинча, озайтириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу сон бирон илмий заруратдан келиб чиққани йўқ.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мен бу китобда айтмоқчи бўлган қоидалар болалар тарбияси биносининг скелет тузилишини ташкил қилиб, фақат бу қоидаларни ўқишига чекланиш етарли эмас. Балки бу борада ёзилган тафсилотларни ўқиш ва араб тилида ёзилган ёки хориж тилларидан ўгирилган талай китобларда мавжуд бўлган тарбиявий услублар, фикр-мулоҳазалар билан танишиш орқали бу борадаги тажрибалардан фойдаланиш янада мақсадга мувофиқдир.

Ушбу муқаддимадаги сўнг мулоҳаза шундан иборатки, болалар тарбияси борасида айтиладиган маълумотларнинг 80 фоизида барча халқлар ва маданиятлар бир хил гапни гапирганлар. Шу боис,

бу борада биз мусулмон мутахассислар билан бир қаторда улардан бошқаларнинг тажрибаларидан ҳам фойдаланишимиз мумкин.

Аллоҳ таолодан Унинг гўзал исмлари ва олий сифатлари ила ушбу китобни китобхон биродарларимга манфаатли қилишини ҳамда мол-дунё ва фарзандлар фойда бермайдиган кунда ҳасанотлар тарозисига қўйишини сўраб илтижо қилиб қоламан.

Аввалу охирда Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсин!

Профессор доктор
Абдулкарим Баккор
11 Шаъбон, 1429 хижрий сана

IXLOS
Nashriyoti



Биринчи қоида:

ТАРБИЯ МАДАНИЯТИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Агар бир киши илгари билмаган ва кўрмаган бирон бир мураккаб замонавий жиҳоз сотиб олгудек бўлса, албатта бу жиҳозни ишлаб чиқарувчи тарафидан тайёrlанган қўлланмани ўқиш орқали ёхуд бу жиҳозни ишлатиб кўрган кишилардан сўраб-суриштириш орқали уни ишлатишга ва ундан фойдаланишга ҳаракат қилади. Аксар ҳолларда ишлаб чиқарувчи мижозларни жиҳоз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмай туриб уни ишлатишдан огоҳлантиради. Шунингдек, одамлар бундай жиҳозларни ишлатиш мобайнида жиддий хотага йўл қўядилар ва оқибат бу нарса катта маблағ эвазига қўлга киритилган бу жиҳозларни ишдан чиқишига олиб боради.

Бола ҳар қандай жиҳоздан кўра мураккаброқдир. Унга тўғри тарбия бериш пухта билим, тажриба ва маҳорат талаб қилади. Бироқ одамлар буни тан олгиси келмайдилар. Шунинг учун бўлса керак, бамайлихотир етти-саккизта фарзанд кўришга

журъат қиласылар. Ҳолбуки, фарзанд тарбияси түғрисида битта китобча бўлсада мутолаа қилиш, ё бирон бир маъруза тинглаш ёхуд мутахассисдан маслаҳат сўраш хаёлларига ҳам келмайди. Биз бу журъатнинг аччиқ самарасини татиб келмоқдамиз. Ўп сонли ўслирин йигит ва қизларнинг қингир-қийшиқ йўлларга кириб кетиши, яна қанчадан-қанча ёш-авлоднинг ўқиш ва амалий ҳаётдаги муваффакиятсизлиги мана шу журъатнинг мудҳиш натижасидир. Бироқ бизларни қувонтирадиган хушхабар шуки, кейинги пайтларда одамларда фарзандларининг яхши тарбия топиши ва намунали таълим олиши муҳимлиги ҳақидаги онг-тушунчалар ўсиб бораётганини ҳис қилмоқдамиз.

Мен бу борада қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирамоқчиман:

1. Тарбия маданияти деганда тарбиявий муҳитни ҳосил қилиш, болалар тарбияси ва уларни салоҳиятли ўстириш услублари борасида, шунингдек, болалар муаммолари ва улардаги хато-камчиликларга қандай ёндашиш борасида талаб қилинган зарурий маълумот ва тажрибалар йифиндиси на-зарда тутилади.

Қолаверса, тарбия маданияти деганда, аввало тарбия негизини, унинг ўзаро таъсирланиш, таъсир ўtkазиш ва ўзаро жамоавий рухият пайдо қилиш асосига қурилганлигини англааб етиш ва бу

нарса талаб қиласынан тамойиллар, қадриятлар, фидокорлик, ғоя ва тушунчалар назарда тутилади. Тарбия маданиятини ташкил қылувчи бу унсурлар мукаммал тарзда йиғилиши бенихоят мушкүл ишдир. Шунинг учун биз доимо ўзимизни тарбиявий муаммолар исканжасида ҳис қиласыз, бу муаммоларни бартараф этиш борасида муносиб равища иш юритишни билмай бошимиз қотади. Негаки, тарбия иши ғоятда мураккаб иш. Бу иш мураббийдан яхши билим ва ҳикмат, асабий мувозанат ва вазминлик билан бир қаторда муайян даражада амалий тажриба ҳам талаб қиласы. Агар борди-ю, мазкур ишлар қаторида мураббийга Аллоҳнинг тавфиқи, ҳидояти ва тўғри йўлга йўналтириши ҳамроҳлик қиласы экан, у ҳолда бу нарсалар айтиларли ҳеч нарса ифода қиласыди. Шу боис масаланинг бу томонидан ғафлатда қолмаслигимиз, муттасил равища Аллоҳдан тавфиқ ва ҳидоят сўраб дуо қилишимиз зарурдир.

2. Тарбия иши нихоятда қизиқарли ва айни чоғда ўта машаққатли ишдир. Бу ишнинг машаққатли эканининг бир томони шундаки, тарбия иши билан шугулланар эканмиз бу ишнинг оғирлигини ҳис қиласыз, бу йўлда кўп саъй-ҳаракат сарфлаганимизни ва кўп қимматбаҳо нарсаларни қурбон қилаётганимизни ҳис қиласиз-у, бироқ болаларнинг шахсияти ва юриш-туришида бунинг асоратини пайқамаймиз. Шу ўринда тадқиқотчилардан бирининг Хитойда ўсадиган бамбук дарахти ҳақидаги сўзларини эслатишни маъқул деб би-

ламан. Бу дараҳт уруғи ерга кўмилгач, қарийб тўрт йил давомида унинг попукли илдизлари ер остида кенг кўламда тарқалади. Бу вақт асносида ер устида унинг уруғни ёриб чиқсан нимжон ғунчасидан бошқа нарса кўринмайди. Буни қарангки, бешинчи йилга ўтиб бу дараҳт шиддат билан ўсишга киришар ва баландлиги қарийб 25 метрга етар экан!

Ҳа, тарбиянинг ҳоли ҳам шундай. Биз гарчи на-тижани кўрмасак-да, ўзгаришларни ҳис қилмасак-да, тарбия ишини давом эттираверишимиз зарур. Натижалар бор, ўзгаришлар мавжуд. Кўпинча улар тўсатдан пайдо бўлади. Шу боис умидсизла-ниш, зерикиш ва тушкунликка ўрин йўқ.

3. Жамиятлар содда ва тор муҳитлардан мурракаб ва кенг муҳитларга ўтиш ҳаракатини бошдан кечиради. Бу ҳаракат шиддатли кечади ва унга фарзандлар тарбиясида акс этадиган талай ўзгаришлар ҳамроҳлик қиласи.

Тор жамиятларда одамлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамкорлик даражаси юқори бўла-ди. Чунки уларнинг ўзаро алоқалари кучлидир. Шундан келиб чиқсан ҳолда бир-бирларининг ғам-ташвишларини ҳис қилиш нисбати ҳам юқо-ридир. Бу ўз ўрнида бундай жамият аъзоларида қариндош-уруг, қўни-қўшни ва ўртоқлари фарзандларининг хатти-ҳаракатларидан қандай-дир маънавий жавобгарлик ҳиссини пайдо қила-ди. Бундай жамият аъзоларининг барчаси тарбия

иши билан шуғулланади, ўзаро ёрдам беради ва ҳамкорлик қиласи. Бироқ бу ҳолат салбий томонга ривожланиб боради. Одамларда хусусийчилик ва шахсийлик доираси кенгайиб, кўпчилик оталар фарзандлари ҳаётига бошқаларнинг аралашувини қабул қилмай қўйдилар. Шунингдек, ҳозирги даврда одамларда қандайдир ўз қобигига ўралиш, жамоавий йиғин ва тўй-ҳашамлар ўрнига ўзининг шахсий кўнгилхушликларига мойилликни кузатиш мумкин. Биз ҳақиқатдан ҳам борган сайин кўпроқ узлат ҳаёти сари йўл олмоқдамиз! Бу дегани бундан буён ота-оналар фарзандлар тарбияси борасида яқин вақтларгача мавжуд бўлган жамоавий ҳамкорликни кутмасдан, балки энди тарбия масъулиятини фақат уларгина ўз зиммаларига олишлари лозим бўлади. Бу бошқа бир тарафдан шуни ифода қиласи, эндиликда ҳаётимиздаги қусур ва камчиликларни ислоҳ қилиш жамиятдан оила ичкарисига йўналтирилмасдан, аксинча, оиладан жамиятга йўналадиган бўлиб қолди.

Намунали ва олийжаноб мусулмон оиласигина жамиятдан ёрдам кутмаган ҳолда унга барчага ўрнак бўладиган андозаларни тақдим этади. Бироқ бу афсусланарли ҳол!

4. Маданиятнинг таназзулга юз тутиши жамият таназзулидан келиб чиқади. Жамиятнинг таназзули эса оила тарқоқлигининг самарасидир. Негаки, оила жамиятни ташкил қилувчи асосий бирикмадир. Оила тарқоқлигининг сабаблари

жуда кўп. Бироқ биз бу сабаблардан энг муҳими-га эътибор қаратишимииз зарур. У ҳам бўлса, ақиданинг инқирозга учраганлиги, қалбларда иймон чўғининг сўнганилигидир. Қолаверса, ота-оналарда фарзандларга нисбатан масъулият туйғусининг за-ифлиги ҳамда уларнинг турли хил тубан йўллар ва услублар билан кўнгилочар тадбирлар ва дунёвий лаззатларга берилиши, ота-онанинг бу нарсаларга ортиқча қадр-қиймат ва эътибор қаратган ҳолда муқкасидан кетиши ҳам оила тарқоқлигининг энг муҳим сабабларидан биридир.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, оилани ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз жамият ва умматни таназзулга юз тутишидан ҳимоя қилиш ҳамда ақидани инқирозга учрашидан асраш йўлида катта ҳисса қўшишга олиб боради.

5. Одамларнинг болалар тарбияси соҳасида бошдан кечирган қийинчилклари турличадир. Шундай фарзандлар борки, уларни кўрганингизда ўзидан кичик укаларини тарбиялаш борасида ота-онасига ёрдам бериш учун ато этилган илохий инъом эканини ҳис қиласиз. У одобли, доно, итоатгўй, олийжаноб, тиришқоқ...

Айни дамда шундай фарзандлар борки, улар ўн ийл ёки йигирма ийл давомида оила аъзоларига тинчлик бермайдилар. Шу боис, олдин ишора қилиб ўтганимдек, муттасил фарзандларимизга ҳидоят ва дину диёнат сўраб Аллоҳга дуо қилишимиз

ва бундан асло зерикмаслигимиз зарур. Бироқ шу ўринда шуни айтиш керакки, характери оғир ва шўх фарзандларимизни тарбиялаш бизнинг оила ва тарбия маданиятимиз учун “калит” вазифасини бажарсин. Мисол учун, болаларимиздан бирининг қайсарлигидан, насиҳат ва йўл-йўриклирга осонликча қулоқ соловермаслигидан қийналадиган бўлсак, у ҳолда бу муаммонинг ечими боладан но лиш ва шикоят қилиш бўлмаслиги керак. Аксинча, агар фарзандлардан бири шизофрения касаллиги ёхуд алоҳида қаровга муҳтож бўладиган бошқа бирон ғаройиб касалга чалинганида бу касалликни даволаш учун ўқиб изланганимиздек, қайсар болалар билан қандай муомала қилиш ҳақида ҳам ўқиб-ўрганиш зарур.

Оғир характерли, ўзига хос фарзандлар билан муомала қилиш биз учун бир синов бўлиб, бу синовдан муваффақиятли ўтиш бизнинг вазифамиздир.

Бир оиланинг дангаса, ўқиши севмайдиган фарзанди бор. Хўш, бу оиланинг бундай фарзандга нисбатан бурчи нима?

Бу оила дангаса болалар билан қандай муомала қилиш тўғрисида мутолаа қилиши ва бу хусусдаги тарбия маданиятини бойитиши ҳамда оила аъзолари унинг мактабга бормасликка уринишига қарши қатъий ва ягона муносабат билдиришлиари зарур. Қолаверса, бу борада мутахассислардан маслаҳат сўраш ва таълим олишга қизиқтирувчи

барча воситаларни ишга солишлари керак. Шундай қилиб, тарбиявий қийинчилик ва муаммолар бизларни бепарво ва лоқайд ёки ожизлик ва таслим бўлиш позициясида туриш ўрнига, тарбия маданиятимизни бойитиш ва болаларни тарбиялаш, уларга бу борада лозим бўлган йўл-йўриқларни кўрсатиш соҳасида илдам қадам ташлашга бўлган қатъиятимизни янгилаш манбаига айлансин.

6. Тарбия маданиятини ҳосил қилиш фақат ота-онанинг вазифаси бўлмай, балки бу бутун оила аъзоларининг вазифасидир. Ёлғиз ота-онанинг ўзи барча тарбия машаққатини кўтара олмайдилар. Оилангизда ёши йигирмадан ошган ёки ҳануз ўсмирлик даврида бўлган ёхуд эндиғина мактабга қадам қўйган, шунингдек, ҳали мактаб ёшига етмаган фарзандларингиз бўлса, у ҳолда оила аъзолари бўлмиш бу фарзандлар оиласда ўзаро исломий одоб-ахлоқларни ўстириш ва хато-камчиликларни бартараф этиш йўлида ўзаро ҳамкорлик қилмоқликлари керак.

Биз фарзандлардан содир бўладиган хато-камчилклар ва муваффақиятсизликлардан оиланинг умумий тарбия маданиятини пайдо қилиш йўлида фойдаланмоғимиз лозим. Айтайлик, қизингиз ўқув йили якуний имтиҳонларидан ўта олмади ва бундан тушкун кайфиятга тушиб қолди. Бу сиз оила аъзолари учун қизингизга нисбатан ҳамдардлик, меҳрибонлик ва ёрдам қўлини чўзиш учун қулай фурсат.

Фарзандларингиздан бири ўз иниси билан жанжаллашиб қолди, дейлик. Бу жанжал асносида улар ўртасида ўзаро тушунмовчилик ва одоб доирасидан чиқиши ҳолатлари юз бериши мумкин. Бу ҳолат у иккисидан хато содир қилганининг узр сўраши, бошқа бирининг эса ўз олийжаноблиги ва кечиримлилигини изхор қилиши учун муносаб фурсатдир.

Шунингдек, фарзандлардан бири кимнидир ғийбат қилди, дейлик. Бу ҳолат ғийбат қилинган шахс шаънини ҳимоя қилиш ва боланинг бу хатти-ҳаракати нотўғри эканини эслатиш учун муносаб фурсатдир...

Биз оила аъзолари ўртасига раҳна соладиган ишларни ўзаро оилавий ришталарни кучайтирувчи, жамоавий меҳр-оқибат туйғуларини ўстирувчи ҳамда уларнинг бу борадаги онг даражасини оширишга ёрдам берадиган омилларга айланшини истаймиз. Албатта биз Аллоҳнинг мадади ва тавфиқи илиа бу ишларга қодирмиз.

7. Биз оммавий ва оилавий ҳаётимизда содир этадиган энг катта хатолардан бири – “бошқалар ҳам худди биз сингари фикр юритади, уларнинг ён-атрофдаги нарсаларга нисбатан муносабати ҳам айнан бизниги ўхшаш бўлиши керак”, деб ўйлашимиз бўлса керак. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бизнинг юз-чехраларимизни бир-биридан фарқли қилиб яратганидек,

феъл-авторимиз ва ақлларимизни ҳам тафовутли қилиб яратди. Одамлар юз тузилишининг ўзаро фарқли эканлигига катта бойлик ва беҳисоб фойдалар бўлганидек, уларнинг ақл даражалари ва хоҳиш-истакларининг хилма-хиллигига ҳам кўплаб манфаатлар бор. Фарзандлардан бири билан муомала қилишда яраган бир услугб эҳтимол унинг укаси билан муомала қилишда қўл келмаслиги, шунингдек, улардан бири хоҳлаган нарсани бошқа бири хуш кўрмаслиги мумкин ва ҳоказо... Мақсад: тарбия маданиятимизни муттасил равишда бойитиб бориш ва фарзандларимизга қўлламоқчи бўлган тарбиявий услугларимиз хилма-хиллигини таъминлашdir. Мен биламан, бу иш ниҳоятда оғир ва машаққатли иш. Бироқ буни қилмай иложимиз йўқ. Акс ҳолда, муваффақиятсизлик бизга ҳамроҳdir. Кўп ота-оналарни кўрамизки, улар бирон бир услугб қайсиdir фарзандига қўл келгани ва айни услугб бошқа фарзандига кор қилмаганидан ажабланадилар. Аслида биргина тарбия услугбининг бир неча фарзандга мос келишининг ўзи ажабланишга ҳақлироқ.

8. Замонавий тарбия талаблари билан танишар эканмиз, биз ота-оналар фарзандлар тарбияси борасида жуда кўп ишларни амалга оширишимиз кераклигини чуқур ҳис қиласиз. Амалга оширишимиз лозим бўлган бу ишлар балки бизнинг имконият даражамиздан ортиқ бўлиши, эҳтимол зиммамизга оғир мажбуриятларни юклаши мумкин. Мен бу ҳис-туйғунинг аниқ ва

чинакам туйғу эканига аминман. Зеро, тарбия иши ҳафтада етти кун, бир кунда йигирма түрт соат түхтөвсиз меңнат талаб қилади. Тарбия иши баъзи ҳолатларда партизанлар урушига ёхуд тошлок ерда хандақ қазишига ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, тарбия жараёни шундай, унинг табиати шундан иборат. Бироқ бу ўринда биз иккита нарсани доимо ёдда тутмоғимиз лозим:

Биринчиси, фарзандларимизни түғри тарбиялаш борасида сарфлаган барча саъй-ҳаракатларимиз иншааллоҳ, ажр-савобга дохилдир. Зеро, уларнинг вужудга келишларига биз сабабчи бўлдик, уларни түғри йўлга бошлаган ҳам бизмиз. Уларнинг қалбларига Аллоҳ ва Расулиниңг муҳаббатини солган, фозил инсонлар бўлиб етишишларига ҳаракат қилган ва бу хусусда кўп нарсаларни қурбон қилган ҳам биз ота-оналармиз.

Аллоҳ таолодан умидимиз шуки, фарзандларимизнинг солиҳ амалларини бизнинг номаи аъмолларимизга киритсин, ҳаётдан кўз юмгач фарзандларимизнинг дуолари сабаб даражаларимизни юксалтиrsин. Агар бу рўёбга чиқадиган бўлса, фарзандларимизнинг тарбияси борасида сарфлаган саъй-ҳаракатларимиз учун бизга бениҳоят катта мукофот берилган бўлади.

Иккинчиси, шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, бугун фарзандларимизга нисбатан биздан талаб қилинаётган нарса ўтмишда ота-оналаримиз-

дан бизларга нисбатан талаб қилинган нарса эди. Шунингдек, келажакда фарзандларимиздан ҳам уларнинг фарзандлариға нисбатан айни шу иш талаб қилинади. Демак, масала қарз ва мажбурият, олди-берди масаласи экан!

Билим ва тажриба, келажакка умид, сабр ва матонат билан кўп нарсаларга эришиш мумкин. Аллоҳнинг изни ва мадади ила иншааллоҳ, кўп нарсаларга эришамиз.

IXLOS
Nashriyoti



Иккинчи қоида:

БИЗ ОЛАМДАН БИР БЎЛАКМИЗ ВА БИЗНИНГ ЎЗИМИЗГА ХОС ЖИҲАТЛАРИМИЗ БОР

Ушбу қоидани батафсил тушунишга, уни ҳар куни, амалга ошираётган ҳар бир тарбиявий хатти-ҳаракат асносида ёдда тутмоқликка муҳтожмиз. Исломий дунёқарашда тарбия деганда фақат муваффакиятли, кучли ва ўзгаларга ўз таъсирини ўтказувчи ёш авлод етишириб чиқиши кўзда тутилмай, балки асосан одамларни динга даъват қилиш ва Аллоҳнинг фармонларини ижро этиш орқали куррайи заминда Аллоҳнинг иродасини амалга оширадиган солих ва тақводор мўмин фарзандларни вояга еткизиш мақсад қилинади. Бу ислом кўрсатмаларидан келиб чиқсан ҳолда фарзандларнинг кундалик юриш-туришларида исломий қадриятлар ва ахлоқ-одобларни сингдириш орқали амалга ошади.

Биз ўз замонамиизда даврнинг барча шарт-шароитларини тўла-тўқис англаб етган ҳолда яшашни, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар диққат мар-

казида бўлиш ва жамиятдаги умумвазиятга таъсир ўтказишни хоҳлаймиз. Келажак авлод бўлмиш фарзандларимизнинг ҳам ана шундай яшашини истаймиз. Бироқ бунинг барчаси энг буюк якуний ғоя — Аллоҳнинг розилигини қозонишга қаратилган бўлиши зарур. Биз оиласаримизга қувончли ва ташвишли, фаровон ва мاشаққатли дамларда ҳам Аллоҳнинг чизган чизифидан чиқмасликни ўргата олсакгина бу улуғ ғоя амалга ошади.

Ушбу қоида иккита асосий нарсани кўрсатади:

Биринчиси: албатта биз тарбия соҳасида бизни қамраб турган кенг оламнинг бир бўлагимиз. Бошқачароқ қилиб айтганда, биз болаларимиз тарбиясида бу оламнинг оқимлари, муаммоларидан таъсирланамиз, унинг услуг ва воситаларидан фойдаланамиз ва катта қизиқиш ва эркинлик билан унинг барча ҳикматлари, панд-насиҳатлари ва кашфиётларига қулоқ соламиз. Мен аминманки, ана ўшанда тарбия ишимизда бизга манфаати тегадиган талай нарсаларга дуч келамиз.

Иккинчиси: биз оламнинг бир бўлаки бўлсак-да, бироқ икки жиҳатдан ташқи оламдан ажралиб турмиз:

- 1) Муаммолар жиҳати. Чунки Тунис, Покистон ёки Малайзиядаги болалар муаммолари Франция, Австралия ёки Канададаги болалар муаммоларининг айнан ўзи эмас. Бу мамлакат-

лардаги болалар том маънода бир-биридан фарқли дунёга мансубдирлар.

- 2) Тарбиявий қадриятлар, асослар ва тушунчалар жиҳати. Биз бу жиҳатни солиҳ ёш авлод етиширишда муҳим омил деб биламиз.

Тарбия соҳасида ёки бошқа соҳаларда бўлсин, атрофимиздаги ташқи олам билан бундай алоқа тури нотинчлик, безовталик ва ўзаро бўлиннишлар манбаига айланади. Негаки, бу нарса оиласардан ҳар бир нарсага диққатли муносабатда бўлиш, фарзандларига қандай қилиб муносиб нарсани танлаш ва қандай қилиб тарбия майдонига ташланган фикр, ғоя ва қадриятлардан яхшисини ёмонидан ажратишни ўрганишни талаб қиласди. Албатта қуруқ хашақда ёйилган олов сингари кенг тарқалган юзаки фикрлар уммонида бу бениҳоят қийин иш. Бироқ бизнинг олдимиизда бошқа йўл йўқ.

Ушбу қоидани зикр қилиш орқали нима демоқчи бўлганимни қуидаги нуқталарда изоҳлаш мумкин:

1. Нега биз оламдан бир бўлакмиз?

Бу жуда муҳим савол. Сабаби, айрим одамлар бу ҳақиқатни буткул эътибордан четда қолдирадилар. Шундан келиб чиқиб, фарзандларининг нималарни хоҳлашини ҳам, уларни қийнаётган муаммо-

лар шаклини ҳам тушунишга қодир бўлмайдилар ва буларнинг барчаси билан қандай муносабатда бўлишни ҳам билмайдилар.

Биз ҳеч қачон бугунги ҳолатимиздагидан кўра кўпроқ атрофимиздаги оламга алоқадор бўлмаганмиз. Ҳозирдаги турли алоқа воситалари, сунъий йўлдош телеканаллари, интернет ва қудратли механизмларга эга бўлган глобализация (оламийлашув) жараёни бир вақтлар тилга олинган “мамлакат ичкариси ва ташқариси” деган тушунчалар ўртасидаги ҳудудларни олиб ташлади.

Глобализация барча нарсаларни: фикрлар, орзу-ҳаваслар, дидлар, ўлчовларни, шунингдек, муммолова ва ахлоқий инқиroz шаклларини ҳам оламийлаштириб юборди.

Ўтмишда фарзандларни нисбатан ёпиқ муҳитларда тарбия қилган бўлсак, эндиликда тарбия қилар эканмиз, уйимиз эшик ва деразаларидан туриб оламни у чеккасидан бу чеккасигача кўриш мумкин. Табиийки, бу нарсанинг ижобий ва салбий томонлари бор. Бироқ, огоҳ бўлмасак, ён-атрофда нималар содир бўлаётганини тўла-тўқис англаб етмасак, салбий томонлар ижобий томонларни қоплаб юбориш эҳтимоли катта.

Қолаверса, биз Аллоҳ таоло башарият фитратида яратган табиий хислатлар, эҳтиёжлар ва интилишлар жиҳатидан ҳам оламнинг бир бўлагимиз.

Хитойда юз кишини хурсанд қилган нарсанинг айнан ўзи Ливан ёки Америкадаги юз кишини хурсанд қиласди. Шунингдек, Голландияда юз кишини безовта қилган нарсанинг айни ўзи Судан ва Филиппиндандағы юз кишини безовта қиласди. Албатта бу умуман олганда, яъни бирон бир мамлакатдаги одамлар, баъзан бир оила аъзолари бир-бирларидан фарқ қиласидиган майда-чуйда тафсилотларга қаралмаса шундай. Негаки, барча одамлар мақтov, мол-дунё, кўчмас мулк, обрў-эътибор ва пулни севадилар. Ҳамма ҳам роҳат-фароғат, гўзал нарсалар, шод-хуррамлик ва хушмуомалалик шайдоси. Барча одамлар камбағаллик, касаллик, шовқин-сурон ва танқиддан юраги сиқиласди, ахлат ва хунук нарсалардан эса жирканади. Сўзимизнинг тасдиги ўлароқ, Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзини ўқиш мумкин: “**Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш зийнатлаб кўрсатилди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бордир**” [Оли Имрон: 14].

Модомики ҳамма жойдаги одамларнинг инсоний табиатлари бир хил бўлмаса-да бир-бирига ўхшаш экан, бу дегани фарзандларимизнинг эҳтиёжлари маданиятлари бизникидан фарқли, бошқа дин ва мағкураларга мансуб кишилар фарзандларининг эҳтиёжларига яқин бўлиб қо-

лади. Шунингдек, фарзандларимиз ҳаётларининг турли босқичларида дуч келадиган муаммолар ҳам уларнинг муаммоларига ўхшашdir.

Биз оламнинг бир бўлагимиз. Негаки, ғарб мамлакатлари тарбия соҳасида жуда катта тажрибаларга эга. Уларда бу борада катта миқдорда илмий изланишлар, тадқиқотлар ва статистик маълумотлар мавжуд бўлиб, улар бу маълумотларни ер юзининг турли бурчакларига ёйишга эришдилар. Шунингдек, бу тадқиқот ва маълумотлар барча маданиятли ва маданият йўлидан бораётган халқлардаги ҳар қандай тарбиявий ғоя ва тушунчалар ҳамда тарбия одобининг асосини ташкил этиб қолди. Бу ҳақиқатдан ҳеч кимса кўз юмиши мумкин эмас.

2. Ташқи олам билан боғланиш ва ундан ажralиб туриш масаласи.

Бу ўринда биз ташқи оламга бўлган эҳтиёжимиз борлигини, бироқ унинг салбий таъсирларидан хавотирда эканимизни кузатишими мухим. Менимча, ҳар қандай оқил кишиларда бундай хавотир бўлиши лозим ва табиийдир.

Биз тарбия соҳасидаги услугуб ва воситалардан фойдаланиш, болалардаги интилишларга ташхис қўйиш, уларнинг турли хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш борасида ажнабий маданиятлардан фойдаланиш оқибатидан қўрқмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу борадаги жаҳон тажрибаси

ва изланишларига мухтожмиз. Мен чет тиллардан таржима қилинган тарбиявий китобларда бебаҳо фойдалар олиш мумкин бўлган кўплаб доно фикр ва мулоҳазаларга дуч келаман. Тўғри, бу фикр ва мулоҳазалар одатда юксак даражадаги барқарорлик ва бой-бадавлат шароитда турмуш кечирадиган кишиларда учрайдиган айрим муболағалардан холи эмас. Бундай муболағали ҳолатларга ўша миллатнинг ўзига хос маданияти деб қарашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Тарбия соҳасидаги ўзимизга хос жиҳатлар тўғрисида гапирсак, бундай ўзига хослик икки нарсада кўринади:

- 1) Ўзимизга хос ақида, ҳаётга нисбатан муносабатимиз ва барча хатти-ҳаракатларимизни ўйналтириб турувчи шаръий аҳкомлардан келиб чиқувчи ахлоқий қонун-қоида ва қадриятлар. Бу қонун-қоида ва қадриятларнинг айримларига ишора қилишдан олдин шуни эслатиш лозимки, жаҳондаги барча халқлар ўртасида муштарак бўлган маданий қадриятлар мавжуд бўлиб, улар раҳм-шафқат, ўзгаларга яхшилик қилиш, адолат, кечиримлилик, қўшнига яхшилик қилиш, ота-онага мурувват кўрсатиш, вафодорлик, ростгўйлик ва жасурлик каби умумий ахлоқ-одоб ва қадриятларнинг саксон фоизидан кўпроғини ташкил қиласи. Ҳа, бу қадриятларнинг воқеликдаги кўриниши ҳар бир муҳитда турлича бўлиши мумкин. Бироқ

нимада бўлгандаям, ҳеч бир халқнинг мактабда болаларга ёлғончилик, ўғирлик, хиёнат, зулм ва ота-онани таҳқирлаш каби иллатлар яхши хислатлар эканини, улар ўз ахлоқини бундай хислатлар билан бойитиши зарур эканини уқтираётганини топмайсиз.

Қадриятлар соҳасидаги биз мусулмонларнинг ўзига хос томонларимиздан бири ибодатлардир. Намоз, закот, ҳаж ва рамазон рўзаси исломнинг энг катта рукнларини ташкил этади. Улардан намоз сингари кундалик бажариладиган ибодатлар мавжуд бўлиб, тарбиячи унга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, аврат, таҳорат ҳамда эркак ва аёл жинси ўртасидаги ўзаро муносабатлар борасида ҳам бошқа кўп халқларда мавжуд бўлмаган ўзига хос жиҳатларимиз бор. Овқатланиш, тунни улфатлар билан сухбат қуриб бедор ўтказиш ва бошқа кўнгилхуш тадбирлар хусусида ҳам мусулмонларда очиқ шаръий аҳкомлар мавжуд бўлиб, мусулмон мураббий фарзандларининг бу борадаги хатти-ҳаракатларига бефарқ қарай олмайди.

Эҳтимол, энг муҳим маданий-маърифий ўзига хос хусусиятимиз дунё ҳаётига ва Аллоҳ таолога нисбатан муносабатимиз бўлса керак. Мусулмонлар дунё ҳаётига охират экинзори деб қарасалар, Аллоҳ таоло билан бўлган алоқага эса, шунчаки Уни таниш ва борлигига икрор

бўлиш эмас, балки яхши кўриш, ибодат қилиш, бўйсуниш, буйруқларига риоя қилиш, қайтарган ишларидан тийилиш ва ҳар вақт Унинг ризосини қозонишга интилиш алоқаси деб қарайдилар: “**(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «Албатта намозим, ибодатларим, (яъни қиласиган қурбонликларим) ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У Зотнинг биронта шериги йўқдир. Мен мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйсингувчиларнинг аввалги – пешқадамиман”** [Анъом: 162-163].

- 2) Қадриятлар пиллапояси ва ҳар бир қадриятга ўзига лойиқ мартаба бериш. Бу бугунги кунда ер курраси халқлари ўртасидаги асосий фарқни ташкил этади.

Қадриятлар пиллапояси қонуни дегани – бир вақтнинг ўзида иккита қадрият жамланиб қолган ва фақат улардан биригагина риоя қилишга тўғри келган чоғда қиймати каттароқ қадриятни асраб қолиш мақсадида қиймати пастроқ қадриятни қурбон қилиш демакдир. Бу ҳолат ҳар куни бир неча бор такрорланади. Фарзандларнинг ўқишида муваффакият қозониши қадрият. Бундай муваффакият имтиҳон кечаларидан сингари, гоҳида ярим кечага қадар бедор ўтиришни тақозо қиласи.

зини ўз вақтида адо этиш эса бунданда катта қадрият. Шу боис, муваффакиятга эришиш йўлидаги ҳар қандай бедорлик бомдод намозини ўз вақтида адо этишга халал бермайдиган доирада амалга ошиши лозим.

Чиройли ва бежири мактабнанда яшаш қадрият. Бироқ ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг кўнглига қараш унданда улкан қадрият. Шунинг учун ота-она бундай мактабнанда яшашга рози бўлмасалар, албатта уларнинг истагини қондириш биринчи галдаги масаладир.

Шунингдек, сатри аврат ҳам, чиройли кийиниш ҳам қадрият. Бироқ қиз боланинг шариат доирасида сатри аврат қилиши муҳимроқ қадриятдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳар қандай чиройли кийиниш шакллари шаръий сатри аврат доирасида бўлмоғи керак.

Илм ўрганиш ниятида сафарга чиқиш улкан бир қадрият. Аммо, Аллоҳнинг буйруқлари-га риоя қилиш, динда сабит қолиш ундан ҳам катта қадрият. Шу сабаб, борди-ю, фарзандлардан бирининг ўқиши учун сафар қилиши унинг динига таъсир қиласи, деган ўй устун келса, у ҳолда фарзандимизни ёлғиз ўзини хорижга юборишдан тийиламиз ва ҳоказо.

4. Мусулмонлардаги тарбиявий назариялар бошқа халқлардаги бундай назариялардан

фарқлидир. Шу нарсаны хотиржамлик ва аник ишонч билан айтишим мумкинки, кўпгина ному-сулмон халқлардаги тарбиявий назариялар қандайдир “бўғилиш” ҳолатини бошидан кечиради. Негаки, фарзандларни яхши ва фозил инсонлар бўлишга қизиқтириш, модомики улардаги кучли хоҳиш-истаклар ва интилишлар билан уйғунламас экан, кутилган самарасини бермайди. Сабаби, фозил инсон бўлиш уни йўлдан оздирадиган талай шаҳватлардан йироқ туриш демақдир.

Бениҳоят қаттиқ чанқаган кишини олдида турган муздек сувни ичмасликка ундаш қанчалар оғир. У бизнинг сўзимизга қулоқ солиши учун унга таклиф қилинган мукофот бениҳоят қийматли бўлиши лозим.

Оврўполик мураббий руҳият олами ҳақида, фозил инсон ичида ҳис қиласидиган мўл-кўл мукофотлар тўғрисида сўзлар экан, унга нисбатан қандайдир ачиниш ва хайриҳоҳлик туйғусини ҳис қиласман. Унинг ҳолати гуёки чиройли қафас ичра қанот силкитиб учишга шайланган серғайрат қуш ҳолатига ўхшайди. Унинг сўзлари чиройли, иборалари ёқимли, бироқ қониқарлилик етишмайди. Негаки, унинг сўзлари мазмун жиҳатдан пуч сўз ва иборалар. Шу боис, Ғарб мамлакатларида оиласаларнинг тез бузилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Қолаверса, у ердаги жамиятлар ҳам қарийб тарқоқ ҳолатга келиб бўлган, оила ва жамиятни тузатишга ярайдиган чинакам ислоҳотларга оид фикр ва ғо-

яларни ишлаб чиқилишига бирон бир умид қолмаган.

Буюк даҳо дея тавсиф этилган таникли файласуф Волтер, у ҳақда кўпчилик билган машҳур мафкурага хилоф ўлароқ, Аллоҳнинг борлиги, Унинг ҳикмати ва инсон ақли Уни тўлиқ идрок этишдан қосир экани тўғрисидаги кучли эътиқодини очиқча баён қиласди. Бироқ шунга қарамасдан, одамлар орасида зулм ва ёвузлик тарқагани, Аллоҳ таоло бунга қандай изн берганини изоҳлаб берувчи жавоб топа олмайди. Чунки унинг замонасидаги худосизлар шундай дейишган эди: “Қани бу борлиқдаги адолат ва эзгулик?! Бизнинг олдимизда иккита фараз бор:

Ё Аллоҳ таоло ёвузликка чек қўйишга қурби етса-да, чек қўйишни истамаган!

Ё бўлмасам, ёвузликка чек қўйишни истаган-у, бироқ қурби етмаган!!

Биринчи фаразда Аллоҳни адолатли дейиш мумкинми?!

Иккинчи фаразда эса Уни ҳар нарсага қодир зот деб бўладими?!”.

Волтерда худосизларнинг бу саволларига тайинли жавоб йўқ эди. Мусулмонларда эса бу саволларга қуёш сингари порлоқ жавоблар бор. Бу жавоб

холосаси шундан иборатки, бу дунё имтиҳон ва синов дунёсидир. Дунё гүёки икки бўлимдан иборат ҳикоянинг биринчи бўлими. Охират эса жазо ва мукофот, мазлумлар учун золимлардан ҳақ-хуқуқлари ундириб бериладиган диёр — гүё ҳикоянинг иккинчи бўлимидир. Шу боис, дунёда ёвуз кимсаларнинг бўлиши ҳам, уларнинг дунёда жазоланмай қолаётгани ҳам табиий ҳолат. Бу маъно қўйидаги ва бошқа талай оятларда очиқ-ойдин баён қилинган: “**Биз сизларни (сабр-тоқатла-рингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам имтиҳон қилурмиз. (Кейин бар-чаларингиз) фақат Бизгагина қайтарилур-сизлар**” [Анбиё:35]. “**Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур**” [Залзала:7-8].

Ваҳий хидоятидан маҳрум, моддий мафкурага бурканган Farb тадқиқотчилари бутун диққат-эътиборларини тарбиянинг ақлий ва жисмоний томонига қаратиб, масаланинг иймоний ва руҳий томонини эътибордан четда қолдирадилар. Шунингдек, улар бу борадаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам фақат моддий андаза асосидаги дунёвий муваффакият ва ютуқларни қўлга киритишга қаратиб, охират саодатига элтадиган тақводорлик ва диёнатлилик тушунчалари мутлақо уларни қизиқтирумайди. Биз мусулмонлардаги тарбиявий

назарияларнинг бошқаларни кидан кескин фарқ қилиши ҳам шундадир.

Мусулмон мураббий тарбиядаги ўрнак тўғрисида сўз юритар экан, юксак эътиборли шариат назарида фозил саналган инсон ҳақида сўз юритади. Шунингдек, тарбия дастури, унинг мақсад ва ғоялари тўғрисида сўз юритар экан, исломий андазаларга мос ва исломий ахлоқ-одоблар доирасидаги солих фарзандлар етиштиришга ёрдам берадиган нарсалар ҳақида сўз юритади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бизнинг тарбиявий ўзига хослигимиз умумий тарзда мақсад ва ғоялар, асослар, қадриятлар ва одоб-ахлоқларда ҳамда уларнинг қадриятлар пиллапоясидаги тартибида ўз аксини топади.

Биз мусулмонлар билан бошқа халқлар ўртасидағи тарбиявий муштараклик қўпроқ услугуб, восита ва ташкилий чора-тадбирларда кўринади. Демак, биз мураббийлар ўзимизга хос хусусиятлар ҳамда биз билан бошқа халқлар ўртасидаги ҳар икки томонга тегишли муштарак ишлар хусусида онг ва тушунчаларни ёйишимиз зарур экан.



Учинчи қоида:

МУҲИТ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛМИ?

Бу қоидани савол тарзида келтиришим боиси, бу хусусда фикр юритишлари учун ўқувчилар эътиборини жалб қилишдир. Аслини олганда, муҳит ҳал қилувчи омил, десам муболаға қилмаган, янглиш гапирмаган бўламан. Табиийки, ёш болалар уй, мактаб, кўча ва маҳалла сингари турли муҳитларда ўсиб улгаядилар. Бироқ мен бу ўринда айнан эътибор қаратмоқчи бўлган муҳит — бу оила муҳити. Чиндан ҳам оила муҳити бола ҳаётига энг кўп таъсир ўтказувчи муҳитдир.

Оила муҳити бир қанча унсурлардан ташкил топади. Бу унсурларнинг энг муҳими оила аъзоларининг шахсиятлари, улар эга бўлган мафкура ва қадриятлар, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқалар тури, шунингдек, оиласининг ички яшаш тарзи, улар яшайдиган уйнинг ҳолати ва тузилишидир. Афсуски, ўта муҳим бўлишига қарамай, биз оила муҳитини ташкил этувчи мазкур нарслар ҳақида кўп ҳам бош қотирмаймиз. Аслида эса

соғлом оила мұхити яратиш учун алоҳида эътибор ва маҳсус режалар тузишга эҳтиёж бор.

Мұхитнинг болалар шахсиятига таъсирини кўрсатувчи энг катта далиллардан бири шундаки, мусулмон жамиятида ўсиб-ўлғайган болаларнинг 99 фоизидан кўпроғи мусулмон бўладилар. Айни кўрсаткични насроний, буддизм ёки яхудий жамиятларида вояга етган болалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шуни нарса аниқки, қўлимизда кузатув ва аниқ тажрибалардан ташқари, яхши оила мұхитини яратиш мұхимлигини таъкидловчи талай тадқиқотлар мавжуд. Шундай тадқиқотлардан бири оиласда тарбия иши билан ёлғиз онанинг шуғулланиши оқибатлари хусусида ўtkазилган тадқиқотдир. Натижалар шуни кўрсатдик, аёл кишининг мувозанатсизлиги боис, унинг якка ўзи бола тарбия қилиши бола шахсиятига салбий таъсир кўрсатар экан. Бола гарчи ўсмирлик ёшига етса-да унда гўдакларга хос хатти-ҳаракатларнинг устунлиги, кўпроқ ўзгаларга суюниш ва бўйсунувчанликка мойиллиги, аксинча, баъзан болада қайтарлиқ ва зўравонлик табиати пайдо бўлиши мазкур салбий таъсир оқибатидир. Албатта, бу борада боланинг қиз ёки ўғиллигига қараб салбий таъсир ҳам турлича бўлади.

Шунингдек, бошқа бир тадқиқот натижаларига кўра, ота-онанинг ҳар иккиси тарбияси остида вояга етган болалар фақат она ёки ота қарамогида ўсиб-ўлғайган болаларга нисбатан ўқиши, ёзиш ва

ҳисоб-китоб борасидаги қобилиятлари яхшиrok бўлар экан. Бунга сабаб, ёлғиз ота ёки онанинг ўзи яхши оиласий мухит пайдо қилишга қодир эмас-лигидир. Зеро, ота-она ўртасидаги ўзаро такомиллашув, ҳамкорлик ва ҳар иккисининг бевосита бола тарбиясини назорат қилиши биз эришмоқчи бўлган мухитни яратишдаги асосий омилдир.

Бу фарзандлар тарбиясидан бошқа ҳар қандай ишлар билан банд бўлган, фақат шаклан ота ёки она бўлмиш кимсаларга огоҳлантириш рисоласидир.

Америкалик баъзи руҳшунос олимлар ўтказган тадқиқотда қамоқҳоналарда туғилиб, фақат оналари билан ўсиб-улғайган қизлар билан фаровон ва дабдабали мухитда туғилиб ўстган бой-бадавлат кишиларнинг болалари ўртасини таққосланади. Тадқиқот кутилмаган натижа беради: ота-оналарнинг бандлиги сабаб қасрларда ёлланма тарбиячи аёллар ва хизматкорлар қўлида улғайган болалар маҳбус аёлларнинг фарзандларидан ҳеч бир соҳада устун бўла олмадилар. Сабаб, қамоқ шароитида ўсиб-улғайсалар-да, бу болаларнинг ўз оналари олдидан ажрамаганлигидир.

Ножӯя хатти-харакатлар ва безориликка берилган ўсмирлар оиласарининг ижтимоий ҳолати тўғрисида Саудия Арабистонидаги шаҳзода Найф университетида ўтказилган бошқа бир тадқиқотдан равшан бўлишича, бундай ўсмирлар соғлом оила-

вий ришталарга мұхтожлар. Негаки, бу ўсмирлар билан уларнинг ака-укалари ўртасидаги алоқалар узилганилиги, балки, айрим ҳолларда ўрталарида адоват борлиги маълум бўлди. Шунингдек, ота-она билан ўсмир орасидаги муносабатлар ҳам қониқарли эмас. Сабаб ота-оналардаги фарзандларини назорат ва тергаш даражаси пастлиги, уларга нисбатан ортиқча қаттиққўллик билан ёндашиш, эътиборсизлик ёки фарзандларга бирдек қарамаслик, улар ўртасида айирмачилик қилиш сингари тарбияга зид услубларни қўллашдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оилавий мұхитда меҳр-шафқат, ғамхўрлик ва хотиржамликнинг етишмаслиги ўсмирларни мазкур бўшлиқни тўлдириш учун ўз тенгдошлари билан яқин ва мустаҳкам алоқалар ўрнатишига олиб боради. Улар оиласда топмаган хотиржамлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлаш тушунчаларини тенгқурларида топганлиги учун шундай йўл тутадилар ва бу аксар ҳолатларда ўсмирларнинг бузилишига, ёмон йўлларга кириб кетишига олиб келади.

Таълим-тарбияга эътибор берган зиёли хонадонларда барча фарзандлар ёки кўпчилиги мактабни битириб олийгоҳларда ўқиши давом эттирадилар. Таълим-тарбияга эътиборсиз, илмни қадрламайдиган оилаларда эса фарзандлар мактабни ҳам битирмай ўқиши ташлаб юборадилар. Бунга фарзандларнинг ўқишини севмаслиги, китоб мутолаа

қилишга ҳафсаласи йўқлиги ва уларда амалий меҳнатга мойиллик борлиги баҳона қилиб кўрса-тилади. Афсуски, бундай ота-оналар қизиқиш ва интилишларни катталар пайдо қилиши, бу туйғуларни болаларда улар парваришлиши лозимлигиги билмайдилар. Агар катталар ўқишини давом эттириш қийматини билмас эканлар, бунга эътибор бермас эканлар, у ҳолда фарзандларининг кўпчилигига илмий йўналиш бўйича иш олиб боришга рағбат ва интилиш бўлмаслик эҳтимоли каттадир.

Оилавий муҳитни ташкил қилувчи унсурлар:

1) Лаёқатли ота-она:

Ота-она — оиланинг вужудга келиш сабаби ва унинг устуни. Ота-онанинг шахсий характери, улар иккиси ўртасидаги алоқа тури ва иккисининг фарзандлар билан алоқаси йиғиндисидан оиласди-ги инсоний ва руҳий муҳит ташкил топади. Шуни очиқча айтиш мумкинки, агар биз катталар лаёқатли бўлсак, бошқача қилиб айтганда, сўзимиз билан хатти-ҳаракатимиз ўртасидаги фарқ қисқа ва жуда қисқа бўлса, ана ўшанда тарбия иши осон, самарали ва муваффақиятли кечади. Аммо фарзандларимиздан ўзимиз амал қилмайдиган баъзи фазилатли хулқларни талаб қилсак ёхуд улардан ўзимизда мавжуд салбий хислатлардан воз кечиши-ни талаб қилсак, у ҳолда болаларимизни тарбиялашимиз жуда оғир ва самарасиз кечади ва кутилган натижани бермайди.

Бундай ҳолатларда фарзандлар тилларида айтмасалар-да, бирок ичидә биз катталарға шундай дейдилар: “Күзгуга бир қаранглар, ўшанда сизларни баъзи вазифаларни бажармасликка ва айрим хато ишларға құл уришга ундаған нарсанинг айнан ўзи бизни ҳам шундай қилишга ундаған эканини күрасизлар. Ҳолбуки, сиз катталар ақлан етүк, ишларнинг оқибатини биладиган тажрибали одам бўлсангизлар!” Ҳа, қуш инида кўрганини қиласди, деб бекор айтишмаган.

Биз катталар болаларнинг кўзидан қочишимиз, улар биз қилаётган ишлардан ғофил деб ўйлашимиз мумкин. Лекин бу тўғри эмас, улардан яширинишининг имкони йўқ. Негаки, улар бугун яширган нарсамизни эртага аник кўрадилар. Ким бир хулқ-авторни ичидә сир тутса, Аллоҳ унга ана ўша хулқнинг “тўн”ини кийдириб қўяди. Шоир айтганидек:

Кишида бўлса гар бирон табиат,
Ҳарчанд яширмасин билинар албат.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, боланинг ҳаётига таъсир ўтказадиган энг катта ўрнак-намуна ота-онадир. Ўғил болалар асосан оталаридан, қизлар эса оналаридан таъсирланадилар. Албатта, бу тушунарли, табиий бир ҳолат. Негаки, ўғил болалар келажакда оталари, устозлари ёки уларнинг кўзига муваффакиятли ва буюк шахслар бўлиб кўринган кишилардек бўлишга ҳаракат қиласдилар. Қиз

болалар ҳам худди шундай. Шу боис, киши уйланиш мақсадида бирон бир қизнинг қўлини сўрар экан, шуни унутмаслиги керакки, ана ўша қиз келажакда фарзандлари тарбия топадиган оиласид мухитни ташкил этишда унга ҳамкорлик қилади. Шунингдек, унинг бўлажак қизларининг тарбияси га таъсир этувчи асосий омил бўлишини кўз олдига келтириши лозим. Ўз навбатида, қиз ҳам қўлини сўраб келган йигитга розилик билдирад экан, умр йўлдошининг бўлажак ўғил фарзандларига таъсир этувчи бош омил эканини ёдда тутиши лозим.

Иzlанишлар шуни кўрсатадики, ҳаётда ўrnak олишга арзийдиган намунали шахсларга дуч келмаган болалар теварак-атрофида ўзлари севганд ва ёқтирган намунали шахслар қуршовида ўсиб-ўлғайган болалар билан қиёслаганда кўпроқ муаммоларни бошдан кечирадилар.

Статистик маълумотларга қараганда, оталари та- маки чекувчи болалардаги кашандаликка чалиниш нисбати бошқа болаларга нисбатан уч бара- вар юқоридир. Шунингдек, ота-оналаридан бири ҳаддан ортиқ семизликка мубтало бўлган болаларнинг ўсмирилик даврида ортиқча вазн ёки ҳаддан ташқари семизлик дардига чалиниш нисбати 70-80 фоизни ташкил қилади.

Биз чиндан ҳам ўзимизнинг кундалик юриш-туришимиз ва хатти-ҳаракатларимиз орқали фарзандларимизнинг бўлажак хулқ-атворини белги-

лар эканмиз. Бундан ҳам ортиғи бизлар оиласый мұхит орқали болага ўзини танитамиз, унинг келажак орзу-истаклари ва интилишларининг турини яратамиз ҳамда ундаги бу орзу-истакларнинг бўсағасидан тортиб, то чўққисигача, яъни бола орзу қилган энг қисқа ғоя ва у эришмоқчи бўлган энг юксак орзугача белгилаб берамиз.

Қиз бола отасининг онасига лутф ва назокат ила муомала қилишини, онасининг кўз қарашини эҳтиром қилганини кўргач унга ҳам ана шундай муносабатда бўладиган йигитга турмушга чиқиши ўз ҳаққи деб билади ва бундай турмуш ўртоққа эришиш пайида бўлади. Борди-ю, отаси онасига нисбатан совуққон ва бепарво ёки қўрс ва қўпол муомалада бўлса, у ҳолда бундай қиз совчи юборган йигитда ўз орзу-истакларига муносиб хислатлар бор ёки йўқлигига унчалик қизиқмайди. Агар совчилар келавермаса, ўзидағи меҳр-муҳаббатга бўлган ташналиkn қондириш учун эҳтимол ўз дугоналарига ёки интернетта мурожаат қилади. Шундай қилиб, у ахлоқий бузилиш йўлидаги дастлабки қадамини ташлайди.

Биз фарзандларимизга ўз қадриятларимиз ва одоб-ахлоқимизни мажбуrlаб сингдиришни истамаймиз. Нега дейсизми? Чунки қадриятлар зўрлаб сингдирилмайди. Буни Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидан ҳам илғаб олишингиз мумкин: “**Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зоро) рушду ҳидоят залолатдан ажраб бўлди**” [Бақара: 256],

“Ахир сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қилурмисиз?” [Юнус: 99]. Биз чиндан ҳам ўзимиз ишонган, ҳақ эканига иймон келтирган қадриятларимиз фарзандларимизга ўтишини истаймизми? Агар чиндан ҳам хоҳласак, бунга имкон яратадиган олдимизда биргина йўл бор. У ҳам бўлса уларни ўзимизга жалб қилиш, юриш-туришимиз ва хатти-ҳаракатларимизда қадриятларимизга нисбатан садоқатимиз, қатъиятимиз ва ихлосимизни уларга кўрсатиш.

Бир йигит шундай ҳикоя қиласди: “*Болалик чоғимда дадам билан бирга машинада кўчага чиқдик. Машинада кетаётиб йўлни кесиб ўтаётган ҳасса суянган кекса отахонга дуч келдик. Отахон йўлнинг ўртасига етганида светофорнинг яшил чироғи ёниб, машиналар отахоннинг орқа-олдидан шиддат билан ўта бошлади. Шунда дадам зудлик билан машинани тўхтатдилар-да, сакраб тушиб отахоннинг олдига бордилар ва ДАН ходими вазифасини бажариб, машиналарни тўхтатдилар. Сўнгра отахоннинг қўлидан тутиб йўлни кесиб ўтишига ёрдам бердилар. Узоқ ишлар олдин бўлиб ўтган мазкур воқеа бир умр хотирамда михланиб қолди. Бу воқеа орқали ташаббускорлик ва олийжаноблик бобида шу қадар салмоқли сабоқ олдимки, эҳтимол бу борада ёзилган уч юз саҳифалик китоб ўқиб ҳам бунчалик ибрат ололмас эдим*”.

Фарзандларимизни яхши ва салоҳиятли тарбиялаш иши аввало ўзимиздан бошланади. Бунинг

учун биз ўзимизни тарбияламоғимиз, токи фарзандларимиз амалий тарбия топиши учун нағсимишга босим ўтказишимиз, уни жиловлашимиз зарур. Бунинг учун ўзимизда қатъият пайдо қилмас эканмиз, күп нарса йўқотишимиз муқаррар.

Чинакам камбағал миллат мўл-кўл бойликларга эга бўлмаган миллат бўлмай, балки фарзандлари теварак-атрофга боқиб, ўрнак олишга арзигулик инсонлар учратмаган ёхуд фақат ахлоқий таназзулга юз тутган эркак ва аёлларнигина учратган миллатдир. Шунингдек, камтарона моддий имкониятларга эга уйда яшаган оила факир оила эмас. Балки оиласидаги фарзандлар ота-онада ўрнак оладиган айтарли бирон ижобий хислат топмаса, ана ўша оила камбағалдир. Зеро, бойлик ва камбағалликнинг ахлоқий-маданий ўлчови шудир.

2) Тинч, осойишта ва қувноқ мұхит:

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло болага шундай шахсият ато этганки, одатда бу шахсият умид, қувноқлик, хотиржамлиқ, қатъият, савол бериш ва атрофдаги барча нарсаларни ўрганишга бўлган қизиқиш, шунингдек, соддадиллик ва маъсумликка тўла бўлади. Бироқ ҳаёт ташвишлари, ота-она ўртасидаги келишмовчиликлар, асабий тарангликлар ҳамда бола у ер-бу ердан эшитадиган турли ташвишли хабарлар туфайли ундаги мазкур ижобий хислатлар ва руҳий кўттаринкилик пасайиб боради. Секин-аста турли-туман ғам-ташвишлар унинг

дилига йўл топа бошлайди. Шунинг учун бола Аллоҳ таоло унга инъом этган мазкур ажойиб хислатларни имкон қадар кўпроқ сақлаб қолишига ёрдам берадиган муҳит яратиш бизнинг бурчимиздир. Албатта, бу биздан кўп меҳнат талаб қиласи:

- Болага ростгўй, ишончли ва софдил деган эътиқодда муомала қилиш;
- Имкон қадар тинч, осойишта ва сокин маскан яратиш;
- Яхши кўриш, ўзаро меҳр-шафқат, эътибор, қадрлаш, майин муносабат;
- Меъёридаги ҳазил-мутойиба, қувноқлик ва некбинлик;
- Имкон қадар оила аъзолари ва оиладан ташқаридаги кишиларни оз танқид қилиш;
- Болага эрталабдан кечгача дарс ва ўқув машғулотлари юкламасдан, унинг тоқат чегарасини тушунишга ҳаракат қилиш, шунингдек, унга вазифаларини катта қизиқиш ва иштиёқ билан бажаришига шароит яратиш;
- Фарзандлар ўртасидаги жисмоний ва ақлий тафовутни инобатга олиш, улар ўртасида адолат қилиш;

- Үзаро ҳурмат, фарзандларни хато қилишга ун-даган сабаб ва ҳолатларни тушунишга ҳаракат қилиш;
- Катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар хато қилган кишининг узр сўраши;
- Айрим хато-камчиликлардан кўз юмиш. Зеро, инсон зоти хатокордир.

3) Шинам уй:

Биз мұхит таъсири тўғрисида сўз юритар эканмиз, оила аъзоларини ўз бағрига олган уй ҳақида гапирмай ўтольмаймиз. Чиндан ҳам уйнинг инсонга таъсири бениҳоят улкан. Зеро, биз аввало уйимизнинг меъморий режасини тузамиз ва уни бино қиласиз. Шундан сўнг уйимиз бизнинг ҳис-туйғуларимизни шакллантиради. Бир қанча тадқиқотлар, кузатишлар шуни қўрсатадики, кенг, шинам, баҳаво, сокин ва осойишта уйда яшаган инсонларда қаноат, қатъият ва устунлик ҳис-туйғулари пайдо бўлиб, бундай одамлар ўз ўрталарида ўзаро меҳр-оқибатли ва лутф-марҳаматли бўладилар. Аксинча, тор, дим, бетартиб ва исқирип уйда яшаган инсонлар ўртасида сиқилиш ва ҳаётдан норозилик шуури устун бўлиб, бу уларда бадбинлик кайфиятини туғдиради. Оқибатда, бундай уй бездирувчи мұхиттга айланади. Маълумки, одатда оналар уй торлиги сабаб, айниқса уйга меҳмон келган пайтларда фарзандларини уйдан ташқарига чиқишига

ундайдилар. Табиийки, уйни тарк қылган болалар күчада қаровсиз қоладилар.

Менимча, она уйни покиза ва саранжом-саришта тутиш орқали уни кўркам бир масканга айлантириши лозим. Оиланинг моддий имкониятлари ҳар қанча оғир бўлишига қарамай, бу борада оналар кўп ишлар қилиш имкониятига эгалар.

Охирги пайтларда уйларни жиҳозлаш, безаш ва тартибга солиш соҳаси кескин ривожланди. Уларнинг кўпи бу борадаги тадқиқотлар ва илмий асослардан келиб чиқсан.

Мен ота-оналарни, айниқса оналарни уйга эътибор беришга чақираман. Токи, уйларимиз тотувлик, роҳат-фароғат ва шодлик масканига айлансин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, уйларимизнинг тузилиши ва манзарасига бўлган эътиборимиз мўътадил ва меъёрида бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, оилавий муҳит масаласи кўп гапиришни тақозо қиласди. Масаланинг аҳамиятини янада ойдинлаштириш максадида келгусида бу мавзуга яна қайтиш умидида учинчи қоидамизни ниҳоясига етказамиз.



Тұртқынчи қоида:

ТАРБИЯ – ЪЗАРО КИРИШУВЧАНЛИК

Маълумки, томонлар ўртасида ўзаро киришувчанлик юз берсагина таъсир ўтказиш ва ўзгартириш ҳосил бўлади. Баъзан муайян томонлар ўртасида аралашув ва ўзаро яқинлик вужудга келса-да, улар ўртасида киришувчанлик пайдо бўлмайди. Гоҳида бир даврада ўтириб, кимгадир ярим соат мобайнида қулоқ тутсангиз-да, мутлақо унинг гапларидан таъсирланмайсиз. Негаки, унинг сўзларига қулоқ тутар экансиз, гаплари асоссиз эканини ҳис қиласиз, зерика бошлайсиз, унинг ўзи билмаган нарсаларни сўзлаётганидан сиқиласиз. Оила мұхитидаги тарбия жараёни ҳам худди шундай. Баъзан бир оила аъзолари ўзаро бир-бирлари билан аралашиб юрсалар-да, бироқ кичикларда катталарнинг дунё қараши, рухияти ва юриш-туришига ўхшашлик ва уйғунликни кўрмайсиз. Нега? Чунки бундай оилада ўзаро киришувчанлик ва бир-бирига таъсир ўтказиш ва таъсирланишга тўсқинлик қиладиган мухим тўсиқлар бўлади.

Шуни айтишим мүмкінки, ёш болалар уларни ўраб турған мұхит ҳақида күп нарсаларни билишмайды. Теварак-атрофдаги нарсаларни билмаслик уларда күркүв пайдо қылгани сабаб, бор имкониятларини ишга солиб ҳар бир нарсаны ўрганишга ҳаракат қиладилар. Шу боис, уч ёшар боланинг ота-онаси ва ўзидан катта оға-иниларидан ҳар куни ўнлаб саволлар сұраганинга гувоҳ бўламиз. Шубҳасиз, улар берган жавоблар болага таъсир қиласи, уни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга олиб ўтади. Бунга боладаги савол шаклининг ўзгаргани ва доимий тарзда саволга оид нарса ва мавзуларнинг ўзгариб боришини далил қилиб кўрсатиш мумкин.

Дарҳақиқат, тарбия иши фақат болаларнинг ота-оналар тарафидан содир бўлган кўрсатма ва йўл-йўриқларга бўйсунишларигина бўлмай, балки у икки йўналишдан иборат ишдир. Ота-оналар ҳам фарзандлари билан киришувчан бўлиши, уларнинг сўзларига қулоқ тутиши, муаммо ва дардларига хайриҳоҳ бўлиши ҳамда уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларидан фойдаланишлари лозим. Улардан бу борада ўзлари орттирган ҳаётий тажрибаларига таяниб тарбия услубларини ўзгаришилари талаб қилинади. Агар ота-оналар мазкур ишларни бажармасалар, у ҳолда ота-она билан фарзандлар ўртасидаги реакция тўла амалга ошмайди ва бу ўз навбатида болаларнинг ота-онанинг йўл-йўриқларига бўйсунишларига ҳам салбий таъсир қиласи.

Келгуси сатрларда қуидаги учта саволга жавоб топишга ҳаракат қиласыз:

- Биринчи савол қандай қилиб боланинг киришувчанлигига ёрдам беришга тааллуқли.
- Иккинчи савол бола таъсирланадиган нарсаларни шархлашга тааллуқли.
- Учинчи савол боладаги таъсирланишни кучизлантирадиган ёхуд буткул йўқотадиган омилларга тааллуқли.

1) Боланинг киришувчан бўлиши учун унга қандай ёрдам бериш мумкин?

- а) Фикрий қоидалардан бирига кўра, ҳар қандай нарса ўша нарса билан ташқи олам ўртасида ўрнатилган алоқалар йифиндисидан пайдо бўлар экан. Демоқчиманки, фарзандларимиз ҳам биз билан улар ўртасидаги ўзаро алоқалар турига қараб тарбия топадилар. Агар оила дунёқарашида, рухиятида лутф, очиқкўнгиллик, одоб-ахлоқ ва исломий қадриятларни эъзозлаш хислатлари мустаҳкам ўрнашган бўлса, у ҳолда бундай муҳитда фарзандлар ҳам мазкур хислатларни таълим олиб улғаядилар. Борди-ю, оиласда қўрс муомала, бетамизлик, дағаллик ва бошқа салбий хулқ-атворлар устун бўлса, фарзандлар ҳам ана шундай салбий хислатларни ўзлаштирадилар.

Бу бизлардан фарзандларимиз билан ўртадаги барча алоқа ва муносабат кўринишларини бениҳоят эҳтиёткорлик билан кузатиб боришимизни тақозо қиласди. Негаки, мазкур муносабат ва алоқалар фарзандларимизнинг руҳий ва ақлий жиҳатдан шаклланиш манбаи ҳисобланади.

- б) Фарзандларингизнинг турли саволларига жавоб беринг. Зеро, улар бу савол-жавоблар орқали кўп нарсаларни ўрганадилар. Борди-ю, номуносиб вақтда савол сўрасалар, у ҳолда, масалан “Хозир сен билан гаплашишга имконим йўқ. Кечки овқат дастурхони устида йиғилганимизда истаган саволингни беришинг мумкин”, дея узр айтинг.

Агар фарзандингиз жавобини тушуниши қишин бўлган ёхуд хижолатга сабаб бўладиган савол берса ҳам уни жеркиб берманг, саволни эътиборсиз ҳам қолдирманг. Балки бу саволнинг жавобини у келажакда улғайгач яхши тушуниши, англаб етишини унга айтинг. Бола бироз улгайиб, оқ-қорани ажратадиган ёшга етганида, аввало сўраган саволига унинг ўзидан фикрини сўраш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, болангизнинг “Нега одамлар ёлғон сўзлайдилар?”, деган саволига жавобан: “Бу жуда муҳим савол. Саволга жавоб беришимдан аввал сен менга айтчи, нега одамлар бундай қиласди?” деб унинг фикрини сўранг.

Ёхуд қызы боланинг онасидан: “Нега күпчилик одамлар насиҳатни ёқтирмайдилар?”, деган саволига “Қизим, сен ўзинг айтчи, нега одамлар шундай?”, дея фикрини сўраши мумкин ва ҳоказо...

- в) Фарзандларимиз билан уларнинг интилишлари ва келажак орзу-истаклари ҳамда уларни қийнаган муаммолар түғрисида сухбатлашиш муҳим ишдир. Биз бу орқали фарзандларимизга ўз орзу-умидлари ва ҳис-туйғуларини мантиқий шаклда ифода этишларига фурсат яратамиз. Шунингдек, бу борада уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш учун биз ота-оналар учун ҳам шароит туғилади. Энг асосий ютуқ эса ўзимиз билан фарзандларимиз ўртасида ўзаро таъсир ўтказиш ва таъсирланиш учун янги ирмоқ — восита яратган бўламиз.
- г) Фарзандларингиз билан биз иймон келтирган ўзгармас — собит диний қадриятлар түғрисида, шунингдек, мусулмон сифатида муносабатни ўзгартириш, позициядан чекиниш ва савдолашиш имкони бўлмаган ишлар ҳақида сухбатлашиб туринг. Қолаверса, ҳадеб ўртоқларига кўшилиб уйдан чиқавериши оқибатида унга этиши мумкин бўлган хавф-хатарлар хусусида сўзлаб беринг. Асосийси, буларнинг барчасида фарзандингизнинг фикрини тинглашдир.

- д) Маълумки, уйда айрим кундалик кичик қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Мазкур қарорларда фарзандларимизнинг иштирок этиши орқали уларни ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотга ундаш мумкин. Оила аъзоларининг овқатланиш вақтларини белгилаш, дам олиш кунини мароқли ўтказиш учун жой танлаш ёхуд уй ичидаги баъзи вазифаларни оила аъзолари ўртасида тақсимлаш каби ишлар ана шундай ишлар қабилидандир.
- е) Айрим ота-оналар кўп нарсалар тўғрисида фарзандлари олдида ўта маҳфиёна гаплашишга ҳаракат қиласилар. Тўғри, ёш болаларнинг оиласидаги барча нарсадан хабардор бўлавериси ҳам мақбул эмас. Шундай бўлса-да, фарзандлар уларнинг кундалик ҳаётларига таъсир қиласиган баъзи ишлар тўғрисида ота-оналаридан савол сўрашдан қўрқув ҳис қилмаслиги ҳам ўта муҳимдир. Бундай ишларга оталарининг ишдаги мавқеи, уларнинг ойлик даромади, айрим қариндошлари билан алоқасининг носозлиги ва шунга ўхшаш ишларни мисол қилиш мумкин.

Албатта, фарзандларга нималарни очиқча гапириш лозим ва қандай ишларни болалар билмаслиги мақсадга мувофиқ экани борасида аниқ бирон чегара қўйиш имконсиз. Бироқ болалар уйдан ташқарида ўртоқларининг ота-оналари билан кўп нарсаларни муҳокама

қилишганини, баъзан улардан ўз оиласига оид анча-мунча муҳим сир-асрорларни эшитадилар. Энг асосийси, фарзандларимиз ўзларини оилада бегона, ишончсиз ҳис қилмасликлари, унданда муҳими улар ўз ота-оналари билан эркин ва самимий сўзлашиш ҳиссини туйсинлар.

2) Болага нима кўпроқ таъсир қилади?

Дарҳақиқат, бу муҳим нуқта. Кўпгина ота-оналар айrim фарзандларининг ноқобиллиги ёки мактабдаги қолоқлигидан шикоят қиладилар.

“Болаларни койиивериб, уларга йўл-йўриқ кўрсатавериб чарчадик! Ҳар хил йўл билан тарғиб қилиб кўрдик, бефойда. Ахир биз одамга гапирияпмизми ёки деворгами, билмай қолдик?!”, деган шикоятни кўп эшитамиз ота-оналардан. Аслини олганда, болаларга кўп ваъз-насиҳат қилиш, ҳадеб койиивериш тўғри эмас, балки бу оилада жиддий муаммо борлигини кўрсатади. Бу муаммо оила аъзолари ўртасида ўзаро оилавий таъсир ўтказиш ва таъсирланиш йўқлиги ёхуд заифлигидир.

Болалар эшитган ҳар қандай ҳикмат ва насиҳатдан таъсирланиб кетаверишганида эди, тарбия иши жуда осон иш бўлган бўлур эди. Бироқ таассуфки, бундоқ эмас. Болалар катталардаги ҳис-туйғу ва йўналишлар ва бевосита уларда кузатишган хатти-ҳаракат, юриш-туриш ҳамда уларнинг турли

ўринлардаги ўзини тутишларидан таъсирланадилар. Олдингилар буни аъло даражада англаб етишган эдилар. Ҳатто улардан бири “Бир кишининг минг кишига кўрсатган юриш-туриши, минг кишининг бир кишига айтган сўзидан яхшироқдир”, деган эди.

Шунинг учун бўлса керак, бор-йўғи ўрта мактабни битирган бир онанинг фарзандлар тарбияси соҳасида олий маълумотли онадан кўра кўпроқ муваффақиятга эришганига гувоҳ бўламиз. Сабаби, фарзандлар фақат оналаридағи дунёқараш, тушунча ва тарбияга оид сўзлар билан эмас, балки оналаридағи мустақил шахсият ва болаларига нисбатан масъулият ҳис-туйғусини пайдо қиласидан юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларидан таъсирланадилар.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бола онасининг отаси ёки қўшнисига ёлғон гапирганига бир неча бор гувоҳ бўла туриб, онасининг унга ёлғон сўзламаслик тўғрисидаги ваъз-насиҳатини қандай қабул қилиши мумкин?! Ёхуд отаси уни жамоат намозига бориши, жиддий тарзда дарс тайёрлаш ва телевизор олдида кам ўтиришга буюрса-ю, ўзи буткул бунинг тескарисини қиласа-чи? Бундай ҳолатда бола отасининг буйруқларига қай тарзда ёндашади, деб ўйлайсиз?!

Бу саволларга жавоб тайин, изоҳга асло ҳожат йўқ!

Бу ўринда ўтган мавзуларда зикр қилиб ўтган омиллар: оиласиң мұхит ва амалий ўрнак билан тарбиялаш масаласини яна бир бор эслатиш мақсадға мувофиқдір.

3. Таъсир ўтказиш ва таъсирланишни за-ифлаштирадиган омиллар:

- а) Шу нарсага доим диққат қилишимиз мұхими, биз ота-оналар ўғил-қизларимиз мансуб бўлган авлоддан бошқа авлодга мансубмиз. Шу биргина омилнинг ўзи оила ичкарисида ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро ҳамфирлик ва киришувчанлиқда муаммо пайдо бўлишига етарлидир.

Маълумки, ёш авлод кўпроқ ижтимоий анъана ва чекловлардан озод бўлиш ва уларга риоя қилмасликка мойил бўладилар. Ота-оналар эса, аксар ҳолатларда анъаналарга риоя қилишга интилувчан ва ижтимоий урф-одатлардан чиқмаслик тарафдоридирлар. Шу боис, янги авлод ижтимоий соҳада маъқул ва муносиб деб билган кўп ишларни кекса авлод гайриоддий ва ножӯя деб билиши мумкин. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, ислом уммати Аллоҳнинг раҳмати ёғилган уммат. Зеро, шариат аҳкомлари ва исломий одоб-ахлоқ меъёрлари бу борада ва бошқа турли масалаларда аниқ мезон ва андозаларни белгилаб берган.

Яна шу нарсаны англаб етиш мұхимки, ўспиринлик ёшидаги фарзандларымиздаги ўжарлик ва инжиқликлар бир муддат ўтгач: улар йигитлик ёшига етиб, улардаги ҳис-түйғулар барқарорлашгач, албатта бархам топади.

- б) Баъзи мураббий ота-оналар ўз шахсий фикрларига ҳаддан ортиқ суюниб қоладилар. Уларда ортиқча қаттиққўлликни кузатиш мумкин. Бундай ота-оналар ўзларини фарзандлари олдида доим ҳақ қилиб кўрсатадилар. Фарзандларининг эътиroz билдириши ёки баҳс-мунозара қилиши учун мутлақ имкон бермайдилар. Гуёки уларнинг айтгани сўзсиз ижро этилиши зарур ва муҳокамага ўрин йўқдек... Бундай мураббийлар билиб-бilmаган ҳолда фарзандларининг дилларида доимий норозилик ҳиссини пайдо қиласидилар. Ҳатто айрим фарзандлар қалбида отаси ёки онаси тўғрисида бениҳоят салбий таассурот ҳосил қиласидилар.

Тўғри, аксар ҳолларда ҳақиқат катталар томонида эканида шубҳа йўқ. Бироқ ёш болаларга тааллуқли талай ишлар борки, бу ишларда қарор қабул қилиш уларнинг ҳам хоҳиш-истакларини инобатга олишни тақозо қиласиди. Масалан, оқшом болаларнинг уйқуга кетиши учун муайян вақт белгилаш масаласини олайлик. Албатта бу аслини олганда ижобий иш бўлиб, унга риоя қилиш фойдали. Бироқ бу ўринда баъзи истиснолар бўлиши зарур. Айтайлик,

оилада бирон тантана нишонланиши, имтиҳон кечаси, қайсидир қадрли кишилардан бири-нинг сафардан қайтиши ёки шу қаби ҳолатлар бундан истисно қилиниши керак...

Биз мураббийлар қанчалик ўзимизни ҳақ эканимизга ишонсак-да, фарзандларимизнинг эътиrozларига имкон беришимиз, кўз қарашларимизни уларга ётиғи билан тушунтиришимиз ва кичикларимизни фикримизга қаноатлантиришга ҳаракат қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Токи ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги мулоқот ҳарорати сақланиб қолсин, меҳр-муҳаббат давом этсин.

- в) Болалар билан ота-оналар ўртасидаги таъсир ўтказиш ва таъсиrlаниш жараёнини энг кўп заифлаштирадиган омил — ота-оналарнинг фарзандларни тергаш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва дакки-дашном бериш борасида ҳаддан ошишларидир. Қуйида ана шундай ишлардан айримларини мисол тариқасида айтиб ўтамиш:
- Жисмоний жазо қўллаш ва бу соҳада ҳаддан ошиш;
 - Фарзанднинг хато-камчиликларини ўзига билдириб қўйиш мақсадида уни қариндош тенгқурлари билан таққослаш;

- Фарзанддан бехосдан содир бўлган хато-камчиликлар қаршисида тез аччиқла-ниш, асабийлашиш ва бақириб бериш;
- Фарзандга каттаю-кичик ишларда ортиқ-ча йўл-йўриқ кўрсатиш, унинг мустақил иш юритишига имкон бермаслик. Оқибат, гуёки ота фарзанд кўзига фақат насиҳат, буйруқ ва дашном берувчи шахс сифатида гавдаланиши;
- Оилада сабабчиси номаълум бирон муам-мо вужудга келса ёки бирон буюм синса-ю, синдирган киши номаълум бўлса, ҳадеб фарзандлардан бирини айбдор қиласвериш.

Ота-оналардан содир бўлган бундай хатти-ҳаракатлар, улар билан фарзандлар ўртасида ўзаро раҳм-шафқат, муҳаббат, эҳтиром ва бирдамлик алоқаси пайдо қилиш ўрнига, ўзаро хусумат ва уруш-жанжал алоқасини ўрнатади. Шу боис, бу каби муҳит ҳукм сурган оилаларда ота-оналар билан фарзандларни бир-биридан фарқли бошқа-бошқа оламда ҳаёт кечираётганини ҳис қилиш мумкин.

- г) Фарзандлар билан ота-оналар ўртасини узоқлаштирган энг катта омиллардан бири телевизор дейиш мумкинми? Менимча, шундай десак, хато қилмаган бўламиз. Чиндан ҳам телевизор аксар болаларни ота-оналаридан тор-

тиб олди, шунингдек, китоб мутолаа қилишдан ҳам маҳрум қилди. Тадқиқотларга күра, болалар телевизор экраны қаршисида ота-оналар билан ўтирадиган вақтдан олти-етти баравар күпроқ вақт ўтиришар экан. Сүнгги вақтларда бунга оммавий балога айланған интернет ва электрон ўйинларни қўшадиган бўлсақ, муаммо янада катталашгани яққол намоён бўлади.

Телевизор, интернет ва электрон ўйинлар билан узоқ вақт машғул бўлиш ижтимоий узлатга етаклайди, болани ота-онасидан узоқда, мустақил равишда якка ўзи вақтичоғлик қилиш сари ундейди. Оқибат, бир уйда яшашларига қарамай, ягона оила аъзолари ўртасидаги оралиқ масофалар кенгайиб боради.

Болаларнинг бу каби жиҳозлардан фойдаланишини чеклаш ва имкон қадар энг оз муддатга камайтириш лозим. Балки куннинг маълум бир соатларида бу жиҳозларни мутлақо ишлатмасликни йўлга қўйиш ўринлидир. Бундан мақсад оила аъзоларининг ўзаро мулоқот қилишлари, шунингдек, уй вазифаларини тайёрлаш, мустақил китоб мутолаа қилиш, диний ва дунёвий билимларни ошириш учун имкон яратишидир.



Бешинчи қоида:

АНИҚЛИККА АСОСЛАНГАН ТАРБИЯ

Дарҳақиқат, аниқлик ҳаётдаги энг катта фазилатлардан биридир. Негаки, аниқлик кўз ва қалб, илм ва нур, онг ва тушунчага боғлиқ ёхуд у мазкур нарсаларнинг асосини ташкил этувчи омилдир.

Шу боис, муваффақиятли оила ўз шарт-шароити, мақсад ва ғоялари ҳамда фарзандларининг келгусида ким бўлиб етишиши хусусидаги режаларини аниқ ва пухта билиши зарур. Аниқлик – тарбия соҳасида мутолаа қилиш, замон талабларини, ислом ва ундаги одоб-ахлоқ нормаларининг моҳијатини яхши англаб етиш, шунингдек, оила муҳитидан ташқаридаги тарбиявий фаолиятлардан хабардор бўлишнинг юксак самарасидир.

Биз шуни яхши биламизки, барча нарсаларни тўла-тўкис идрок қилиш имконсиздир. Сабаби, инсонмиз, нигоҳимиз қосир, онг-идрокимиз чекланган ва кўз олдимиздаги барча нарсалар ҳар доим ҳам аниқ ва тиниқ бўлавермайди. Шунга қарамай, им-

кон қадар энг яхши онг-идрок ва аниқлик сари интилаверишимиз лозим.

Мен қуийдаги уч нарсадаги аниқлик хусусида сўз юритмоқчиман:

1. Оиланинг тарбиявий ва умумий воқелиги.
2. Ота-онанинг фарзандлари билан муомаласидаги энг намунали услугуб.
3. Она-она фарзандларига сингдириши зарур бўлган одоб-ахлоқ ва қадриятлар.

Оиланинг тарбиявий ва умумий воқелигидаги аниқлик:

Шубҳасиз, ҳар бир оила ўзининг умумий вазияти: қай даражада маънавий соғлом экани, қай даражада ҳамфирлиги ва қай даражада муваффақиятли экани хусусида баъзи фикр-мулоҳазаларга эга. Бироқ бу борада биздан талаб қилинган иш – мавжуд имкониятларни янада яхшилаш. Менинча, кўпроқ аниқликка муҳтож бўлган энг муҳим ишлар қуийдагилардир:

1. Фарзандларни тарбия қилиш соҳасида қўллаш лозим бўлган тарбиявий услублар хусусидаги эр-хотин ўртасидаги ҳамфирлик.

Аслида бу соҳада эр-хотин ўртасида юз фоиз ҳамфирлик бўлиши имконсиз ва бундай

бўлиши шарт ҳам эмас. Бироқ нима бўлганда ҳам фарзандлар ота-она ўртасига раҳна солиши ва кўпинча юз берганидек, улар иккисини жанжалкаш ва тарқоқ икки тарафга айлантириб қўйишлари асло дуруст эмас.

Оилада сукунат ҳукм сурган хотиржам лаҳзаларда фарзандларнинг юриш-туришида учрайдиган айрим ножӯя хатти-ҳаракатларни олдини олиш мақсадида баъзи ишларни аниқлаш ва муайян чора-тадбирларга келишиб олиш мумкин. Шунингдек, “мен гап бошлайман, сен давом эттирасан”, “сен боладан кеча қаерда эканини сўрайсан ва қолганини менга қўйиб берасан” ва ҳоказо тарзда эр-хотин бу борадаги рол ва вазифаларни бўлишиб олишлари ҳам мумкин.

2. Ота-она ва катта фарзандлар ўз оилаларини диндор ва салоҳиятли оила деб биладиларми? Хўш, агар шундай бўлса, диндорлик даражаси қай аҳволда?

Албатта, энг кам диндорлик даражаси фарз амалларни бажариш ва ҳаром амалларни тарқ қилишда кўринади. Ота-она энг кам миқдордаги диндорлик ва салоҳиятни рўёбга чиқаряпмиз, деб айта оладиларми? Улар чиндан ҳам фарзандларининг солиҳ инсонлар бўлиб вояга етишига интиляптиларми?

Агар интилаётган бўлсалар, бу уларнинг фарзандларига қилган панд-насиҳатларида кўзга ташланяптими? Борди-ю, саволга жавоб салбий бўлса, аҳволни ўнглаш ва хатоларни тузашиб учун нималар қилиш лозим?

Мазкур саволларга берилган жавоблар, токи умид қилинган самарасини бериши учун ҳам назарий ва амалий жавоблар бўлиши лозим.

3. Бир муҳим нарсани аниқлаб олишимиз зарур: биздаги мавжуд оиласвий муҳит соғлом, роҳатбахш ва ижобий муҳитми? Бу муҳитда фарзандларимиз тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ва ўзига ишонч ҳиссини туядиларми, уларда оиласнинг қадр-қиммати қай даражада? Оиладаги тарбия жараёни ўзаро муҳаббат ва мулоқотга асосланганми? Ота-ота фарзандларига ҳаётларидаги энг муҳим лойиҳа сифатида қарайдиларми? Қолаверса, улар бу муҳим лойиҳани бошқариш ва унда муваффакият қозонишлари учун зарур илм ва маҳоратга эгамилар? Ота-она оиладаги вазиятни муҳокама қилиш, унинг тарбиявий эҳтиёжларини кўздан кечириш мақсадида йигиладиларми? Ёки барча ишлар шошилинч ўтиб бормоқда-ю, оила масалалари ичida муҳокама қилиш ва кўздан кечиришга лойик ҳеч нарса йўқ, деган шуур устиворми? Борди-ю, шундай бўлса, билингки, оиласда катта муаммо бор!

4. Келинг, оила ичкарисидаги урф-одатларни ўз-гартирайлик. Келинг, оила аъзолари ўртасида-ги алоқаларни янада шаффоф, янада аниқ ва очикроқ бўлишига ҳаракат қилайлик. Келинг, буни бир гал фарзандлар ёрдамида амалга оширайлик.

Биз катталар кичикларимизга хизмат қўрсата-миз ва бунинг учун Аллоҳ таолодан савоб умид қиласмиш. Маълумки, хизмат қўрсатилган ки-шилар уларга тақдим қилинган хизмат бораси-да фикр билдиришга ҳақлидирлар. Ўқимишли ва зиёли оилалардан бирида ота талай савол-лар ёзилган анкета тузиб, фарзандларидан уни тўлдириб беришни талаб қилибди. Фарзанд-лар анкетани тўлдириб беришгач, унда ёзил-ган жавоблар – кичикларнинг фикр-мулоҳа-залига биноан оиласи учун янги ҳамкорлик йўли очиш мақсадида оила аъзолари билан турли учрашув ва йиғилишлар ўтказибди. Маз-кур анкетада боладан саволга жавоб беришдан ташқари, жавобнинг аниқлик даражаси юқори бўлиши, шунингдек, ота фарзандининг савол-ни тўла тушунганини билиши ва унга жиддий жавоб ёзиши учун жавобнинг сабабини ҳам ёзишни талаб қилибди. Анкетада жумладан қуидаги саволлар мавжуд эди:

- Сенингча, намунали оила қандай бўлиши керак? Оиламизда намунали оилада бўлиши лозим бўлган қайси сифатлар етишмайди?

- Сенингча, оиламиз қайси жиҳатлардан қариндошларимиз ва ўртоқларимизнинг оиласидан устун?
- Уйдан ташқарига чиққанингда уйни соғи-насанми?
- Уйда эканингда қайси ишлар сенга роҳат ва хотиржамлик бағишлайди?
- Оила ишларида ҳисса қўшган қайси ишларинг билан фахрланасан?
- Оиламизда сен уни бошқалар кўришини истамаган, борди-ю, эшитиб қолиша ноқу-лай ҳолатга тушадиган ишлар борми?
- Ота-онангнинг хулқ-атворидаги қайси сифатлар сенга кўпроқ ёқади?

Мазкур оила бошлиғи шундай ҳикоя қилади: “Айтишим мумкинки, оиламиз ҳаёти икки бў-лимга ёки икки босқичга бўлинади: анкетадан олдинги ҳаёт ва анкетадан кейинги ҳаёт. Анкетада ёзилган жавобларни таҳлил қилиб, унга биноан ички алоқаларимиз ва фаолиятлари-мизни ривожлантиргандан кейинги оиламизда юз берган ижобий ўзгаришларни тасвирлашлашга тил ожиз!” Келинг, биз ҳам синаб кўрайлик-чи.

Мавжуд ҳолат ва вазиятни тўла идрок қилиш ташламоқчи бўлган бўлажак одимларимиз учун бениҳоят муҳим шартдир. Биз ҳозир қаерда эканимизни билмас эканмиз, у ҳолда бундан буёғига қайси томонга қараб йўналишимиизни белгилаш анча мушкул кечади.

Нимани ва қай тарзда амалга ошириш кераклигидаги аниқлик:

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясига эътибор қаратар эканмиз, айни дамда уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва улар билан муомала қилишда бизга асқотадиган тарбия маданиятини яхшилашга ҳам ҳаракат қиласиз. Ушбу маданият нима қилиш лозимлиги борасида бизга йўлбошчи, шунингдек, қўлланиб келинаётган тарбиявий услубларни баҳолаш мезонидир. Менимча, кўпгина она-оналарнинг фарзандларини тарбиялаш соҳасидаги муваффақияти – фарзандларидан нима исташларини ва хатога йўл қўйган чоғларида уларни қандай жазолар кутаётгани ҳақида аниқ ва равshan тушунча бера олганларидаидир. Қуйида бу тушунчаларнинг аниқлиги хусусида сўз юритамиз:

1. Ота-она фарзандларидан бири билан бирон мавзу тўғрисида сўзлашмоқчи бўлса, албатта бунинг учун тайёргарлик кўриши: гапни нимадан бошлаб, қандай давом эттириш ҳақида режа тузиши, фарзанди уни қандай қабул қилиши, нима дейиши мумкинлиги ва шунга

күра унга қандай жавоб бериши ҳамда мухокама қилиши хусусида тасаввур ҳосил қилиши лозим. Шунингдек, ота-она бу ҳақда сўз очиш учун муносаб вакт танлаши ҳам талаб қилинади. Фарзандларингизга айтмоқчи бўлган сўзингиз кутилган самарани бериши учун худди ўта мухим телефон сўзлашувига тайёргарлик кўрганингиздек ҳозирликни талаб қиласди. Мақсад – айтмоқчи бўлганимизни аниқ ва тушунарли тарзда айтайлик ва у фарзандимизга биз хоҳлагандек таъсир қилсин.

2. Фарзандлармиздан бири қўшни бола билан жанжаллашиш, бирон фанни яхши ўзлаштира олмаслиги ёки бирон қимматбаҳо нарсани йўқотиб қўйиши каби муаммога қўл урса, бу ҳолатда ҳам уни бартараф этиш учун аниқлик зарурдир. Дастлаб бундай фарзанд билан воқеа тафсилоти хусусида бениҳоят босиқлиқ ва очиқкўнгиллик билан суҳбат ўтказмоқ лозим. Кўзланган мақсад фарзандимизнинг айтган ҳар бир сўзига ишончи комилми-йўқми экани, гапирган гапини ўйлаб гапиряпдими-йўқми таъкидлаш, ишонч ҳосил қилиш. Шунингдек, “Сен шундоқ-шундоқ дединг, шунга ишончинг комилми, биз нима хоҳлаётганимизни тўлиқ тушундингми?”, дея унинг сўзларини ўзига такрорлаш ҳам фойдалидир. Бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек, суҳбат ўта босиқлик ва самимийлик руҳида ўтиши керак. Шундан сўнг ота-она ва фарзанд ҳамда

муҳокамада иштирок этган барча оила аъзолари муаммо ечимига оид таклифларини ўртага ташлаб, таклифлар руйхатини тузишлари ва улар ичидан энг эфзал ва муносибини танлаш учун муҳокама ўтказишлари мақсадга мувофиқдир.

3. Узундан-узун ва тушунарсиз насиҳатлардан четланиш. Айтайлик отанинг тўққиз ёшли ўғлига қарата айтган: “Ўғлим, мен сенинг укаларингга меҳрибон, онангга нисбатан мумомалангда мўмин-қобил бўлишингни, шунингдек, ўқишиларингда тиришқоқ бўлишингни, борди-ю, вақт топсанг дала ишларида менга ёрдам беришингни умид қиласман”, деган сўзлари керагидан ортиқ ва тушунарсиз насиҳатdir. Негаки, тўққиз ёшли бола “меҳрибон”, “мўмин-қобил” деган сўзлар мазмун-моҳиятини англаб етмаслиги мумкин. Боладан бирданига бир қанча ишларни талаб қилмасдан, балки аввало биргина ишни талаб қилиш ва уни болага атрофлича тушунириш фойдалироқдир.
4. Фарзандлар ўспиринлик босқичига қадам босар эканлар, энди уларга қарата айтилган сўзларда янада эҳтиёт бўлиш зарур. Бу босқичда аниқлик ва очиқлик катта аҳамият касб этади. Чунки ўспирин болалар улардан талаб қилган ишларимизга бўйсунмаслик учун гапимиздан қай тарзда камчилик топишни яхши билади-

лар. Мисол учун ўн беш ёшли ўспириң йигит отасига қарата: “Бугун ўртоқларим билан айла-нишга чиқаман”, дейди. Отасига унга: “Бўпти, борақол, фақат кеч қолма”, дейди. Фарзанди “Хўп бўлади, иншааллоҳ”, дейди-да, кечаси соат бирда уйга қайтади. Бу орада ота-она ундан хавотир олишади. Фарзандларидан кечикиш сабабини сўрасалар: “Мен кечикканим йўқ, устига-устак ҳозир ёзги каникул бўлса, баъзи ўртоқларим уйига бомдоддан кейин қайти-шади” – деб жавоб беради. Ота бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш учун бошқачароқ йўл тутиши, фарзандига рухсат берар экан: “Май-ли, боришингга рухсат бераман, бироқ соат саккиздан кеч қолма. Борди-ю, бу вақтдан кеч қолсанг, бир ой давомида ўртоқларинг билан сайрга чиқишингга рухсат бермайман, гапим тушунарлимни?” – дейиши лозим эди.

5. Оиладаги тўғри ва соғлом тарбия уйда барча оила аъзолари риоя қиласидан, уйқу, уй тозалиги, осойишталик, овқатланиш, кўчага чиқиши ва уйга қайтиш соатлари, телефон ишлатиш ва ҳоказо ишларга доир айрим қонун-қоидалар бўлишини тақозо қиласиди. Мазкур қонун-қоидаларда иккита нарсага риоя қилиш талаб қилинади:
 - Болалар эслаб қолиши учун имкон қадар қисқа бўлиши.

- Болалар англаб етиши учун жуда тушунарли бўлиши. Айрим оилалар мазкур қонун-қоидаларни жозибадор қилиб ёзиб, рамкаларга солиб, уй деворларига осиб қўядилар. Албатта, бу яхши иш.
6. Шунингдек, ўғил ва қизлар билан уларнинг йўриш-туриши, ўқишдаги тиришқоқлиги, фарзандларнинг ўзаро ҳамда ён-атрофдаги одамлар билан алоқалари хусусида айрим шартномалар ёзиш ҳам фойдалидир. Шартнома бандлари ғоятда аниқ ва равshan бўлиши, ҳар икки томоннинг тўлиқ розилиги билан ёзилиши мақсадгага мувофиқдир. Борди-ю, фарзандимиз келишувни бузса, унга: “Ўртамиздаги шартномада мана бундай ёзилган. Модомики, келишувга риоя қилмаган экансан, унда белгиланган жазони қабул қилишинг шарт”, деймиз. Масалан, она қизи билан унинг ҳар қуни кечқурун икки соат дарс қилиши, соат ўнда уйқуга кетиши, мактабга кетиш олдидан хонасини тартибга солиши ва ҳоказо ишларга келишиб олиши, келишувни икки нусхада қоғозга тушириб, бир нусхани ўзи ва иккинчисини қизига бериши мумкин. Қизи томонидан келишув бандларига хилоф иш қилинган тақдирда унга келишилган шартномани кўрсатиб, хатолари учун танбеҳ бериши ва шартномага риоя қилмагани сабаб йўлиқиши муқаррар бўлган жазолардан огохлантириши мумкин.

7. Яна мұхим бир нарса борки, унда ҳам аниқлик ва очиқликка мұхтож бўламиз: тарбия дегани болаларни муттасил назоратга олиш, уларни тор доирада сақлаб туриш ва тўхтовсиз панд-насиҳат улашиш дегани эмас. Тарбияда бундан бошқа нарсалар ҳам бор. Зеро, болалардаги тарбиявий босимларга бардош бериш тоқати чекланган. Шу боис, уларга мустақил иш юритиш, гоҳида қоқилиш учун ҳам имконият бериш мұхимдир. Биз фарзандларимиз фақат бизнинг панд-насиҳатларимиз орқали таълим оладилар, ҳаётни ўрганадилар деб ўйлашимиз хатодир. Бола ўз бошидан ўтказган тажрибалидан кўпроқ ўрганади. Донолардан бири шундай деган экан: “Мен фарзандимни баъзи хатарли ва саргузаштли спорт турларини бажаришга ундейман, рухлантираман. Бироқ унга нисбатан доим ҳушёр тураман, унга яқин жойда, қўлимда бинт ва оғриқ қолдирувчи малҳам билан тураман. Олдимга йиглаб келганида, унга тез ёрдам кўрсатаман, муваффақиятсизлик аламини енгиллатиш мақсадида ёноқларидан ўпаман”.

Сиз фарзандингизни сўроққа туting, кузатинг, назорат қилинг, бироқ шу билан бир қаторда ўзидаги қобилият ва имкониятларни синаши учун фурсат беринг. Ана ўшанда сиз чинакам ўғлонларни тарбиялаган бўласиз.

Фарзандларимизни қандай инсон бўлишини хоҳлаймиз?

Айтишларича, ота-онадан бошқа ҳеч бир инсон бирон кимсанинг ўзидан афзал бўлишини орзу қилмас экан. Ота-она эса фарзандларининг барча соҳада улардан афзал бўлишини орзу қилар эканлар. Нега дейсизми, чунки фарзандлар ота-онанинг бир бўлаги, уларнинг бир парчасидирлар. Шу боис, ҳар бир инсон ўз фарзандларининг ҳар бир мақтовга сазовор ишда пешқадам бўлишиларини орзу қиласидилар. Бироқ орзу-умиднинг ўзи кифоя қилмайди. Балки бунга қўшимча фарзандларимиз эришишларини истаган ҳолат ва мартабаларни яхши идрок этишимиз ва шундан келиб чиқиб уларни бу ҳолат ва мартабаларга еткизадиган одоб-ахлоқ ва қадриялар асосида тарбиялашимиз зарур.

Барча оталар фарзандларининг энг чўққида бўлишларини истайдилар. Лекин фарзандларини ушбу чўққиларга қандай чиқаришни биладиганлар озчиликни ташкил қиласиди. Бу борада муҳим саналган қуйидаги айрим нуқталарга қисқача ишора қилиб ўтишни маъқул деб топдим:

1. Биз ота-оналарнинг фарзандларимиздан кутган энг катта умидимиз уларнинг келажакда исломий таълимотлар асосида ҳаёт кечирадиган, Аллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган, ислом умматига садоқат ҳис-туйғуси билан

суғорилған, умматнинг ғам-ташвиши билан елиб-югурадиган солих фарзандлар бўлиб етишишларидир. Токи фарзандларимиз охиратда нажот топсинлар, Аллоҳ таолонинг розилигига эришсинглар. Албатта, бу бизлардан фарзандларимизга тақво, ибодат ва яхшиликка интилиш бобида ўрнак бўлишни талаб қиласи. Хусусан, ота-оналарнинг фарзандларга амалий ўрнак кўрсатиш масаласи ҳозирги замонда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, глобализация оқими жаҳондаги халқларнинг хоҳиш-истаклари, қадриятлари ва уларнинг муқаддас рамзларини ўзгартириб юбормоқда. Шу боис фарзандларимиз тарбиясида кўзларимизни каттароқ очмасак, ўзимиз сезмаган ҳолда уларнинг тарбиясини қўлдан бой беришимиш ҳеч гап эмас.

2. Фарзандларимизда ўзлиги билан фахрланиш ва ўз қадрига етиш тўйғусини пайдо қилиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, фарзандларимиз шахсиятида мурувват, ғурур, олийжаноблик, паст ва тубан хулқлардан жирканиш хислатларини сингдириш лозим. Токи фарзандларимиз ўзларини ҳурмат-эҳтиромга ҳақли, қўлидан катта-катта ишлар келадиган, жамият тараққиётига бекиёс ҳисса қўша оладиган, ҳар қандай ёвузлик қаршисида матонат билан туриб, хийла-найрангларга алданмайдиган ўғлонлар бўлиб вояга етсинлар.

Биз бунинг учун улардан одамларга нисбатан иззатталаб, димоғдор бўлишларини эмас, балки улар ўз қадрига етадиган инсонлар бўлишини ва одамлар томонидан иззат-эҳтиром қилинишлари уларнинг солиҳ ва лаёқатли инсонлар эканидан келиб чиқсан табиий натижа бўлишини хоҳлаймиз, холос.

Дарҳақиқат, инсон ўзини ҳурмат қилиши ақлий соғломликнинг негизи, ўзини қадрламаслик эса талай шахсий ва ижтимоий иллатларнинг манбаидир.

Инсоннинг ўз қадрига етиш ёки етмаслиги унинг муваффакиятсизлик ва тушкунликка юз тутишида ҳамда ҳаётда турли оғир босимларга дуч келганида яққол намоён бўлади. Ўзини қадрлаган инсон бундай ҳолатларда матонатли бўлиб, босимларга бош эгмайди, балки унга қарши курашади. Ўз қадрини билиш кишида жиноятга, зўравонликка, манқуртликка ва тубанликка қарши иммунитет ҳосил қиласди.

Бунинг акси ўлароқ, тушкунлик ва ўзни камситиш эса дастлаб инсонни узлатга, совуққонлик ва ўқинч туйғулари сари етакласа, кейинчалик, ота-она, қонун ва жамият ҳукмронлигига қарши ғалаён қилишга ундейди ва охир-оқибат унинг жиноят йўлига қадам қўйишига олиб боради.

Агар чиндан ҳам фарзандларимиз ўзини ҳурмат қилишини истасак, у ҳолда биз ҳам уларга ҳурматли инсонлар сифатида муюмала қилайлик. Уларга олийжаноб ишларга интилишни, тубан ва мусулмон кишига нолойиқ бўлган барча ишлардан йироқ туришни таълим берайлик.

3. Бизда бир гурух асосий қадриятлар борки, бу қадриятлар намунали шахсиятнинг устуни ҳисобланади. Куйида ана шулардан энг муҳимларини келтиришни маъқул топдим:
 - A) шуни таъкидлаш лозимки, катаю кичик, ким бўлишидан қатъий назар ҳеч кимсага қадрият ва тамойилларни мажбурдан сингдириб бўлмайди.

Ёш болалар одоб-ахлоқ ва қадриятларни катталарга аралашиши, улардан таъсирланishi ва уларга тақлид қилиши натижасида ўзлаштирадилар. Шундай ота-оналарга гувоҳ бўлганманки, фарзандларига гўзал ахлоқларни сингдиришга уринганлар, уларни мажбуrlаш ва босим ўтказиш йўли билан муайян юриш-туриш ва хатти-ҳаракатларга риоя қилишга ундағанлар, ҳолбуки, фарзандлари илк амалий имтиҳонга дуч келишган пайтда мазкур ахлоқ ва қадриятлар бир зумда ер билан яксон бўлган. Шу боис фарзандларни қаноатлантириш ва

уларнинг қаноатланиши асосий ва муҳим ишдир. Фарзандларга босим ўтказиш уларга турли йўллар билан фазилат ва қадриятларни эслатиш орқали амалга ошиши зарур. Уларга доимий равища эслатиш билан бирга мазкур қадриятларнинг амалий ҳаётга чуқур кириб бориши, фарзандларнинг юриш-туришида намоён бўлиши осон иш эмаслигини ҳам тан олиш лозим. Кошкийди, биз ота-оналар баъзан ота-оналик позициясидан чекиниб, фарзандларимиз олдида биз ҳам уларнинг ёшида баъзан гўзал хулқ андозаларига зид ишлар қилганимиз, бироқ тезда ўзимизга келиб, бу ишимиздан пушаймон бўлганимизни тан олсак. Негаки, бу улардаги гуноҳкорлик тўйғусининг оғир юкини енгиллатган ва биз ота-оналар билан фарзандларимиз орасидаги руҳий масофани яқинлаштирган бўлур эди.

- Б) биз очиқча эътибор қаратишимииз керак бўлган энг муҳим хулқлардан бири сидк-ростгўйлик хислатидир. Дастлаб шуни айтиш лозимки, кўпинча ёш болаларнинг ёлғон сўзлари аслида улар рӯёбга чиқишини истаган орзулардир. Ёш болалар хаёл оламида яшайдилар. Бу оламда ҳар қандай нарса болалар томонидан ҳақиқат деб эътиқод қилиниши билан чинга айланниб қолаверади. Шу боис улар қасддан ҳақиқатни

бузиг кўрсатмайдилар. Чунки уларнинг ростгўйлик тўғрисидаги тушунчаси ва ахлоқий фазилатлар ҳақидаги ҳис-туйгуси ҳануз пишиб етилмаган бўлади.

Ёш болаларнинг онгида ростгўйлик қийматини сингдириш учун уларга ростгўйлик ва ёлғон ҳамда улардан ҳар бирининг оқибатини кўрсатувчи ҳолатлар тўғрисида улар билан баъзи савол-жавоблар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан улардан қуийидаги саволларни сўраш мумкин:

- Нега ёлғон сўзлаш хато саналади?
- Мактаб имтиҳонларидан бирида кўзбўяма-чилик қилишингнинг қандай зарари бор?
- “Ёлғоннинг умри қисқа” деган мақолнинг маъноси нима?
- Нега “ростгўйлик яхшиликка етаклайди”?
- Бир йил мобайнида маълум миқдорда пул жамғарсанг-у, сўнг бир киши келиб, сени алдаб пулингни олиб қўйса, ўзингни қандай ҳис қилган бўлар эдинг?
- Агар сенга бирор катта маблағ эвазига сен ошкор қилмасликка онт ичган сирни фош қилишингни таклиф қилса ва айни пайтда

бу сирни фош қилишингнинг бирон кишига зиёни бўлмаса, унинг таклифини қабул қи-
лармидинг?

Фарзандларимиз ўспириинлик ёшига ет-
гач аҳвол ўзгаради. Бу ёшга етгач улардан
кўпчилигининг ҳақиқатни сўзлашдан чет-
лаб ўтиш ҳолатлари яққол кўзга ташлана
бошлайди. Бу даврда ота-оналар фарзан-
дларининг ҳар бир хатти-ҳаракатларига
диққат-эътибор қаратишлари, каловланиб
сўзланган ҳар бир сўзга нисбатан шубҳа-
ли ёндашишлари лозим, негаки, болаларга
хос соғдиллик босқичи аллақачон тугаган
бўлади...

- B) Жасурлик хислати ҳам биз ота-оналар фар-
зандларимизга ўргатишимиз лозим бўлган
ўта муҳим хулқлардан биридир. Жасурлик
дегани ҳақни сўзлаш ва уни ҳимоя қилиш,
шунингдек, ён-атрофда содир бўлаётган
воқеа-ҳодисаларга очиқча ва қўрқмасдан
фикр билдиришдир. Қолаверса, жасур бола
дегани ўртоқлари бирон ножӯя ишда улар-
га шерик бўлишга чақирган пайтда улар-
нинг босимиға қарши кураша оладиган
бола демакдир. Жасурлик қийинчилик ва
мусибатларга таслим бўлмаслик, бу қий-
инчиликларни енгиш ҳаракатида бўлиш ва
Аллоҳ таоло мashaққат ортидан енгиллик ва
кенгчилик ато этишига аниқ ишонишдир.

Фарзандларимизга ушбу улуг хислатни ёритиш ва уларда жасорат түйгүсини сингдириш учун биз ота-оналар уларга жасур кишилар ҳәти ва улар бошдан кечирған ҳикоялардан намуналар ҳамда ўзимиз шижаат күрсатган шахсий тажрибалари-миздан айтиб беришимиз мақсадга муво-фикар.

Агар фарзандингиз сизни танқид қилса, унга қулоқ солинг ва уни олқишиланг. Танқид услубида хато қилған бўлса, тўғри услубни ўргатинг. Фарзандингизга ташаббускорлик ва таҳликали ишларга қадам қўйиш жасоратга муҳтож эканини, ҳар бир нарсани аниқ ҳисоб-китоб қилавериш охир-оқибат инсонни қўрқоқлик ва ортга тисарилишга олиб боришини таъкидланг. Зеро, чумчукдан қўрққан тарик экмайди.

- Г) хайрли ишларни яхши кўриш, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш ҳозирги замонда, балки ҳар қандай замонда муҳим ижобий хулқ саналади. Биз фарзандлармиз онг ва шуурида ушбу хислатларни сингдириш орқали кибр, худбинлик, совуққонлик ва узлатни севиш каби ҳозирги даврда ҳамма жойда одамлар орасида кенг тарқалган жиддий ахлоқий иллатларга қарши курашган бўламиз. Бунинг учун биз фарзандларимизга ҳаёт – бу одамлар ўртасидаги

ўзаро ҳамкорлик ва фидойилиқдан иборат экани, одамларнинг энг яхшиси ўзгаларга кўпроқ манфаати тегадиган, қариндош-уруғлар билан кўпроқ борди-келди қилиб, уларга яхшилик қиласидиган ва фақир-мискинларга кўпроқ раҳм-шафқат улашадиган кишилар эканини таълим беришимиз зарур.

Ёш болаларни уйга ташриф буюрган меҳмонлар ва қўшниларнинг болалари билан ўйинчоқларини ва уйдаги қанд-курсларни баҳам кўришга тарғиб қилинг. Шунингдек, болаларни жамоавий ўйинларда иштирок этишга чорланг ва камбағалларга эҳсон қилишга ўргатинг.

Айрим оилалар борки, оилада эҳсон ва садақалар учун алоҳида қути ажратилган бўлиб, унга барча оила аъзолари ўз ҳиссаларини қўшадилар. Кути ҳар уч ойда бир бор очилиб, энг кўп ҳисса қўшган фарзанд учун мукофот берилади. Албатта, бу – фарзандларни хайр-эҳсонга ўргатиш йўлидаги ажойиб услугуб ва тажриба.

- Д) шунингдек, биз ота-оналар фарзандларимиз кўз ўнгидаги очик муносабат билдиришимиз лозим бўлган масалалардан бири – бу пулга нисбатан муносабат ҳамда меҳнат билан даромад ўртасидаги алоқа.

Маълумки, мол-дунё аслида Аллоҳники бўлиб, у бизнинг қўлимиздаги бир омонат, холос. Шу боис мол-дунё топиш ва уни сарфлаш борасида Аллоҳнинг кўрсатмала-рига риоя қилишимиз зарур. Айни пайтда мол-дунё инсон умргузаронлик қилиши учун таянч унсурлардан бири бўлиб, усиз инсон кўп мاشаққатларга дуч келади. Бироқ мол-дунё барча муаммоларнинг ечи-ми дегани эмас. “Пулсиз одам фақир, ун-дан ҳам фақирроғи пулдан ўзга нарсаси йўқ одам”, деб бежиз айтишмаган. Чиндан ҳам айрим инсонларнинг фақат пулигина бор бўлади, уларда омонат, сидқ, тақво ва илм деган нарсалардан асорат ҳам бўлмайди. Зеро, ушбу хислатларга муҳтож одам ҳақиқатдан ҳам энг фақир-бечора одам-дир.

Мол-дунё топиш билан жиддий меҳнат ўртасидаги алоқа болалар онгида тушунарсиз алоқадир. Шунинг учун уларга буни тушунтириш лозим.

Фарзандингизни фавқулодда ҳолатлар учун пул жамғаришга ўргатинг. Шунингдек, фарзандларимиз ўқишида яхши на-тижаларга эришган ёки бирон вазифани аъло даражада бажарган чоғларида уларга молиявий мукофотлар тақдим қилишда ҳаддан ошмаслигимиз лозим. Акс ҳолда

мол-дунё фарзандларимиз онгидა яхши кўриш ва қадрлаш рамзига айланиб қолади ва бу уларнинг мол-дунёга ҳирс қўйишига олиб боради.

Албатта фарзандларимизга очиқ ва ошкор ҳолда тушунтиришимиз лозим бўлган ишлар кўп. Юқорида зикр қилинган ишлар кифоя қилса керак деган умиддамиз, фарзандларимизни тўғри тарбиялашда Аллоҳнинг ўзи барчамизга мададкор бўлсин.

IXLOS
Nashriyoti



Олтинчи қоида:

ТАРБИЯ – ЭЪТИБОР

Шуни айтиш мумкинки, тарбия ишида ва умуман ҳар қандай ишда эътибор масаласи энг муҳим инсоний фазилатдир. Шахсий тажрибаларимиз орқали бизга маълумки, ҳар қандай мураккаб масалалар уларга эътибор беришимиз сабабли содда ва осон бўлиб қолади. Айни дамда оддий ва енгил ишлар эътиборсизлигимиз ва ҳал қилишдаги сусткашлигимиз боис қийин ва хатарли масала-га айланади. Менимча, фарзандларни тарбиялаш масаласи юксак даражада эътибор, сергаклик ва назорат талаб қиласидиган масаладир. Зоро, ён-атрофдаги олам ўзгариб, динимизга ёт бўлган маданиятларнинг фарзандларимизга бўлган таъсири ортиб бормоқда. Фарзандларимизнинг ўзлари ҳам кун сайин улғайиб, бир босқичдан кейинги босқичга кўчиб ўтмоқдалар. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос ҳолатлари, эҳтиёжлари ва муаммолари бор. Биз уларнинг барчасини ҳисобга олишимиз ва англаб этишимиз зарур. Уларни англаш, идрок этиш ва шунга яраша муносабат билдиришимиз

учун аввало эътибор қаратишимииз лозим. Шу боис “тарбия — эътибордан иборат”, десак муболага қилмаган бўламиз. Негаки, чиндан ҳам тарбия эътиборсиз бўлиши мумкин эмас.

Қуйида мазкур муҳим масалага қаратилган айрим эслатмаларни қисқача айтиб ўтамиз:

Ўзгарувчан олам:

Биз “олам ўзгаряпти”, дейишимиз билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Чунки олам шундоқ ҳам ўзгаришдан тўхтагани йўқ. Балки биз айтишимиз мумкинки, оламдаги ўзгаришлар “портлаш” дарражасига етди. Ўзгаришлар ўз қолипидан чиқиб, кескин тартибсизликларга ўхшашиб бир ҳолатга айланди. Ҳозир оламда юз бераётган ўзгаришлар характеристери — йўналишини англаб етишимизнинг имкони бор. Бунинг учун юз бераётган кетма-кет ўзгаришларни қузатишимииз ва уларни яхши тарбиявий тушунча асосида англаб етиш орқали уларга эътибор беришимиз зарур.

Ота-оналар шуни англаб етишлари муҳимки, биз бугунги қунда кўплаб қадриятларни ўзгартириш мақсадида кенг миқёсда иш олиб бораётган дунё-қараш — оқим соясида яшаяпмиз. Ушбу дунёқараш гўзаллик, куч-қудрат, одамлар эътиборини қаратиш, жозибадорлик, майшатпарастлик, кайфиятни кўтариш, худбинлик ва шахсий ютуқ тушунчаларига алоҳида урғу беради ва бу тушунчаларни

олийжаноблик, шарм-ҳаё, камтаришлик, босиқлик, жамоавийлик ва ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш хислатларининг ўрнига қўйишга интилади.

Янги бир авлод етишиб чиқмоқда. Бу авлодни “интернет авлоди”, деб номлаш мумкин. Бу авлод шундай авлодки, телевизор экранларида, интернет оламида юксак қадриятлар, мақтovли одоб-ахлоқларга даъват қилувчи маълумотларга жуда оз дуч келади. Улар ўсмирилик ёшига етганида соғлом турмуш тарзи ва изчил тараққиёт учун йўналтирадиган айтарли ҳеч қандай эътиқод ва қадриятларга эга эмасликларини кашф этадилар.

Биз глобализация оқимининг маданий ва маънавий муҳитимизда пайдо қилаётган илдам ўзгаришларини кўриш учун кўзларимизни каттароқ очишимиз лозим. Глобализация аслида янгича дунёқарашли муҳит пайдо қилмоқда. Ушбу муҳитда ўзаро борди-келди қилиш, меҳр-оқибат, кўшничилик, оиласиий йигилишлар, қавм-қариндошлар ва ёр-биродарлар билан алоқа қилиш тушунчалири чекиниб, унинг ўрнига инсон холи қолиб, ёпик эшиклар ортида эришадиган шахсий кўнгилхушлик тушунчаси устун бўлиб бормоқда. Ғарб ёзувчиларидан бири мазкур ҳолатни шундай сифатлайди: “Бежирим уйлар, кўркам кўчалар, роҳатбахш балконлар. Бироқ одамлардан дарак йўқ!”. Тўғри, биз ҳануз жамоавийлик рухи ўлиб бўлган бундай даражага етмадик. Бироқ айни пайтда ҳеч кимса

жамоавийлик рухиятига қарши олдинлаб бораёт-ганимизни инкор эта олмайди!

Оlamda юз берәётган ўзгаришлардан хабардор мурраббий фарзандлари онгида исломий эътиқод ва қадриятларни жонлантиришга интилиши лозим. Буни бутун оила аъзолари ҳамкорликда ташкил қиласиган оилавий муҳитда амалга ошириш лозим. Қолаверса, ёш авлодни фазилатли исломий ахлоқ асосида тарбия қиласиган болалар боғчалари ва мактабларга бериб, уларда ана шундай исломий дунёқарашиб ва қадриятларни сингдириш лозим. Акс ҳолда, теварак атрофда юз берәётган воқеа-ҳодисаларни түғри англай олмаслик фарзандлар тарбиясида ўрнини тўлдириб бўлмайдиган катта йўқотишларга олиб боради.

Оила йўналишини белгилаш ва назорат қилиш

Дарҳақиқат, биз ота-оналар оила йўналишини белгилаш ва назорат қилишга катта эътибор қаратишимиз зарур. Бунинг учун оила аъзолари ўртасида айрим муҳим саволлар ташлаш ва уларга биргаликда жавоб беришга ҳаракат қилиш лозим. Қуйида ана шундай саволлардан намуналар келтирамиз:

- Оиламизниң кундалик ҳаётда риоя қиласиган аниқ йўналиши борми? Оила аъзолари ўртасида ушбу йўналишнинг муҳим асослари борасида ҳамфикрлик борми?

- Оиламиз аъзолари ушбу йўналиш асосида ҳаракатланяптиларми ёки баъзан бу йўналишдан чиқиб кетяптиларми?
- Оила мухитида исломий одоблар ва суннатларга риоя қилиш ва тоат-ибодатни маҳкам тутиш жиҳати ўсиб бормоқдами ёки оқсамоқдами?
- Фарзандлар учун ўқишидаги пешқадамлик масаласи ҳануз бирламчи ва аниқ ғоялигича давом этяптими ёки йўқми?
- Ҳар бир фарзандингиздан сўранг: “Оиламиздаги қайси ишлардан ғурурланасан, ифтихор туйғусини ҳис қиласан?”.
- Оила аъзолари ўртасидаги бирдамлик ўсиб бормоқдами ёки йўқми? Оила аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат қай даражада?

Шу ва шунга ўхшаш саволларни фақат оиласига эътибор берувчи ғамхўр мураббийгина бериши мумкин.

Ушбу саволларни беришдан кейинги одим бу каби саволларни йиғиши, у ҳақда фикр ва мушоҳада юритиш, сўнгра муҳокамага яроқли фарзандлар иштирокида муҳокама қилиш ва ниҳоят, оила йўналишини янгилашда асос бўладиган фикр ва мулоҳазалардан хулоса чиқаришдан иборатдир.

Фарзандларингизга яқин бўлинг

Фарзандлар тарбиясига эътибор қаратиш уларга яқинлашиш ҳамда уларнинг ҳис-туйғулари ва муаммоларини тушунишни қаттиқ хоҳлашни ўзида намоён этмас экан, бундай эътибор аслида ҳеч вақони ифода этмайди.

Кундалик ҳаётнинг муаммо ва ташвишлари ортиб, майший сарф-харажатлар кўтарилиб бормоқда. Буни кўпчилигимиз фарзандлари ва аёлларига эътибор қаратса олмаётганлиги учун баҳона қиласди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, фарзандларимиз дуч келаётган муаммолар ва заарли омиллар ҳам олдингига нисбатан анча кўпайган. Бу дегани фарзандларимизнинг бизга бўлган эҳтиёжи кучайган бир пайтда бизларни улардан бурадиган, машғул қиласдиган ташвишлар ҳам ортиб бормоқда.

Фарзандларимиз гўдаклик чоғларида эҳтимол уларнинг юзига кулиб боқадиган юзимиз-у, бошини силайдиган қўлимиздан ўзга нарсага эҳтиёж сезмасликлари мумкин. Бироқ ўспиринлик ёшига етган фарзандлар улар билан узоқ суҳбатлар қуриш, уларга муттасил эътибор қаратишга муҳтоҷ бўладилар.

Айрим фарзандларимиз ўқишдаги омадсизлиги, ўртоқлари ва синфдошлари билан келиша олмагани ёки баъзи муваффақиятсизлик билан тугаган

тажриба ва уринишлари сабабли ички руҳий тушкунликка чалиниши ва уни ҳеч ким пайқамаслиги мумкин.

Фарзандларга яқинлашиш дегани улар билан ўзаро ишонч ва меҳр-шафқат алоқасини ўрнатиш демакдир. Ушбу алоқани ўрнатиш учун қанчалик кичик ва арзимас бўлса-да, уларни қизиқтирган ҳар қандай нарсалар тўғрисида улар билан суҳбатлашиш лозим. Мазкур алоқа йўлга қўйилса, фарзандларимиз уларни ўйлантирган катта ва муҳим масалалар тўғрисида бизларга сўзлай бошлайдилар. Шунингдек, бизларнинг ҳаётий тажриба ва хулосаларимиздан фойдаланиш мақсадида ўзларининг орзу-истаклари, бўлажак режалари хусусида ҳам сўз оча бошлайдилар.

Ҳаётий тажриба ва хулосалар шуни кўрсатадики, биз ота-оналар фарзандларимизнинг ёнида туришимиз ва уларга тобора яқинлашишимизга бўлган эҳтиёжларини англашимиз учун уларнинг ёшида бўлган давримизда бошдан кечирган муаммоларимиз ва бизни қийнаган саволлар моҳияти ва ҳеч кимса бизга ёрдам қўлини чўзмагани, бизни тушунишни истамагани, саволларимизга ётиғи билан жавоб беришни истамаганини ёдга олишимиз зарур экан. Бироқ афтидан, биз катталар ўтмиш хотираларини тез унутиб юборамиз, ёшлигимизда бошдан кечирган муаммо ва кечинмаларни осонликча эслай олмаймиз.

Кўпинча фарзандларимизнинг бизларга нисбатан нолойиқ хатти-ҳаракатлари ва ота-оналар билан муомалада риоя қилиш лозим бўлган одоб доирасидан чиқишилари сабабли улар билан ўзаро алоқамизда нохушлик пайдо бўлади. Лекин шуни яхши англашимиз лозимки, ёш болаларнинг ақли ўсмирилик босқичининг сўнгти йиллари ёки ундан ҳам кейинроқ даврга борибгина тўлиқ пишиб етилади. Маълумки, инсон мияси секин-аста та-комиллашиб боради. Миядаги энг сўнг тўлдириладиган бўлак — бу қарор қабул қилиш ва ҳис-туйғулар устидан ҳукмрон бўлган бўлакдир. Миядаги бу жараён ўсмирилик даврининг шиддатли ва пала-партиш хатти-ҳаракатларга мойиллик эҳтимоли юқорилигини изоҳлаб беради. Ўғил фарзанд вақти-вақти билан отаси ила алоҳида суҳбат ўтказишга муҳтождир. Шунингдек, қиз бола ҳам тез-тез онаси билан дардлашиб туриши лозим. Ота-оналарнинг фарзандлари билан ўтказадиган суҳбатлари эркин ва самимий бўлиши, унда садоқат ва ошкоралик ҳукмрон бўлиши лозим. Масалан, ота-она фарзандлари билан қуидаги мавзуларда суҳбатлашиши мумкин:

- Фарзанднинг оиласига муносабати, оиласининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақидаги фикрлари.
- Фарзанднинг ўқищдаги ҳолати, илмий йўналишлари ва келажакда қайси соҳа ёки мутахассисликка қизиқиши.

- Дину диёнати, шариат аҳкомларига қанчалик риоя қилиши, Аллоҳ билан алоқаси ва қанчалик ўзини баҳтиёр ҳис қилиши, руҳий хотиржамлиги.
- Фарзандни безовта қиладиган ва ташвишга соладиган ишлар.
- Шахсий ҳаётидаги орзу-истаклари ва келажакда оила қуриш ҳақидаги фикрлари.

Бу каби дўстона ва ошкора суҳбатлар хурсандчилик, ҳазил-мутойиба, самимийлик, некбинлик ва ижобийлик кайфияти билан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Мураббий бу каби давраларда фарзандларга мажбуrlаш ва зўравонлик руҳи билан муомала қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим, акс ҳолда, суҳбат мазмун-моҳиятини йўқотади, кўзда тутилган самарани бермайди. Биз ота-оналар доимо ўзимиз сезмаган ҳолда йўл қўядиган хатоларимиздан — фарзандларимизга керагидан ортиқча насиҳат қилиш, огоҳлантириш, таҳдид қилиш ва турли-туман қўрқитиш услубларини қўллашдан эҳтиёт бўлишимиз лозим.

Кўпчилик оталар фарзандларининг моддий эҳтиёjlарини таъминлаш билан машғул бўлиб, улар билан мулоқот қилишга вақт ажратмайдилар. Айрим инсонлар сармояларини кўпайтириш билан овора, бундай инсонлар умрини деярли сафарларда ўtkазадилар. Яна бир тоифа инсонлар борки,

улар ўзлари билан: айши-ишрат ва ўзлари севган машғулотлар билан оворалар. Айни пайтда тўртинчи бир қатлам одамлар борки, улар сафарда ҳам, майшатда ҳам эмас, балки оиласи билан бирга, фарзандларининг олдидалар. Шунга қарамай уларни уйда ёки уйда эмас, фарзандлари билан бирга ёки улардан узоқда деб ҳам бўлмайди. Негаки, бу тоифа инсонлар фарзандлари билан мулоқот қилмайдилар, фарзандлари тўғрисида айтарли ҳеч нарса билмайдилар. Юқорида зикр қилинган инсонларнинг барчалари бир кун келиб кутилмаганда фарзандларининг ўқищдаги муваффақиятсизлиги, бузук йўлларга кириб кетганлигидан воқиф бўладилар. Одатда бундай ота-оналарнинг кўзлари кеч очилади. Ўшанда улар нималардир қилишга ҳаракат қиласидилар, бироқ таассуфки, фурсат қўлдан бой берилган, таълим-тарбия даври ортда қолган бўлади. Ўшанда олдиларида воқеликка таслим бўлиш, аччиқ кўз ёш тўкишдан ўзга чора қолмайди.

Келинг азизлар, бугундан бошлаб ўтмишдан ибрат олайлик, намунали оила барпо этиш учун тадорик кўриб, кўзимизнинг қораси — жигар гўшаларимизга кўпроқ эътибор қаратайлик.



Еттинчи қоида:

МУВОЗАНАТГА АСОСЛАНГАН ТАРБИЯ

Аллоҳ субханаху ва таоло қуидаги оятда ушбу умматни ўрта уммат дея сифатлайди: “Шунингдек, (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир уммат қилдик” [Бақара: 143].

Муфассирлар айтадилар: “Ўрта уммат дегани, анбиёлардан пастроқ ва бошқа умматлардан тепароқ уммат дегани”. Яна айтадилар: “Нарсаларнинг энг аълоси ўртачасидир. Ўртачанинг мақтовга сазовор бўлишига сабаб, унинг ҳаддан ошиш ва сусткашликдан холи эканидир. Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, у шундай деган: “Ўртача услубни маҳкам тутингиз. Зоро, юқори (ҳаддан ошиқ) нарса унгача пасаяди, қуий нарса эса унгача кўтарилади” [Тафсири Куртубий, 2/153-154-бетлар].

Бизларга одоб-ахлоқ ва урф-одатлардан маълумки, фазилатли хислатлар икки бадхулқлик ўртасида бўлади. Яъни, фазилатли хислатларнинг икки томони бор. Бу икки томоннинг ҳар бири қайси-дир бадхулқликка туташган бўлади. Айтайлик, са-хийлик хислати ҳаддидан ошса исрофгарчиликка ўтади, агар сахийлик чегарасидан ноқис бўлса, баҳиллик ва очкўзлиkkка бориб туташади. Жасурлик ҳам шундай: керагидан ошса ҳовлиқмалик ва таваккалчиликка ўтиб кетса, жасурлик чегарасига етмаса, кўрқоқлик саналади ва ҳоказо...

Дарҳақиқат, тарбия мувозанат, мўътадиллик ва ўртамиёналикни талаб қиласди. Муваффақиятли мураббий тарбия иши билан шуғулланар экан, бир жиҳатдан ҳар бир соҳада, ҳар бир босқичда боладан талаб қилинган нарсани яхши билиши, иккинчи жиҳатдан унинг ўзига хос характеристи, қобилияти, имконияти ва эҳтиёжларини инобатга олиши зарур. Мураббий фарзандининг энг солиҳ ва на-мунали инсон бўлиб етишишини истайди. Айни дамда фарзандига тоқати етмаган ишларни буюришдан ва уни безитиб қўйишдан эҳтиёт бўлади.

Фарзандларимизни мувозанатли ва самарали тарбия қилишимиз учун ундан талаб қилмоқчи бўлган нарсамизни, шунингдек, бола шахсиятини ва ундаги ўзига хос жиҳатларни қандай сақлаб қолишини яхши билишимиз зарур. Биз фарзандларимизнинг ҳам келажакдаги равнақи ва манфати, ҳам ҳозирдаги болалиги ва барқарорлигини

таъминлай олишга эришишимиз лозим. Албатта бу осон иш эмас. Бу бизлардан пухта билим ва етарли даражада тарбиявий маданият талаб қиласи. Мувозанатли тарбия биз мураббийлардан баъзан асабларимизни тута билишни, ўзимизга ўзимиз босим ўтказишни ва ҳаттохи баъзан кўриши лозим бўлган нарсаларни кўрмайдиган, тушуниши керак бўлган нарсаларни тушунмайдиган ғофил ва жоҳил кимса ролини ўйнашни талаб қиласи. Тарбия соҳасида қанчалар мутолаа қилмайлик, ўқиб-ўрганмайлик “пичоқни тўғридан-тўғри икки суюк орасига қўйиш” осон кечмайди. Сабаби, боланинг эҳтиёжлари ва ундан талаб қилинган ишни аниқ англаш ва тушуниб етишга жуда-жуда муҳтожмиз. Аксар ота-оналар фарзандлар тарбиясида мувозанатлимиз, деб ўйлашади. Ҳолбуки, баъзилар уларга фарзанд тарбиясида қаттиққўл ва қўпол деб қарасалар, бошқа бирорлар уларни болалар тарбиясига кўнгилчанлик ва бепарволик билан ёндашади, деб баҳо берадилар. Биз бу ўринда тарбиядаги мувозанат масаласи тўғрисида сўз юритамиз. Мақсадимиз, бу масалани узил-кесил ҳал қилиш ёки у ҳақда сўнг сўз гапириш эмас, балки бу масалага имкон қадар яқинлашишдир.

Тарбиядаги мувозанат кўринишлари:

1. Аллоҳ таоло оила негизи эркак ва аёлда гавдаланиши, улар иккисининг табиати бир-бираидан фарқли бўлишини хоҳлади. Шунингдек, Аллоҳ таоло эркак ва аёлни яхшилиқда ўзаро

ҳамкор бўлишга, ўзаро бир-бирларини тушуниш ва бир-бирларига муҳаббатли бўлиш, ўзаро муносабатларида содир бўлган хатолардан кўз юмиш, бир-бирларига сабр-бардошли бўлишга буюрди. Мақсад — эр-хотин ўртасида тузилган ўзаро кучли ва доимий иттифоқ орқали фарзандларини намунали ва мувозанатли тарбиялашга имкон топишларидир. Ота-она қўйидаги омиллар орқали тарбиявий мувозанатни рўёбга чиқарадилар:

- Бирон сўз сўзласа албатта ижро этадиган қатъиятли ота ва фарзандига ҳимоячи бўлган, отасидан бир гал унинг хатосини кечиришини илтимос қиласидиган меҳрибон она.
- Фарзандлар унга бор дардини тўкиб соладиган, каттаю-кичик тафсилотлар ҳақида тортинмай гапира оладиган сирдош она ва оиласидаги асосий ишлар ҳақида сўзлайдиган ва бош қотирадиган, фарзандларига ҳар қандай вақтда ёрдамга тайёр эканини изҳор этадиган ота.
- Узоқни кўра оладиган, ҳар нарсанинг оқибатини ўйлаб иш юритадиган она ва ҳаётга реал ва амалий қарайдиган, некбин қарашли ота.
- Муаммоларини яхши билгани боис кўпроқ ўғил фарзандларига эътибор қаратадиган

ота, онасининг уларга яқинроқ эканини ҳис қилғанлари учун асосан қизларига эътибор берадиган она.

- Фарзандлар тарбияси борасидаги дунёқараши ва муносабатида кўпроқ жўшқин ҳис-туйғулар хукмон бўлган она ва ишларга асосан ақл нуқтаи-назаридан ёндашадиган ота.

Демак, ота-она табиатлари ва ҳаёт саҳнасида ижро этадиган ролларининг хилма-хиллиги орқали фарзандлар тарбиясида таомиллашувни пайдо қиласидилар. Зеро, таомиллашувда мувозанат ва мўътадиллик бор. Бироқ бу ҳар доим ҳам ўз-ўзидан вужудга келавермайди. Балки албатта ота-она ўрталарида ўзаро келишув ва тартиб-қоидалар ишлаб чиқиш зарур. Чунки кўпгина оиласидарда кузатилганидек, ўзаро келишув ва тартибнинг йўқлиги гоҳида тўқнашув ва низоларга олиб боради.

2. Шунингдек, биздан оила мухитида қарор қабул қилиш борасида ҳам мувозанат талаб қилинади. Шуни кўп кузатиш мумкинки, баъзи ота-оналар фарзандлари томонидан талаб қилинган талай ишлар хусусида қарор қабул қилишда эътиборсизликка йўл қўядилар. Фарзандлар борки, ота-оналаридан бошқа шаҳарда яшайдиган аммалариникига меҳмонга боришни талаб қиласидилар. Фарзандлар борки, оталаридан

ҳар бирларига ойлик мұайян маблағ ажратиши-ни талаб қилишади. Ўғиллар борки, оталари-дан ўzlари ўқиб турған мактабларидан бошқа яхшироқ мактабга ўтказишини талаб қилиша-ди. Қызлар борки, оталаридан янги компьютер сотиб олиб беришни талаб қилишади ва ҳока-зо... Ушбу талабларга отанинг муносабати до-имо пайсалға солиш ва “иншааллох, тез орада айтганинг бўлади”, дейишдан нарига ўтмайди. Бироқ кунлар, кунлар ортидан ойлар ўтсада, ҳеч нарса ўзгармайди.

Айни пайтда шундай оталар борки, улар ниҳо-ятда меҳрибон ва кўнгилчандирлар. Фарзан-ди бирон нарсани талаб қиласр-қилмас тезда унинг талабини бажо келтирадилар. Улар бу хатти-ҳаракатларини ўз фарзандларига кўр-сатилган саховат, муруват ва ғамхўрлик деб биладилар. Бироқ аксар ҳолатларда фарзанд-ларининг барча хоҳиш-истакларини муҳайё қилиб шошилиб қўйганлари, уларни талтайти-риб юборганлари, енгил-елпи ҳаётга ўргатиб қўйганликларини кашф этадилар.

Бу борадаги мувозанатли муносабат шошқа-лоқликда ҳам, пайсалға солища ҳам эмас, балки фарзандларнинг хоҳиш-истакларини алоҳида уларнинг ўzlари билан ёхуд оила аъзо-лари иштирокида ўрганиб чиқиб, сўнг қарор қабул қилишдадир. Фарзандларнинг талаб-ларига “бир ойдан сўнг нима қилишимизни

эшитасизлар” деган услубда жавоб бериш ҳам мумкин. Мұхими, фарзандлар ота-оналари-нинг уларга ва уларнинг талабларига бепарво әмасликларини ҳис қилишидір. Шунингдек, ота-оналаридан эшитған сүzlари, олган ваъ-даларига вафо қилинишига ишонч ҳосил қи-лишларидір.

3. Биз ота-оналарда фарзандларнинг тартиб-ин-тизоми ва шахсий әрқинликларини таъминлаш масаласида бир ёқламалик: ё ҳаддан ташқари бепарволик, ё ўта кетған қаттиққўллик бор. Афсуски, кўпчилик оиласалар қаттиққўлликдан унга зид бўлган томон — бепарволикка ўтиб олганлар. Агар бир неча ўн йил ортга қайта-диган бўлсак, фарзандлар дастурхон атрофида ниҳоятда одоб билан ўтиришар эди. Улардан бири дастурхонга қўл узатиш ёки бирон мавзу-да сўзлашдан олдин обдон ўйлаши лозим эди. Чунки хато қилиб қўйса борми, дакки-дашном эшитиши муқаррар, ҳар лаҳзада содир этил-ган ноўрин ҳаракат сабабидан қўлига урилиши мумкин эди. Кўпчилик фарзандлар оталаридан тўғридан-тўғри бирон нарса сўрашга ботинол-мас, балки оналари ёки катта акалари орқали оталаридан сўраттиришар эди.

Бугунги кунда эса аҳвол батамом ўзгарди. Ай-рим оталар бир юз саксон даража ўзгарғанлар. Улар фарзандларига уйдан чиқиши ва кўча-дан уйга қайтиши масаласида тўлиқ әрқинлик

бериб қўйганлар. Фарзандларининг қўллари-га истаган пулларини тутқазадилар. Ана шундай оталардан бири шундай деган эди: “Янги авлод истаган барча нарсаларига эришадиган бўлдилар. Бироқ уларда ҳеч қайси ишга нисбатан масъулият ҳисси йўқ”.

Шу ўринда қўйидаги маъноларни ойдинла-тишни маъқул деб биламан:

- а) Биз фарзандларга нисбатан қаттиққўллик билан муомала қилишга, уларни мустақил фикр юритмайдиган қўғирчоқ ва одамлар қаёққа юрса ўша томонга қайрилиб кетаверадиган муте қилиб тарбиялашга қарши-миз. Албатта бу фарзандларга катта руҳий зиён келтиради, уларни солиҳ инсонлар бўлишига ёрдам бермай, аксинча, ёмон йўл-ларга кириб кетишига ўз ҳиссасини қўшади.
- б) Фарзандлар тарбиясидаги асосий вазифамиз уларни дабдабали ҳаёт билан таъминлаш, имкон қадар кўнгилларини хушнуд қилиш ва дунё матолари билан кўмиб ташлаш эмас. Балки болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, одамлар билан яхши муомалада бўлишга, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларга матонатли бўлишга ва ҳаммасидан ҳам олдин Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бўлиб етишишга тайёрлашдир. Мана шу бизларнинг энг асосий вазифамиздир.

Дарҳақиқат, муҳим бир қоидани унутмас-лигимиз лозимки, ҳар қандай нарса кера-гидан ошиб кетса, акс натижа беради. Бу ҳақиқатни ҳатто илмий тадқиқотлар ҳам исботлаган. Маълум бўлишича, буткул ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва ота-оналари томонидан барча истаклари муҳайё қи-линган болалар баҳтли ҳаёт кечиришмайди. Негаки, бундай болалар ҳеч нарсанинг қадрига етмайдилар. Болалар мashaққат, қийинчилик нима эканини билишлари учун ҳаётда баъзан оғир лаҳзаларни бош-дан кечиришлари лозим. Қийинчилик ни-малигини билган фарзандлар Аллоҳ таоло берган бебаҳо неъматларнинг қадрига ета-дилар, неъматдан лаззатланадилар ва унга шукр қилишга интиладилар.

Университетлардан бирида ўқитувчи та-лаба қизларга айтибди: “Сизлардан ҳар бирингиз ўз орзулари, келажак режала-ри ҳақида сўзлаб берсин”. Шунда бой-ба-давлат оиласда ўсиб-улғайган талаба қиз ўрнидан туриб, бенихоят калондимоғлик билан, кибр тўла оҳангда дебди: “Менда ҳеч қандай орзу, келажак режа йўқ. Инсон зоти орзу қилган барча нарсалар уйимизда муҳайё!”.

Бу турдаги болалар одатда мустақил ҳаётга қадам қўйишган чоғда талай муаммоларга

дуч келишади. Сабаби, улар ҳаёт түғрисида бузуқ тасаввурга эга бўлиб қолганлар.

Биз оилада фазилатли одоб-ахлоқ ва анъ-аналарни тарғиб қилиш орқали оила бирдамлиги ва мустаҳкамлигини асраш ва кучайтиришга муҳтожмиз. Фарзандлар ота-онанинг қўлларини ўпиши, акани хурмат қилиш, уйдан чиқишдан олдин ота-онадан изн сўраш, бир кунда бир бор бўлсада оила аъзоларининг дастурхон атрофига йиғилишлари ва шу каби анъаналар албатта оила мустаҳкамлигига ҳисса қўшадиган муҳим омиллардир. Афсуски, айрим мусулмон оилаларда бу каби анъаналар буткул йўқолиб бўлган, уларда тарқоқлик ва оқибатсизлик ҳукмрон бўлиб қолган.

- в) Ёш фарзандларимиз барча ишларда доимий йўл-йўриққа муҳтоҷ бўладилар. Болалар бу даврда уйда уларга ғамхўр бўлган, нима фойдали-ю, нима заарарли эканини биладиган ва уларни йўлга соладиган кучли ва қатъий “ҳокимият” борлигини ҳис қилишлари лозим. Фарзандлар ўлғайиб, онг-шуури ривожланиб борган сари тадрижий равишда улар устидан ҳукмронлигимизни камайтириш, уларга эркин ҳаракат қилиш ва танлаш ҳуқуқини бериш лозим. Ўсмирлик босқичига келиб, улар устидаги босим ва ҳукмронлигимизни янада

озайтириш мақсадга мувофиқдир. Фарзандларимиз университет ёшига етишгач, энди улар билан асосан яқин ўртоқларимиз сифатида муюмала қилишимиз, уларга ғамхўр мураббийларча маслаҳат бериш, қарор қабул қилишни эса ўзларининг ихтиёрига ҳавола қилиш лозим.

4. Мувозанат масаласи яққол акс этадиган яна бир муҳим нарса бор. У ҳам бўлса, бир жиҳатдан боланинг табиати, имконияти, диди ва ҳис-туйғулари ёки бошқача қилиб айтганда унинг ўзлиги билан иккинчи жиҳатдан биз яшаётган жамият ва замон талабларини инобатга олиш ва иккаласи ўртасини мувофиқлаштириш масаласидир.

Дастлаб шуни айтиш лозимки, тарбия жарайёнинг асосий қисми болани жамият урф-одатлари ва анъаналарини ўзига сингдира оладиган ижтимоий обьект бўлишга лаёқатли қилиб етиштиришга қаратилса, бошқа бир қисми болани келажакда ҳурмат-иззат ва маҳорат билан ўз ризқини ўзи топишига лаёқатли қилиб тарбиялашга қаратилиши лозим. Бу бизлардан фарзандларимизни улар ёқтирамайдиган айрим ишларга ундашимизни, улар яхши деб билмаган ёки уларнинг хоҳиш-истаклари ва ҳис-туйғуларига мос келмайдиган ишларни чиройли қилиб кўрсатишимизни талаб қиласди. Биз шундай қилишга мажбурмиз

ва бунга зарурат бор. Бироқ бу давр зарурат миқдори билан чекланиши лозим. Қуйида бу борадаги айрим мулоҳазаларни айтиб ўтамиз:

- a) Биз ўзимиз билан фарзандларимиз ўртасидаги фарқлиликни табиий ҳол деб қарашимиз, улардан айнан бизларга ўхшашларини талаб қилмаслигимиз лозим. Зеро, бу янглиш тушунча айрим тор дунёқарашли ота-оналар учун васвасага айланиб қолган. Улар мудом фарзандларининг юриш-туришда, фикр юритишда уларга ўхшамаслигидан жиғибийрон бўладилар.
- б) Аслида фарзандларимиз эркин ҳаракат қилишлари лозим, ҳадеб уларнинг ишларига аралашавериш эса асл қоидага хилоф деб қарашимиз лозим. Шу боис уларни бирон нарсага мажбуrlаш ёки бирон нарсадан ман қилар эканмиз, ман қилган ишимизнинг зарари ёки мажбуrlаган ишимизнинг аҳамиятини чуқур идрок этишимиз талаб этилади. Борди-ю, уларни бирон ишга мажбуrlаган тақдирда ҳам маълум даражада танлаш имконияти қолдириш лозим. Масалан, ўғлимиз ёки қизимизга: “Кийган кийиминг тананинг фалон жойигача ёпиши керак”, десак, энди кийимнинг ранги ва бичимини ихтиёр қилишни унинг ўзига ҳавола қилишимиз мақсаддга мувофиқдир. Умуман олганда, гарчи биз ота-оналарнинг

диidимиизга түғри келмасада мубоҳ ва ҳалол ишлар доирасида фарзандларимизга танлаш хуқуқини беришимиз, уларнинг ишига аралашмаслигимиз лозим. Агар фарзандимизга газли ичимликлар ичишни ман қилсақ, ундан бошқа ичимлик ва шарбатларни ихтиёр қилишида аралашмаслигимиз керак. Баъзан улар танлаган ичимлик бошқаларига нисбатан фойдаси озроқ бўлиши мумкин, бироқ бунинг зиёни йўқ, муҳими улардаги танлаш майлини қондирган бўламиз.

- г) Баъзан бола мураккаб ва оғир характерли бўлиши мумкин. Айтайлик, у гўшт ейишни хуш кўрмайдиган (вегетариан) ёки асабларини тута олмайдиган ўта жizzаки, тезда ғазабланадиган ёки жуда тез зерикувчан ёки ўртоқлари билан осонликча киришиб кета олмайдиган, узлатни яхши кўрадиган ёки муайян рангни севадиган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда имкон қадар унинг табиатига риоя қилиш билан бирга атроф-муҳитга мослашишни талаб қилиш зарур. Айтайлик, гўшт емайдиган болани маълум миқдор гўшт аралашган маҳсулотларни ейишга ундаш, жizzаки болани ғазабини ичига ютишга машқ қилдириш, узлатни хуш кўрган болани баъзи йиғилишлар ёки қувончли муносабатларда қариндошлар зиёратига боришга ундаш

орқали бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, бундай ҳолатларда бир томондан бола характеристини инобатга олиш талаб этилса, иккинчи томондан уни мўътадил ва намунали табиий ҳолатга олиб чиқиши ҳақида бош қотириш лозим.

- д) Болалар билан муоммаладаги риоя қилиш лозим бўлган мувозанат кўринишларидан яна бири унинг ўқищдаги қизиққан соҳасини аниқлаш ва ўзи севган мутахассислик бўйича ўқиб-изланиши учун шароит яратиш. Жуда кўп тарқалган ҳолатлардан бири ўғил ёки қиз болалар бирон мутахассислик бўйича ўқишини давом эттиришни яхши кўришса, ота-оналар бошқа мутахассисликни хоҳлашади. Оқибатда, икки томон ўртасида низо келиб чиқади. Ўртоқларимдан бирининг айтиб беришича, (у ҳозирда университетлардан бирида таниқли ўқитувчи) ўрта мактабда ўқиб юрган кезда физика фанини жуда ҳам яхши кўрган. Бу фанда у бошқа тенгдошларидан анча устун бўлган. Келажакда таниқли физик бўлишни орзу қилган. Бироқ ота-онаси тиббиёт соҳасида ўқишини давом эттиришини исташган. У ота-онасининг талабига бўйсунган ва тиббиёт факултетига ўқишига кириб, етук мутахассис бўлиб етишган. Лекин бир умр физика фани бўйича мутахассис бўлиб чиқмаганидан ҳасрат чекади!

Фарзандларимизга бозор талаб қилган, шунингдек, мамлакат ичкарисида мавжуд бўлган ёки моддий имкониятларимиз доирасидаги мутахассисликларни тавсия қилишимизнинг зиёни йўқ. Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, охир-оқибат қайси мутахассисликда бўлмасин бизлар эмас, фарзандимиз ўқийди, меҳнат қиласи ва тер тўкади. Шунингдек, кўп ҳолатларда мутахассисликнинг тури эмас, балки фарзандимизнинг ушбу мутахассисликдағи мавқеи — тутган ўрни муҳимроқдир. Зеро, унчалик талаб бўлмаган, битирувчилари олдида иш топиш фурсати оз бўлган соҳада ўта ўткир ва маҳоратли мутахассис бўлиш кўпинча долзарб соҳада оддий мутахассис бўлишдан афзалдир. Қолаверса, инсон одатда мажбурдан кирган соҳасида жавлон уриши учун туртки топмайди, ўзи севмаган соҳада кашфиётлар қилиши, янги ихтиrolар ўйлаб топиши ҳам эҳтимолдан йироқ. Демак, бизлар юқорида айтиб ўтилган мулоҳазалар доирасида фарзандларимизнинг ўқув йўналиши хусусида тўғри муносабатимизни белгилаб олишимиз зарур экан.

Бундан ташқари яна бир қанча ишлар борки, бу ишларда ҳам мувозанат ва мўътадилликка риоя қилишимиз лозим. Жумладан:

- Болаларнинг юриш-туришини кучли назорат қилиш ва улардан содир бўлган хатолардан кўз юмиш.
- Фарзандлар билан муомаладаги жиддийлик ва ҳазил-мутойиба.
- Фарзандларга бўлган ишонч, яхши гумон қилиш ва уларга тарбиясиз болалар сифатида муомала қилиш.
- Фарзандларни мақташ, кўкка кўтариш ва уларга танбех бериш, хатоларидан огоҳлантириш.
- Фарзандларга саховат билан пул сарфлаш ҳамда иқтисод ва тежкамкорлик.
- Фарзандларни эркалаш, уларни буткул меҳнатдан озод қилиш ва уларга баъзи ишларни буюриш, масъулият юклаш.

Ушбу ва шу каби ишларда мувозанатга риоя қилишга муҳтоjмиз. Бу борада мутолаа қилиш, ўқиш ва жамиятда ҳукмрон урф-одатларни англаш орқали мувозанат ўлчови ва чегарасини билib олиш мумкин.

Кўпинча мувозанатга путур етади, бошқача қилиб айтганда, мувозанатнинг мувозанатлиги қолмайди. Бундай ҳолатда юқорида айтиб ўтилган ишларнинг барчасида янгидан мувозанат

ўрнатиш лозим. Аллоҳ барчамизга фарзандларимизга мувозанатли тарбия беришимизни насиб этсин.



IXLOS
Nashriyoti



Саккизинчи қоида: ТАРБИЯ – ХАЙРИХОХЛИК

Дарҳақиқат, ўтган қоидалардан бирида тарбия-нинг ўзаро киришувчанлик, яъни ота-оналар билан фарзандлар ўртасида кечадиган олди-берди, таъсир ўтказиш ва таъсирланиш, тушунтириш ва тушунишга интилиш ҳамда ўзига тортиш ва мойил қилиш эканини айтиб ўтган эдик. Мазкур ишларнинг барчаси амалга ошиши учун яна бир “кимёвий” моддага эҳтиёж бор. Бу модда хайрихоҳликдан иборат бўлиб, у ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги руҳий ва маънавий “реакция”ни кафолатлади. Ўзаро меҳр-муҳаббат, олқишлиш, мукофотлаш, эътибор бериш, руҳий боғланиш, умуман оила келажаги хусусида ва айниқса, ёш фарзандлар келажаги хусусида қайгуриш – буларнинг барчаси тарбияга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, ота-оналарнинг фарзандлар билан муомаласи раҳм-шафқат ва меҳр-муҳаббат устига қурилади. Бунда шак-шубҳа йўқ. Шунга қарамай, ота-оналарнинг айрим муносабатлари

фарзандлар назарида соф меҳр-муҳаббатга зид бўлиб кўринади. Бу фарзандларни жазолаш, уларга буйруқ бериш, шунингдек, баъзи кўнгилочор машғулотлардан ман қилиш, баъзи болалар билан ўртоқлашишдан огоҳлантириш ва шунга ўхшаш ишларда ўз аксини топади. Демак биз муомала мувозанатини сақлашга, бошқача қилиб айтганда, фарзандларимиз билан алоқамизни илиқлаштирадиган омилларга муҳтожмиз. Фарзандларимиз қалбида муҳим бир тушунчани: уларни тарбиялаш мобайнида қиласиган барча хатти-ҳаракатларимиз ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг манфаатларига қаратилган эканини сингдиришимиз зарур. Албатта бу фақат хайрихоҳлик, ўзаро меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, эътибор ва олқиши билан гина амалга ошиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган маънолар қўйидаги ҳолатларда яққол ўз аксини топади:

- **Хис-туйғуларда фарзандларга шерик бўлиш:**

Боланинг ёши қанчалик кичик бўлса, у қўрқадиган нарсалар шунчалик кўп бўлади. Негаки, инсон ақлида хавфли ва қўрқинчли нарсалар учун алоҳида бўлим ва хавфсиз нарсалар учун алоҳида бўлим мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг ўз фарзандларига меҳр-муҳаббат кўрсатиши уларнинг хавфсизлик ва хотиржамлик ҳис қилишлари учун муҳим омил

ҳисобланади. Фарзандларга ҳис-туйғуларида шерик бўлиш уларга хайриҳо бўлишнинг энг олий кўринишидир. Бу аввало ота-оналардан фарзандларининг ҳис-туйғуларига эътибор қаратиш ва уни билишни талаб қилади. Ёш болалар арзимаган нарсалар сабабидан хурсанд бўладилар. Ҳолбуки, бу нарсалар катталар эътиборини ўзига қаратмаслиги ва уларни хурсанд қилмаслиги мумкин. Шунингдек, ёш болалар талай нарсалар туфайли ғазабланишади, хафа бўлишади ва асабийлашадилар. Ваҳоланки, катталар буни хафа бўлишга арзимайдиган нарсалар деб биладилар. Бундай кезларда ота-оналар уларнинг қувончларига шерик, қайғуларига ҳамдард бўлишлари лозим.

Баъзан ёш бола арzon бир ўйинчоғини йўқотиб қўйиб, аччиқ кўз ёш тўкиб йиғлайди. Унинг нима сабабдан йиғлаётганини билмай қоласан киши. У ўйинчоғини йўқотиб қўйгани сабабли жазоланишдан қўрқиб ёки уни қимматбаҳо ўйинчоқ деб ўйлагани ва нафис ўйинчоқдан маҳрум бўлгани боис ёхуд ота-онаси унинг ўрнига бошқасини олиб бермасликларини ўйлаб йиғлаши мумкин. Шу боис ота-онадан фарзандининг дилида кечган ҳис-туйғулар моҳијатини англашга интилишлари, унга эътибор қаратишлари ва бу туйғуларнинг воқейлик ва мантиққа мос туйғулар экани ёки йўқлигидан қатъий назар уни инобатга олишлари талаб қилинади.

Айтайлық, бир бола мактабдан уйига фахрланишга арзимайдыган баҳолари ёзилган табелини күтариб кириб келди. У зўрга имтиҳонлардан ўтиб, синфдан синфга кўчди, дилида муваффақиятсизлик ва умидсизлик ҳис-туйғулари кечмоқда. Чунки у шу пайтгача отонасига барча имтиҳонларни аъло даражага топшираётгани, дастлабки уч ўриндан бирини олишини айтиб келар эди. Бу ҳолдаги болани койиш, ундан юз ўгириш ва уни ғам-ташвишларига кўмилган ҳолда ёлғиз ташлаб қўйиш аслу дуруст эмас. Аксинча, биз унинг умидсизликка тўла туйғуларини англашга ва ундағи ўқинч ва ҳасратни енгиллатишга ҳаракат қилишимиз зарур. Унга қўлидан келган ҳаракатни сарфлагани, имтиҳон кутилгандан кўра қийинроқ келгани, бу ҳақда кўп ўйламаслиги ва иншааллоҳ, бўлажак имтиҳонларда ижобий натижаларга эришажагини айтиб далда бериш лозим.

Фарзандларнинг ҳис-туйғуларига шерик бўлиш, уларнинг севинчидан севиниш, ташвишларига ҳамдард бўлиш уларни тобора бизларга яқинлашиши, ўз туйғуларини бизлар билан баҳам кўришларига олиб боради. Бу ўз навбатида тарбиявий онгимизнинг ўсиши ва тарбиявий фаолиятимизнинг яхшиланишига сабабчи бўлади. Кўпинча ўсмир йигит ва қизлардан ота-оналари уларнинг дардларига қулоқ солмасликлари ва ҳис-туйғулари билан ҳисоблаш-

масликлари тўғрисидаги кўп шикоятларни эшитамиз. Тўғри, бу ёшдаги фарзандлар муболағага мойил бўладилар. Бироқ шундай бўлсада уларнинг шикоятлари асоссиз эмас, балки эътибор қаратиш ва инобатга олишга ҳақлидир.

- **Хўп, майли, лекин...**

Хайрихоҳлик мураббийдан “хўп, майли” деган сўзни кўп ишлатишни, боланинг истак-хоҳишиларига жавоб беришда бу сўзни асос қилиб олишини талаб қиласди. Аслини олганда бу масала қайсиdir маънода “режиссёрлик”ка муҳтождир. Негаки, биз фарзандларимизнинг барча истак-хоҳишиларини ҳам қўллаб-қувватлай олмаймиз. Айни дамда уларда “ота-она-миз бизларни баҳти қилишини ва орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришни истамайдилар”, деган таассурот қолишини ҳам хоҳламаймиз. Бинобарин, масаланинг ечими сифатида аксар ҳолатларда уларга “хўп, майли, бироқ ҳозир эмас”, “хўп, майли, лекин катта бўлганингда”, “хўп, майли, аввал бир жуз Куръон ёдлаб бергинг” ёки “хўп, майли, бироқ аввал керагича маблағ тўплагин” каби жавоблар бериш мақсадга мувофиқдир.

Баъзи ҳолатларда фарзандларимизнинг истак-хоҳишиларига “хўп бўлади”, деймиз ва бу йўлда уларга йўл-йўриқ кўрсатамиз. Баъзан

биздан ёрдам сўраган ишларида уларни қўл-лаб-қувватлашга ва бу ишда давом этишлари учун шижоатлантиришга шошиламиз. Муҳими фарзандларимиз уларнинг ҳис-туйғуларини инобатга олишимиз, улар учун энг долзарб бўлган масалаларни англашимиз ва уларнинг саодати учун ҳар нарсага тайёр эканимизни ҳис этсинлар.

Хайрихоҳлик – гўзал муомала

Шак-шубҳа йўқки, ёш болалар ширин ва майин сўз шайдоси бўладилар. Бироқ қуруқ сўзнинг ўзигина болаларда мамнуният ва ижобий фикрлар пайдо бўлишидаги давомийликни кафолатлай олмайди. Шу боис айтиш мумкинки, хайрихоҳлик фарзандларимиз билан ўзаро гўзал муомалада ва кундалик ҳаётимизда ўз аксини топиши зурур. Хайрихоҳлик хатти-ҳаракатлар орқали юзага келадиган ва шу тариқа ишонч ва барқарорлик касб этадиган ички бир ҳис-туйғудир. Бу маънони Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзида ҳам кўриш мумкин: “**Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг!** (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қалин дўст каби бўлиб қолур. Унга (яъни ёмонликни яхшилик билан даф қилиш хислатига) фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар. Унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур” [Фуссилат: 34-35].

Күйида хайрихоҳликни акс эттирадиган айрим амалий мисолларни келтирамиз:

1. Фарзандларнинг ҳазил-мутойибалари, улар ҳикоя қиласидиган латифаларга қулоқ солиш ва уларга қўшилиб кулиш, шунингдек, бир вақтлар оила аъзолари яшаган эски уй хотираларини ёки у ердаги қўшни болалар билан кечгани гўзал хотираларни эслашар экан, уларнинг сухбатларига диққат билан қулоқ тутиш, фикр билдириш, модомики ҳақиқатга зид экани маълум бўлмаса фарзандлар айтган хабарларга ишониш лозим. Албатта бунинг барчаси ижтимоий соҳада ёш болалар билан ота-оналар ўртасидаги ўзаро хайрихоҳлик ва меҳр-муҳабbat туйғуларини кучайтиради, фарзандларда хотиржам ва барқарор руҳий ҳолатни пайдо қиласиди.
2. Шунингдек, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги хайрихоҳлик ва меҳр-муҳабbat кўпроқ ақлий, фикрий ва маданий жиҳатга яқинроқ бўлган баъзи ишларда ҳам акс этиши мумкин. Бу ота-оналар фарзандларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва келажакдаги мақсад-ғояларига қулоқ солишлари ҳамда бу фикр-мулоҳазаларни улар билан ўзаро муҳокама қилишида кўринади. Бироқ бу осон иш эмас. Чунки кўпчилик ота-оналар фарзандлари ақлий жиҳатдан пишиб-етилмаган ва уларда тўғри фикр билдириш қобилияти етишмайди,

деган эътиқод сабабли уларнинг фикрига қулоқ тутиш бекорчи иш, беҳуда вақтни зое қилиш деб биладилар. Бунинг ўрнига фарзандларга насиҳат қилиш, уларга тажриба улашиш ёки ўзларига фойдали бирон нарсани ўрганиш билан шуғулланганлари афзал дейишади. Албатта масаланинг фақат ақл ва онг-идрокка тегишли томонини инобатга олиб, ҳис-туйғуга оид томонига назар солинмаса, бу тушунча тўғри бўлиб чиқади. Бироқ бола вужуди бу икки жиҳат ўртасини ажратишни қабул қилмайдиган ягона табиатдан иборат эканини инобатга олсак, мазкур холосанинг нотўғри экани маълум бўлади. Негаки, фарзандларимизнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларига қулоқ тутишимиз қайсиdir маънода биз ота-оналарнинг фарзандлар фойдасига ўз позициямиздан чекинишимиз, уларнинг барча ишларига эътибор қаратганимизни ифода этади. Бу ўз ўрнида оиласдаги ҳамжиҳатликни ва боланинг оиласа бўлган садоқатини кучайтиради. Бундан ташқари катталар билан сұхбатлашиш натижасида ёш болалар кўп нарсаларни ўрганадилар.

3. Хайрихохлик ва меҳр-муҳаббат намоён бўладиган яна бир жиҳат – руҳият ва ибодатта таалуқли бўлган жиҳатдир. Ҳақиқатда ушбу жиҳат бениҳоят катта аҳамиятга эга. Чунки у тарбия ва оиласвий ҳаётнинг негизига тааллуқлидир. Ота фарзандининг қўлидан тутиб намоз ўқиши

учун масжид сари йўл олиши нақадар гўзал манзара. Ёки оила аъзолари оталари атрофида ўтириб олиб Куръон тиловат қилишлари ва оталари уларнинг қироатларини тўғрилаб ўтириши қандай қувонарли ҳолат. Оила аъзолари ўзаро йигилишиб, чиройли ва мазмунли нашидалар айтиши, Аллоҳга дуо-илтижолар қилиб фазл-карамидан инъом этишини сўраши-чи?! Ёхуд оила аъзолари ўзаро тўпланишиб лаёқатли ва пешқадам фарзандлардан бири тайёрлаган бирон илмий китоб хулосасига қулоқ тутишлари қанчалар гўзал манзара. Бу каби фаолиятлар фарзандлар томонидан тўла рағбат ва қизиқиш билан амалга оширилар экан, уларга бу каби машғулотларда қатнашиш имкониятини яратиб берган, фарзандларининг хато-камчиликларига сабр қилган ва айни пайтда фарзандларига таълим-тарбия берган, ҳам ҳаётларини мароқли ўтишини таъминланган ота-оналарига нисбатан миннатдорчилик ҳис-туйғулари пайдо бўлади.

4. Мукофот ва рағбатлантириш.

Ёш болани ўзи севган бирон ишни қилишга шижаотлантирас эканмиз, у буни унга нисбатан хайриҳоҳлик деб билади. Негаки, биз унга орзуларидан бирининг ушалишида ёрдам берган бўламиз. Қолаверса, фарзандимизни бирон ишни бажаришга шижаотлантиришимиз замирида унинг мазкур ишда муваффақият

қозонишига бўлган иқтидори ва маҳоратини эътироф этиш ётади ва бу билан уни қўллаб-қувватлаган бўламиз.

Аслини олганда шижоатлантириш ва олқишлиш ҳар қандай халқ ичидан буюк шахслар этишиб чиқишида мухим ва асосий рол ўйнайди. Шунга кўра, тарғиб ва олқиши тараққиёт мезонларидан бири саналади. Жамиятлар тараққий этгани сари иқтидор ва маҳоратларни кўпроқ қадрлайди, уларни олқишилайди ва уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатади. Бунинг акси ўлароқ, қолоқ халқларни ҳеч нарса қизиқтирмайди, улар ҳар қандай буюк нарсалардаги буюклик сир-асрорларини қадрлай олмайди.

Қуйида рағбатлантириш ва мукофотлаш масаласи, унинг ўзаро хайрихохлик пайдо қилиш ва фарзандларни нажот ва муваффақият йўлига ундаш борасидаги роли тўғрисидаги айrim мулоҳазаларни келтириб ўтамиз.

- Иzlаниш ва тажрибалар шуни кўрсатадики, болага тақдим қилинадиган мукофот ундан талаб қилинган ишни бажариб бўлиши биланоқ берилиши лозим. Ана шундагина иш билан унинг мукофоти ўртасидаги боғлиқлик боланинг зеҳнида ўрнашиши осон кечади. Бу ўз навбатида айни ишни келажакда яна такрорлашига

ундайди ва бора-бора мазкур иш боланинг одатига айланиб, унинг хулқ-атвонидан ўрин олади. Қолаверса, мукофотни вақтида тақдим қилмай, пайсалга солиш болада нотўғри тушунча пайдо қилиши: бажарган хайрли иши ота-онасининг наздида унчалик муҳим иш эмас экан, деган ўйга олиб бориши мумкин. Маълумки, инсон табиатида, хоҳ катталар, хоҳ кичиклар бўлсин қилган меҳнатининг самарасини кўришга ошиқиш мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Хизматкорнинг иши ҳақини пешона тери қотишидан аввал беринглар”, дея марҳамат қилганлар [Саҳиҳи жомеус сағир” (1/240)].

- 6) Тадқиқотлар ва статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, маънавий мукофот боланинг руҳиятига моддий мукофотдан кўпроқ таъсири қиласи қилиш борасида моддий мукофотга нисбатан устунроқ бўлганидир. Бу илмий хулоса фақат ёш болалар гагина тааллуқли бўлмай, балки катталарга ҳам тааллуқлидир. Ундан ташқари маънавий мукофот биз ота-оналардан маблағ талаб қилмайди, шу боис бизда бундай мукофотларни тез-тез улашиш имкони бор. Маънавий мукофот оқибатида бола

ўқиши ва фойдали меҳнатга рағбатланади, олқиши олади, ота-онасининг ундан мамнун экани, унга хайриҳоҳ эканини билиб, руҳияти кўтарилади ва ўзига бўлган ишончи ортади.

Ота-она фарзандига табассум ила боқиши, уни ўпиши, қучоқлаши, елкасига қоқиши ва бошини силаши орқали уни маънавий мукофотлаши мумкин. Шунингдек, фарзандининг ишидан мамнун эканлигини ифодаловчи қарашлари ҳамда унга эътибор қаратиши, сўзларига қулоқ тутиши, унга мақтов айтиб, ҳазил-мутойиба қилиш орқали ҳам уни маънавий мукофотлаш мумкин.

Моддий мукофотлар эса болага пул бериш, ширинлик улашиш, маҳалла болалари билан копток ўйнаш, ўртоқларини зиёфатга чақириш, экранда бирон нарса томоша қилиш ёки бирон ўйин ўйнаш учун ёхуд меҳмонга келган тенгдошлари билан ўйнаш учун кечроқ ухлашга руҳсат бериш, бирон кўнгилочар саёҳат уюштириш ва ҳоказо ишларда акс этиши мумкин. Тарбия соҳаси мутахассисларидан бири шундай дейди: “Фарзандларингизга кўп меҳр ва оз пул беринг. Чунки уларнинг меҳрга бўлган эҳтиёжи кўпроқдир. Пулга келсак, болалар озгина пул билан бўлса-да ўзларини хурсанд

қила оладилар”. Кўпчилик ота-оналар, хусусан бой хонадонлар бунинг фирт тескарисини қиласидилар: фарзандларини пул билан кўмиб ташлайдилар, бироқ уларга оз бўлсада меҳр кўрсатишдан ожиздирлар!

- в) Маънавий ва моддий мукофотлар ёрдамида фарзандлардаги айрим ножўя хатти-ҳаракатларни тўхтатиш мумкин бўлади. Айтайлик, қайсиdir бола кундалик уй вазифаларини бажаришда кеч қолади, баъзан бажаришга улгурмай ҳам қолади. Онаси унга “кундалик вазифангни соат саккизгacha бажариб бўлсанг, кунлик оладиган маблағингга яна фалон сўм қўшиб бераман”, дея мазкур камчиликнинг олдини олиши мумкин. Ёхуд қайсиdir бола ўз укасини уришга одатланган бўлади. Бундай ҳолатда она фарзандига бу ножўя одатни ташлаши эвазига унга бирон нарсани ваъда қилиши, масалан уни болалар паркига олиб боришни ваъда қилиши мумкин. Ушбу тариқа ота-оналар болаларидаги нотўғри хатти-ҳаракатлар ёки одатларни бартараф этишга эришишлари мумкин бўлади. Бироқ бу ўриндаги мухим бўлган иш — доимо болага унинг ножўя хатти-ҳаракатини аниқ тушунтириш ва унга ваъда қилинган мукофотни кечиктирмай тақдим қилиш лозим.

- г) Баъзан болага иш буюрилса, у бунинг эвазига мукофот талаб қиласди. Айтайлик, “фalon нарса берсангиз, falon нарсани холамницидан опкеламан” ёки “эртага falon ўртоғимницига боришга рухсат берсангиз, сиз айтган вақтда келаман” ёки “акам ҳам хонасини тартибга солса, хонамни тартибга соламан” ва ҳоказо шартларни қўйиши мумкин. Бундай пайтда боланинг айтганини қилиш, унинг шартига кўниш яхши натижа бермайди. Балки бола ҳеч қандай шартсиз ўз вазифаларини қилишга одатлалиши лозим. Акс ҳолда, боладаги масъулият ҳисси йўқолиб боради. Шунингдек, ҳар бир иш олдидан болага мукофот ваъда қилиш ота-она зиммасидаги вазифага айланниб қолиб, бола ота-онаси билан ҳисоблашадиган бўлиб қолади.
- д) Шунингдек, мукофотлаш услубини қўллаш орқали билиб-бilmай боладаги айrim ножоя хатти-харакатларни янада кучайишига сабабчи бўлиб қолмаслик лозим. Масалан, тўрт яшар бола ота-онаси билан бирга уларнинг хонасида ётишни хоҳлайди. Онаси уни алоҳида ётишга кўндириш мақсадида унга бирон ширинлик беради. Онасининг бу иши натижасида болада ширинликка эришиш билан ота-онасининг ётоғида ухлаш учун тихирлик қилиш ўртасида боғлиқлик пайдо бўлади. Оқибатда,

ширикликни қўлга киритиш учун тез-тез ота-онаси билан ухлашга ҳаракат қиласаве-радиган бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, фарзандлар билан алоқада хай-риҳоҳлик, эътибор, шиҷоатлантириш ва тур-ли хил мукофотлар тақдим қилиш масаласига кўпчилик ота-оналар бепарво ёндашадилар. Негаки, улар фарзандлар тарбиясида бу каби омилларнинг аҳамиятини англаб етмайдилар. Мазкур омиллар оила бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги руҳий алоқани мустаҳкамлаш соҳасида бениҳоят муҳимдир.

IXLOS
Nashriyoti



Тўққизинчи қоида:

МУАММОНИНГ САБАНИИ АНГЛАШ

Дарҳақиқат, бола заиф бир мавжудотдир. У ўзини ҳам, муаммоларини ҳам ва бу муаммолар қаршисида нима қилишни ҳам билишдан ожиз. У ҳар доим ота-онасидан муаммоларидан эсон-омон ўтиб олишга ёрдам беришларини умид қилади. Ота-оналар ҳам аслида фарзандларининг болалик даврини кўнгилдагидек ўтказишлари учун жиддият, ихлос ва фидокорлик билан ҳаракат қиладилар. Бироқ яхши ниятнинг ўзигина муаммоларни бартараф қилиш учун етарли эмас. Балки фарзандлар бошдан кечираётган муаммолар характеристи, унинг сабаблари ва илдизларини яхши англаб этиш зарур. Токи бу муаммоларни ҳал этиш учун имконият туғилсин.

Шу ўринда яққол кузатилган нарса шундан иборатки, кўпчилик ота-оналар барча фарзандларини бир хил феъл-атворли ўхаш нусхалар бўлиши керак деб ўйлайдилар. Айтайлик, тўнгич фарзанд мўмин-қобил, намунали бўлса, укаларидан бি-

ронтасининг феъл-атвори ва юриш-туришида бирон муаммони кўрсалар ажабланадилар, хуноб бўладилар. Албатта, бу тушунча мутлақ нотўғри-дир. Туғишган ака-ука ёки опа-сингилларнинг ҳар бири бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида “қўл-ёзма”дирлар. Улардан ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари бор, алоҳида характерга эгадирлар. Бинобарин, асл қоидага кўра фарзандлар ўртасида ўзаро ўхшашлик эмас, аксинча, ўзаро тафовут бўлмоғи керак.

Айрим ота-оналар фарзандларининг муаммолига яхши эътибор қаратмайдилар. Негаки, улар бу муаммолар фарзандлар улғайиши билан ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деб ўйлайдилар. Албатта, бу тушунча болалар бошидан кечирадиган талай муаммоларга нисбатан тўғри, чиндан ҳам бу муаммолар вақт ўтиши билан барҳам топади. Бироқ бошқа бир қанча муаммолар ҳам борки, улар болалар кичиклигига кичкина бўлиб, улғайгани сари катталашиб бораверади. Шу боис, бу муаммоларни олдини олиш, вақтида муолажа қилиш лозим. Ачинарли томони шундаки, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг қайси хатти-ҳаракатлари тўғри-ю, қайси бири нотўғри эканини ажратишга етарли илм-маърифатга эга эмаслар. Изланишлар шуни кўрсатадики, фарзандларнинг болалик давридаги хатти-ҳаракатларидан қай бири тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаш ундан кейинги ўспиринлик давридагига нисбатан оғирроқдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда,

фарзандларида бирон ғайритабиий хатти-ҳаракат ёки бирон ақлий, рухий ёки ижтимоий муаммо бўлган ота-оналар шу мавзуда маълумотларини — тарбия маданиятларини оширишлари, фарзандларидаги муаммо хусусида мутахассис табибларнинг кўрсатмаларига қулоқ тутишлари лозим. Зеро, фарзандлардаги юриш-туришга оид муаммолар ўша муаммонинг тез-тез такрорланиши ва боланинг юриш-туриши соғлом тенгқурларининг хатти-ҳаракатларидан кескин ажralиб туриши орқали маълум бўлади. Бинобарин, муаммо сабабини англаш юқорида айтиб ўтилган тарбия маданиятини ошириш амалиётидаги энг муҳим бўлакдир.

Рухсатингиз билан қўйида ушбу қоидани имкон қадар яхшироқ ёритиш учун ёш болаларда учрайдиган муаммолардан учтасининг сабаблари тўғрисида сўз юритамиз.

1. Ортиқча ҳаракатчанлик:

Кўпчилик оналар болаларининг тиниб-тинчимаслиги, бир жойда саноқли сониялардан ортиқ туролмаслиги, шунингдек, тез ва мувозанатсиз ҳаракатланиши ҳамда бировга халақит бераётганига мутлақ эътибор бермаслигидан нолийдилар. Болаларда учрайдиган ортиқча ҳаракатчанлик оналарни бениҳоят ташвишга солади. Баъзан фарзандларининг ўта шўхлиги, улардаги ортиқча ҳаракатни деб бирон қариндоши ёки дугонасиникига зиёрат-

га ҳам боролмайди ёки уйига меҳмон чақиришдан ҳам истиҳола қиласи.

Ортиқча ҳаракатчанлик сабаби нима?

- а) Ирсият;
- б) Ортиқча ҳаракатчанликка сабаб бўладиган бош миядаги функционал қусур;
- в) Бошга кучли зарба тушиши;
- г) Баъзи таомлар тановул қилиш натижасида заҳарланиш;
- д) Онанинг ҳомиладорлик чоғидаги жисмоний ва маънавий ҳолати;

Онанинг ҳомиладорлик асносида хасталикка учраши, турли таблеткаларни тановул қилиши ва узоқ муддат изтиробли ва безовта ҳаёт кечириши, буларнинг барчаси баъзан болада ортиқча ҳаракатчанлик ҳолатига олиб бориши мумкин.

- е) Оналарнинг ёш болаларини кўп тергаши;

Оналарнинг ёш болаларини кўп тергаши, уни ҳадеб тиниб-тинчимайсан, дея танқид қилавериши ҳам акс натижа беради, муаммо ечи-мининг салбий томонга оғишига сабаб бўлади.

Аксинча, оила аъзоларининг бунга бепарво ёндашишлари, бу ҳолатта күникишга ҳаракат қишилшари ижобий натижа бериши мумкин.

Демак, биз фарзандларимизда ортиқча ҳаракат-чанликни келтириб чиқарадиган сабабларни ўргансак, маломат қилиш ва жазолаш ўрнига уларни маъзур тутган ва раҳмдилларча муносабатда бўлган бўлур эдик.

2. Ёш болалардаги ёлғон сўзлаш:

Қисқача қилиб айтганда, ёлғон дегани инсон ўз эътиқодига хилоф нарсани сўзламоғидир. Айтайлик, бола ликопчани ўзи синдирганини билса-да, “ликопчани мен синдирамадим”, дейди.

Одатда одамларни ёлғон сўзлашга ундан нарса тингловчини алдаш ва чалғитиш, аксар ҳолатларда эса тўғрисўзлик билан эришиш қийин саналган бирон манфаатни қўлга киритиш бўлади. Шунингдек, инсонлар бирон заардан қочиш ёки жавобгарликдан қутулиш мақсадида ҳам ёлғон сўзлайдилар.

Одатда мактаб ёшига етмаган болалар ҳақиқат билан хаёл ўртасини яхши ақратолмаганлари боис ёлғон гапирадилар. Шунингдек, бу ёшдаги болалар инсоннинг сўзлаган сўзи воқеликка мос бўлиши шарт эканини билмасликлари сабаб ёлғон гапиришади. Табиийки, кўпчилик ота-оналар фарзанд-

ларининг ёлғон сўзлаганларини эшитганларида хуноб бўладилар. Ҳолбуки, улар бу ҳодиса ортида-ги яширин сабабларнинг тубига етмайдилар. Шунинг учун ота-оналар болалардаги бу ҳодисага чек қўйишлари учун аввало уларни ёлғон сўзлашга ун-даган сабабларни англаб етишлари зурур. Қуйида ана шу сабаблардан айримларини айтиб ўтамиз:

- Бирон шахсий манфаатга эришиш. Айтайлик, бола ширинликдан ўзига тегишли улушкини еб бўлгач, онасининг олдига келиб: “Менинг улу-шимни беринг, мен ҳеч нарса емадим”, дейди.
- Бола баъзан ўртоғини ҳимоя қилиш учун ёлғон гапиради. Масалан, ўртоғининг бошқа бир бо-ланни урганини аниқ билса-да, “у фалончини урмади”, дея ёлғон сўзлайди. Бу турли ёлғон аксар болаларда узоқ муддат давом этиши, ҳатто ўсмирлик давридан кейин ҳам давом этиши мумкин.
- Оиласидаги ёки оила ташқарисидаги катталар-нинг юриш-туришига тақлид қилиш. Негаки, ёш болалар доимо катталарни ўзларидан кўра яхши билувчироқ ёки улар доим тўғри иш қи-лишади, деб ўйлашади. Агар катта одам ёш бо-ланинг олдида ёлғон сўзласа, бола гуёки яхши иш қилаётгандек унга тақлид қила бошлайди.
- Бирон ножӯя ишга бериладиган жазодан қуту-либ қолиш учун ўзни оқлаш. Бу ёш болаларда

күп учрайдиган ҳолатдир. Айтайлик, гиламга сиёх тўкилса-ю, “жиноятчи” маълум бўлмаса, уйдаги барча болалар бу ишни у қилмаганини, шунингдек, ким қилганидан ҳам бехабар эканларини айтадилар.

- Баъзан бола ўртоқлари ёки синфдошларини қойил қолдириш учун ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатадиган саргузаштларни тўқииди.
- Гоҳида бола бошқа болага зиён келтириш мақсадида унга нисбатан адоватидан келиб чиқиб ёлғон сўзлайди. Кўпинча бундай болаларнинг учинчи шахс томонидан таъзирини ейиши учун бошқа болани айбдор қилиб кўрсатишга уринаётганига гувоҳ бўламиз.
- Шунингдек, баъзан нохуш хотиралардан возкечиш учун ҳам бола ёлғон гапиради. Айтайлик, ўртоғи унга: “Эслайсанми, фалончи синфдошингнинг қаламини ўғирлаган эдинг?”, деса, унга жавобан: “Мен ҳечам бундай қилмаганман!”, деб жавоб беради. Бу ҳолатда бола ўтмишидаги қора сахифани ёпишни истайди ва шу сабаб ёлғонга қадам қўяди.
- Агар ота-она ёки синфдошлар болани ҳадеб “ёлғончисан” деяверсалар, бу тамға боланинг ўзи тўғрисидаги тасаввурининг бир бўлагига айланиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, бола ўзининг ёлғончи эканига батамом қаноат

ҳосил қиласы да бундан бүён хоҳлар-хоҳламас ёлғон сўзлай бошлади.

- Таассуфки, баъзан биз катталарнинг ўзимиз болаларни ёлғон сўзлашга ундеймиз. Негаки, унга муттасил тарзда ишончсизлик билдирамиз. Бола кўпинча ҳақиқатни айтмоқчи бўлади-ю, бироқ ота-онасининг унга барибир ишонмасликларини ўйлагач, уларга манзур бўладиган, улар ишонишлари мумкин бўлган сўзларни тўкишга мажбур бўлади.

Болани ёлғон сўзлашга ун DAGАН сабабларни англаб етишимиз, улар билан муомала услубимизни ўзгартиришни тақозо қиласи. Шунингдек, бу бизларнинг болаларимиз аҳволи, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва тарбиялашга бўлган муносабатимиз даражасини яхшилайди.

3. Туғишган ака-укалар ўртасидаги жанжаллар:

Кўпчилик ота-оналар ёш фарзандлар ўртасидаги давомий уруш-жанжалларни кўриб, яхши оила барпо қилиш ва фарзандларни рисоладагидек тарбия қилишда муваффақиятсизликка учрадик, деб ўйлашади. Аслида эса ёш фарзандлар ўртасидаги уруш-жанжаллар, модомики ҳаддидан ошиб кетмас экан, табиий ҳолдир. Баъзан туғишган ака-ука ёш болалар ўртасидаги келишмовчиликлар даҳанаки жангга айланниб кетади, бир-бирларига

жисмоний талофат етказиш даражасига етиб боради.

Нима бўлганда ҳам, ота-она фарзандлар ўртасида қандайдир даражадаги рақобат ҳар қандай хона-донда ҳам мавжуд экани, бироқ одамлар одатда бу ҳақда гапирмасликлари ёки яширишларини яхши англаб етишлари зарур.

Фарзандлар ўртасида рақобат ва адватга олиб борувчи энг муҳим омиллар қуйидагилар бўлса ажаб эмас:

- Ёш болалар гарчи бир ота-онадан туғилган бўлсалар-да, уларнинг характер ва дидлари бир хил бўлавермайди. Шунингдек, кундалик муомала ҳамда айрим уй жиҳозлари ёки ўйин-чоқлар устидаги талашувлар улар ўртасида талай низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу борадаги умумий қоида шундан иборатки, инсонлар қўлга киритишини орзу қилган нарсалар ҳар доим воқеликда мавжуд бўлганидан кўра кўпроқдир. Бинобарин, ёш фарзандлар уйда мавжуд бўлган талай нарсалардан биргаликда фойдаланаар эканлар, бу нарсалар устида низолар келиб чиқиши қарийб қатъий хulosадир.
- Ёш бола ота-онасининг ака-укаларидан бирига бўлган эътибори ва уни бошқалардан устун қўйишини кўриб, ака ёки укасига нисбатан қал-

бидат адоват ва нафрат пайдо бўлади. Кўпчилик ота-оналар фарзандлари ўртасида адоват ўти алангаланишида уларнинг ҳам қўли борлигини пайқамайдилар. Улар фарзандларидан бирининг заковоти, итоаткорлиги, қад-қоматининг келишганилиги ва ҳоказо сифатларини унинг ака-укалари хузурида бамайлихотир мақтайдаридилар. Албатта, бу қадим тариҳдан мавжуд бўлган масала; Юсуф алайҳиссалом ака-укаларининг сўзларига бир қулоқ солинг-а: “**Ўшанда улар (яъни, Юсуфнинг ўгай оғалари) айтган эдилар:** “Гарчи биз кўпчилик бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари (Бинёмин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очиқ залолатдадир. Юсуфни ўлдиринглар ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақат сизларга боқар. Кейин эса (тавба-тазарру қилиб) солиҳ қавм бўлиб олурсизлар” [Юсуф: 8-9].

Дарҳақиқат, ёш болалар ота-онасининг муҳаббатини қозониб, уларни ўзиники қилиб олишга интиладилар. Шу боис, бола ўзи қолиб, ака-укаларидан бири бу ишнинг уддасидан чиққанини кўрса, унга нисбатан дилида адоват ва нафрат пайдо бўлади. Бинобарин, ота-оналар бу масалага жиддий эътибор қаратишлари лозим.

- Баъзан бола қандайдир сабабга кўра ота-онасидан ранжиши мумкин. Бироқ у дилидаги

норозиликни уларга изхор қила олмайди. Бундай пайтларда бола ичидағи захрини кичик укасига сочади: унинг жиғіға тега бошлайди. Албатта, бирон бир хонадон бундай ишлардан холи эмас.

- Айрим ёш болалар ота ёки онасининг укасидан норозилигини пайқаса, уларнинг тарафини олиб укасига таъзир беришга ҳаракат қиласы. Худди шундай, қызы бола ҳам онасининг синглисисидан норозилигини сезса, онасига бўлган вафодорлиги ва муҳаббатидан келиб чиқиб синглисими уриши мумкин.
- Она-оналарнинг фарзандлар ўртасини солиштириши бу ишдан зарар кўрган фарзанд дилини гина-кудурат билан тўлдиради. Масалан, баъзан она қизларидан бирига шундай дейди: “Сен жуда бетартибсан, тоза-озодаликка эътибор бермайсан. Бунинг учун нима қилиш лозимлигини опанг (ёки синглинг) фалончидан ўргансанг бўларди!”. Оналарнинг бундай услубни қўллаши айбдор қизининг дилида опа ёки синглисига нисбатан адоват ва нафрат пайдо қиласы. Эътиборга сазовор жойи шундаки, бунга фарзандлари ўртасини ана шундай салбий тарзда таққослаган онанинг ўзи сабабчидир. Баъзан фарзандлардан бири нихоятда иқтидорли бўлиб чиқади. Кун ва ой сайин турли-туман муваффақиятларни қўлга кирита бошлайди. Ҳар муваффақият

қозонганида ота-онасининг қўпроқ назари ва эътиборига туша бошлайди. Бу аснода қолган фарзандларда “ота-онамиз бизларга нисбатан эътиборсиз бўлиб қолганлар”, деган ҳис-туйғу кучайиб боради. Шу боис, фурсат топилди дегунча иқтидорли оғаларини пастга уришга, ҳатто унга қарши фитналар уюштиришгача борадилар.

- Баъзи ҳолатларда тўнғич ўғилга ота-она томонидан ўз укаларини бошқариши ёхуд оила номуси ва шарафининг ҳимоячилари бўлмиш ўғил фарзандларга опа-сингилларини бошқаришлари учун кенг ваколатлар берилади. Уларга бу тариқа кенг ваколатлар бериш фарзандлар ўртасида адоват пайдо бўлишига олиб келади. Акасидан таҳқирлаш ва ёмон муомалани кўрган ўртанчи ўғил ўчини укасидан олади. Кўриб турганингиздек, бундай нохуш натижаларнинг келиб чиқишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўладилар.

Ёш болалар бошдан кечирадиган муаммолар сабабини англаб этиш хусусидаги юқорида келтирилган намуна ва мисолларни келтиришдан мақсад фарзандларимизда учрайдиган муаммолар, қийинчилклар ва бузилишларнинг асл илдизини идрок этиш зарур эканига танбеҳ беришдир. Буни идрок этиш ва англаш учун биринчидан, фарзандларимизга кўпроқ этибор қаратиш ва иккинчидан, муттасил тарбиявий билимимизни ошириб бори-

шимиз зарур. Фарзандларимизни түғри тарбиялашимида Аллоҳ таолонинг ўзи барчамизга мададкор бўлсин!



IXLOS
Nashriyoti



Ўнинчи қоида:

ЖАЗОСИЗ ТАРБИЯ БЎЛМАЙДИ

Маълумки, ёш болаларнинг хулқ-атвори турли-ча. Баъзи болалар мўмин-қобил, итоаткор, босик табиатли бўлишса, баъзилари шўх, қайсар ва тў-полончи бўлишади. Шундан келиб чиққан ҳолда тарбия соҳасида жазо ва қаттиққўлликка бўлган эҳтиёжлари бир хил бўлмайди. Бироқ ёш болаларнинг барчаси ҳам уни тўғри йўлга солиб турадиган, ўзига ёки ўзгаларга азият етказадиган ножўя хатти-ҳаракатлардан тийиб турадиган бир куч борлигини ҳис қилишга муҳтождирлар.

Дарҳақиқат, ёш бола нима тўғри-ю, нима нотўғри эканини ажрата оладиган мезонга эга эмас, у нима лойиқ ва муносиб-у, нима нолойиқ ва номуносиб эканини билмайди. Ундаги ахлоқий тизим ҳануз тўлиқ шаклланмаган бўлади. Шунингдек, ундаги хато ишларга қўл уришдан тийиб турувчи қудрат ҳам заиф ва чеклангандир. Шу боис бола солиҳ ва кўнгилдагидек ўсиб-ўлғайиши учун унга айрим ишларни тақиқлаш, баъзи ишлардан маҳрум

қилиш, лозим бўлганда жазолаш мақсадга муво-
фиқдир.

Ёш болалар ҳам ўзларининг ҳар доим ҳақ бўлавер-
масликларини билишади. Шунинг учун муайян
талаф ва андозаларга мос равишда берилган жазо
ва уқубатни тўғри қабул қиласидар. Қўйида бола-
ларни жазолаш масаласида эътибор бериш лозим
бўлган баъзи тушунча ва мулоҳазаларни айтиб
ўтамиз.

1. Жазо – тўлдирувчи омил

Дарҳақиқат, бу ўта муҳим масала. Аслида бола
шахсиятининг тўла ва қониқарли шаклланишига
ёрдам берадиган муҳим омил унинг ўз ота-она-
сида кўрадиган меҳр-муруватга тўла амалий
намуналар, улардан эшитган йўл-йўриқ ва кўр-
сатмалардир. Бола ҳурматга сазовор солиҳ ота-
онасига эргашар экан, намунали оила қучоғида
ҳаёт кечирав экан, гарчи бажариши лозим деб
билган барча нарсаларга риоя қила олмаса-да,
таълим олиши лозим бўлган барча фазилатлар-
ни улардан таълим олади. Қуруқ жазо ва таъзир-
нинг ўзи билан на бола ўстириб бўлади, на давлат
ва на жамият барпо қилиб бўлади. Бироқ жазо
ва уқубатлар бола, давлат ва жамиятни заарли
омиллардан ҳимоя қиласиди. Болага жазо беришга
сарфланган вақт ва саъй-ҳаракатлар уни ақлий
ва руҳий томондан шакллантиришга сарфлани-
ши лозим бўлган вақт ва саъй-ҳаракатлар олдида

беҳад оз ва чекланган бўлиши керак. Баъзи ота-оналар бунинг аксини қилишади. Улар фарзандларига тарбия беришга келганда бутқул сукут қилишни мъқул кўрадилар, уларнинг хатти-ҳаракатларига бепарво муносабатда бўладилар. Вақти келиб фарзандлари бирон каттароқ хатога йўл кўйишса, ўзларини қўярга жой тополмай қолишиади, уларга қаттиқ ва аёвсиз жазо берадилар. Бироқ кўп ўтмай фарзандларига берган жазолари ҳеч қандай ижобий самара бермаганига гувоҳ бўладилар!

Бу борадаги умумий қоида шундан иборатки, тарбия йўлида қанчалик ижобий саъй-ҳаракат сарфланса, шунчалик жазо ва таъзирга эҳтиёж қолмайди. Аксинча, тарбияга эътиборсизлик жазо ва таъзирга бўлган эҳтиёжни оширади.

2. Режали жазо

Ёш болаларни жазолаш кутилган самарасини бериши ва фойдали бўлиши учун муайян режа ва ғоя асосида ҳаракат қилиш зарур. Ўйлашимча, дастлаб ота-она фарзандларини жазолаш борасида қўллаш мумкин бўлган баъзи жазо турларига келишиб олишлари лозим. Негаки, ота-она нинг бу борада ҳамфикр бўлмаслиги жазолаш амалиётини тубдан барбод қилиши мумкин. Шубҳасиз, ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги ҳамкорликка оид изчил изланишлари на-тижасида фарзандлар хатти-ҳаракати хусусида

баъзи муштарак мулоҳазалар пайдо бўлади. Бинобарин, улар иккиси биргаликда фарзандлари-даги ножёя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш услуби тўғрисида бош қотиришлари лозим. Шунингдек, ота-она қўлланилажак жазо турларига нисбатан фарзандларнинг муносабатлари хусусида ҳам бош қотиришлари лозимки, токи бу жазоларни ҳикмат ва журъат билан татбиқ қилсинлар.

Қолаверса, режали жазо фарзандлар билан йиғилишлар ўтказишни тақозо қиласди. Бундан кўзланган мақсад уларга уй ичида ва уйдан ташқаридаги кундалик ҳаракатларида нималар талаб қилинишини тушунтириш, шунингдек, улар билан ахлоқий ва ўқув мажбуриятлари тўғрисида сухбатлашишдир. Бундай йиғилишларда оиласда риоя қилиш лозим бўлган қонун-қоидаларга хилоф иш тутган фарзандга қандай жазо қўлланишини ҳам келишиб олиш лозим. Масалан, бир она ўн бир ёшли қизи билан келишиб олибди. Келишувга кўра, қизи идиш-товоқларни ювмаса белгиланган вақтдан ўн дақиқа олдин ухлаши, борди-ю, бу иш такрорланса, у ҳолда бу вақтдан йигирма дақиқа олдин ухлаши лозим...

Ота-она фарзандларни жазолаш масаласида аввало ўз ўрталарида, қолаверса, фарзандлар билан келишиб олмасалар доимий фавқулодда ҳолат ва муттасил муаммолар ичра ҳаёт кечирадилар.

3. Шафқатсизлик ва таҳқирлашсиз қатъий жазо

Чинакам түғри жазо бола содир этган хатони очик акс эттирувчи ва унинг келажакда такрорланмаслигини кафолатлайдиган жазодир. Бунинг учун жазо имкон қадар ота-она ва фарзандлар ўртасидаги дўстона алоқа муҳитида амалга ошиши зарур. Зеро, илиқ муносатлар бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, уни ҳар қандай йўл билан сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоғи, ҳар қандай жазо ва укубатдан сўнг илиқ муносабатларни яна ўз ўзанига қайтариш лозим.

Тарбиядаги қатъият айтилган ҳар бир сўзни амалга оширишни тақозо қиласди. Агар ота фарзандига «хонадан чиққанингда чироқни ёниқ қолдирсанг бир кунлик «мактаб пулинг» кесилади», деса, албатта сўзида туриши, жазони амалга ошириши лозим. Ота фарзандига баҳона учун фурсат қолдирмаслиги, «эсимдан чиқибди ёки шошилиб турган эдим», деган баҳоналарни деб уни жазодан озод қилмаслиги керак.

Жазони сўзма-сўз ва кечиктирмасдан ижро этиш фарзандларни ўз қилмишлари натижасини тахмин қилишга имкон яратади. Бу ўз навбатида уларни қайтадан ножӯя ишларга қўл уришдан қайтаради ҳамда белгиланган жазони түғри қабул қилишга олиб боради.

Оилада тартиб-интизом ўрнатиш ва жазоларни ижро этиш амалий услубда, ортиқча бақир-чакир ва таҳдидларсиз, ҳеч қандай муқаддималарсиз жиддий тарзда амалга ошиши зарур.

Бир оилада ота-она фарзандларининг телевизор томоша қилишга муккасидан кетганликларини пайқайдилар. Ота-она фарзандларини бундан огоҳлантиришиб, агар ҳар куни бир соатдан ортиқ телевизор олдида ўтирсалар, у ҳолда уларни узоқ муддат телевизор кўришдан маҳрум қилишларини айтадилар. Бироқ фарзандлар бу огоҳлантиришни жиддий қабул қиласидилар, ота-оналарининг телевизордан воз кечишлирига ишонмайдилар. Огоҳлантиришдан уч кун ўтиб фарзандлар мактабдан қайтишсалар телевизор ўрнида йўқ эди. Кейин билсалар оталари уни уч ой муддатга омборхонага қўйишга қарор қилибди. Фарзандларнинг ялиниб-ёлворишлирига қарамай ота ўз қарорини ўзгартирмабди. Орадан уч ой ўтиб ота телевизорни ўз ўрнига қайтариб қўйибди. Бироқ бу гал фарзандларига қарата шундай дебди: «Агар телевизор кўриш учун белгиланган муддатга риоя қилинмаса, у бутунлай уйимизни тарк этажак». Ажабланарлиси шундаки, шундан сўнг фарзандлар телевизордан ажралиб қолмаслик учун бир дақиқага ҳам эътибор берадиган бўлишибди!

Бироқ азиз мураббийлар, бу ишда қатъият билан тошбағирлик ва таҳқирлаш ўртасидаги фарқни яхши ажратиб олиш зарур.

Қатъиятли жазо унинг мантиқли, ҳикматли, адолатли ва ҳаддан ошмаган бўлишида ўз аксини топади. Айтайлик, ўғлини тўлиқ бир ой давомида “мактаб пули”дан маҳрум қилган ота оғир ва шафқатсиз жазо берган бўлади. Ёхуд қизининг бир оғиз ножӯя сўзи туфайли бир ҳафта уйни тозалатган она тошбағирдир. Ўғлининг юзига тарсаки тортган ота тошбағирдир. Чунки инсоннинг юзига уриш уни таҳқирлаш ва айни дамда динимиз қайтарган ишдир. Умуман олганда болани тарбиялаш учун уни уриш дуруст эмас. Албатта ўғилнинг ўз ҳаётини хатарга қўядиган даражада бирон ножӯя иш қилиши ва уришдан ўзгаси унга кор қилмаслиги бундан мустасно.

Шунингдек, фарзандни сўкиш, аҳмоқлик, тентаклик, пасткашлик ва ҳоказо ҳақоратомуз сўзлар билан койиш ва бу сўзларни талаффуз қилишнинг ўзи ҳам хато бўлиб, намунали тарбиявий услубларга ёт ишлардир.

4. Фарзандлар минимум одобларга риоя қилиши шарт

Фарзандлар шуни яхши билишлари лозимки, одоб-ахлоқнинг ҳудуди бор. Фарзанднинг ҳолати қандай бўлишидан, унинг кайфияти нечоғлик ёмон ёки бузук бўлишидан қатъий назар бу ҳудуддан ташқарига чиқиши, унга бепарво бўлиши мақбул эмас. Айтайлик, фарзанд уйга кириб келганида ота-онасига салом бермаслиги ёки уйдан

чиқиши олдидан улардан рухсат олиб, хайрлашмаслиги асло мумкин эмас, фарзанд ҳар қанча баҳона қилмасин бу қабул қилинмас одобсизлик. Шунингдек, фарзанднинг ота-онасига гап қайтариши, улар гапириб турган аснода олдиларидан ғазабланиб туриб кетиши ҳамда уларни нолойиқ тарзда одобсизларча танқид қилиши асло дуруст эмас.

Мұхими, биз фарзандларимизга бу одоб-ахлоқларни тушунтиришимиз, қайта-қайта таъқидлашимиз лозим. Чунки биз улардан катталарни қандай хурмат қилиш, улар олдида ўзларини қандай тутиш кераклигини ва ҳис-туйғуларини қандай жиловлашни ўрганишларини хоҳлаймиз.

5. Мантиқий натижаларни қабул қилиш

Биз фарзандларимизга сингдиришимиз лозим бўлган яна бир нарса шуки, улар муайян бир хатти-ҳаракат ортидан келиб чиқадиган мантиқий натижаларни қабул қилишни ўрганишлари кепрак. Негаки, бу фарзандларни ўзини ўзи тергайдиган қилиб тарбиялади. Бир гал она тушлик овқатни тайёрлаб, болаларни дастурхонга таклиф қиласи ва вақтида келмаганга то кечки овқатга қадар бошқа овқат бўлмаслигидан огоҳлантиради. Фарзандлардан бири ўртоғи билан телефонда гаплашиб қолиб дастурхонга айтилган вақтда келмайди. Қолган оила аъзолари тушлик қилиб бўлишгач, она дастурхонни йигиширишга киришади. Дастурхонда бўш ликопларгина қолган эди.

Телефонда ўртоғи билан гаплашиб бўлган фарзанд овқатланиш мақсадида музлатгич сари ошиқади, бироқ у ерда овқат йўқ эди. Шундай қилиб то кечки овқатга қадар оч ўтиришга тўғри келади. Орадан йиллар ўтиб ушбу фарзанд шундай ҳикоя қиласиди: «Мен ўшанда етарли сабоқ олган эдим, ўша воқеадан сўнг ҳеч қачон дастурхонга кечикиб келмадим!»

Боғча ёшидаги 4-5 ёшли бола боғчага боришни истамас, уйда қолиш учун турли баҳоналар излар эди. Кунлардан бирида отаси билан боғчага бормаслик учун уст-бошини кийишдан бош тортди. Ўғлига кийимларини кийдириш иложини топмаган ота уларни бир халтага солди-ю, ўғлини қўлидан тутиб машинага миндирди. Ўғлининг эгнида фақат ички кийимларигина бор эди. Улар боғчага етиб боришиди. Машинадан тушиш пайти келганида ўғлининг олдида кийимларини кийишдан ўзга чораси қолмаган эди. Шундай қилиб қундалик дилхиралиқ, боғчага бормаслик учун турли баҳоналар қидиришга батамом чек қўйилди.

6. Ҳар ёшнинг ўзига хос жазоси бор

Уч ёшар бола билан қундалик юриш-туриш тўғрисида келишиб олиш имконсиз. Чунки у ҳануз келишув нималигини англаб етмайди, унга эътибор ҳам бермайди. Шу боис, у бирон ножӯя иш содир этганида ёхуд шундай ишга кўл урмоқчи бўлганида унга норози қиёфада қовоқ солиб қарашнинг

ўзи кифоя, шунинг ўзи жазо бўлиши мумкин. Гоҳида ёш бола нотўғри иш қилиб қўйиб ўзини онасининг бағрига отади. Онаси ундан юз ўгириб, уни бағрига олишдан бош тортишидан бола онасининг норозилигини англаб олади. Зеро, ёш бола доимий тарзда онасининг ёрдами ва меҳрига муҳтож бўлади. Шундай экан, онаси уни ёрдамдан ва олқишдан маҳрум қилиши унга нисбатан қаттиқ жазо ҳисобланади.

Аммо ўн уч ёшли боланинг аҳволи бошқача. Бу ёшдаги бола анча-мунча мустақилликни ҳис қилиб бўлган, ота-онасининг ёрдамисиз ҳам кўп иш қўлидан келишига қўзи етиб қолган бўлади. Шунинг учун уни ота-оналик меҳри ва хайриҳоҳликдан маҳрум этиш айтарли фойда бермайди. Аксинча, унда ота-онаси тўғрисида салбий фикр ва таассурот қолдириши мумкин. Шунинг учун бу ёшдаги болани жазолаш учун ўзи севган бирон машғулотдан маҳрум қилиш қўпроқ фойда беради. Бир ўсмир бола синглисини бир неча бор уради. Отаси уни бундан огоҳлантиради, бироқ огоҳлантириш фойдасиз кетади. Шунда ота ўғлини йигирма кун мобайнида телефондан фойдаланиш ва у орқали ўртоқлари билан гаплашишдан маҳрум қилиб қўяди. Мазкур муддат асносида бола кўп сиқилади, ҳатто онасини ўртага солиб муддатни қисқартиришга ҳам ҳаракат қиласиди. Бироқ онаси ҳам қаттиқ туриб олади, жазони енгиллатишга рози бўлмайди. Ота ўғлидан бундан кейин сингилларидан биронтасига қўл кўтармаслик ҳақида тилхат

ёздриб олгачгина унга телефондан фойдаланишга рухсат беради.

7. Аниқ ва чекланган жазо

Мен тарбия соҳасидаги жазо ва уқубатларни темирйўл соҳасидаги «захира йўли»га ўхшатаман. Тарбия соҳасида ҳам биз мураббийлар вақтингча асосий йўлдан захира йўлига ўтиб, сўнг яна асосий йўлга қайтамиз. «Захира йўл» қанчалик қисқа ва равшан бўлса шунча яхши. Зеро, мураббийлар қўллайдиган жазолар улар билан болалар ўртасидаги алоқа мұхитини хирадаштиради. Шу боис, жазолар очиқ ва чекланган бўлиши лозим.

Айрим ота-оналар бунинг фарқига боришмайди, ҳатто хато қилган фарзандларини қай тариқа жазолашни ҳам билмайдилар. Унинг ўрнига уларни доимий равишда койиб уришаверадилар. Улар болани содир этган бир хатоси учун койиб улгурмасдан у навбатдаги хатога қўл ураверади. Табиийки, ота ва унга эргашиб она ҳам дашном ёғдиришни бошлайди. Шу тариқа оила мұхити доимий нотинч бўлиб қолади, осойишталитини йўқотади. Ота-оналар тушунарсиз ва мубҳам жазоларга, тинимсиз дашномларга, бўлар-бўлмас нарсалар учун тергашларга, болани хўрлаш ва ғурурини синдириш учун эски жиноят дафтарларини очишга чек қўйишлари керак. Зеро, буларнинг барчаси бола тарбиясига фойда келтириш нари турсин, турган-битгани зарарли ишлардир.

8. Болани урманг!

Биз ота-оналар фарзандларимизни жазолаш ма-саласида уларни уриш ва калтаклашни мутлақо хаёлимиизга ҳам келтирмаслигимиз лозим. Аксин-ча, фарзандларни уришга эҳтиёж туғилиши маса-ласига биз ота-оналар учун бир синов ва имтиҳон деб қарашимиз керак. Агар уларни уришга муҳтож бўлмасак, демак, биз тарбия соҳасида муваффақи-ят қозонган бўламиз. Борди-ю, уларни уришга муҳтож бўлсак ва бу бизлар учун ягона ечимга ай-ланиб қолса, у ҳолда тарбияга оид услубларимиз-ни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Чунки аҳвол шу даражага борибдими, демак, тарбиявий услубла-римизда носозлик ва қусур бор.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам мураббийлар устози, муаллимларга ўрнак эдилар. У зот ҳаётлари мобайнида Аллоҳ йўлида-ги жиҳоддан бошқасида бирон катта ё кичикни урганликлари маълум эмас. Имом Муслим Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон бирон хиз-маткор ёки аёлни урмадилар».

Айрим мураббийларнинг айтишича, болани ўн ёшдан олдин уриш мумкин эмас. Айримларининг айтишича, бола ўн уч ёшдан олдин урилмас экан. Чунки ёш бола уриш ортидан кўзланган маънони англаб етмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мураббий газаб устида жазоламаслиги керак. Сабаби, бундай

ҳолатда жазо ёхуд уқубат муносиб ва мувозанатли бўлмайди. Модомики болани уриш мутлақо тарқ қилиниши лозим бўлган услуг экан, унинг юзига уришдан, одамлар олдида уришдан, қаттиқ оғритиб уришдан янада эҳтиёт бўлиш зарур. Ривожланган давлатлар қамоқхоналарда маҳбусларни уриш ва қийноққа солишни тақиқлайдилар. Уларнинг айтишича, маҳбусларни уриш уларни таҳқирлаш ва инсонийликка зид бўлган услубдир. Наҳот, биз мусулмон ота-оналар оиласда фарзандларимизни уриш услубидан воз кечолмасак?!

“Болалар тарбиясига оид ўн қоида”да айтмоқчи бўлганларим шулардан иборат эди. Ўйлашимча, мазкур қоидалардан ҳар бири хусусида яна талай тафсилотларни зикр қилиш мумкин. Бироқ китоб ҳажми катталашиб кетишидан чўчиб айрим тафсилотларнигина зикр қилиш билан кифояландим.

Аллоҳ таолодан ушбу амални холис Ўзининг розилиги учун ва муҳтарам ота-оналар учун фойдали қилишини сўраб қоламан. Албатта Раббим эшитувчи ва дуоларни ижобат қилувчи зотдир.

Оlamлар Раббиси Аллоҳга ҳамд-сано бўлсин.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Биринчи қоида:	
Тарбия маданиятини ҳосил қилиш	6
Иккинчи қоида:	
Биз оламдан бир бўлакмиз ва бизнинг ўзимизга хос жиҳатларимиз бор	18
Учинчи қоида:	
Муҳит ҳал қилувчи омилми?	32
Тўртинчи қоида:	
Тарбия – ўзаро киришувчанлик.....	45
Бешинчи қоида:	
Аниқликка асосланган тарбия	58
Олтинчи қоида:	
Тарбия – эътибор	81
Еттинчи қоида:	
Мувозанатга асосланган тарбия	91
Саккизинчи қоида:	
Тарбия – хайриҳоҳлик.....	108
Тўққизинчи қоида:	
Муаммонинг сабабини англаш	123
Ўнинчи қоида:	
Жазосиз тарбия бўлмайди.....	136

IXLOS.ORG

SAODAT SARI

- **Ақида**
 - **Фикх**
 - **Тарих**
 - **Тафсир**
 - **Тарих**
 - **Фатволар**
 - **Хадис**
 - **Мақолалар**
 - **Медиа**
-

Ixlos.org – исломий илм-маърифат ва даъват саҳифаси бўлиб, илм ва амалда аҳли суннат ва жамоат манҳажидан боради. Саҳифани юқори савияли шаръий илмга эга бир гурух мутахассислар бошқаради. Ixlos.org саҳифаси соғлом исломий ақида, Куръон ва суннатдан иборат ишончли далилларга асосланган шаръий аҳкомлар, умуман турли шаръий илмлар, шунингдек исломий қадриятларни ёйиш ва баён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Саҳифа динимизнинг кенг қамровлилик хусусиятидан келиб чиқиб имкон қадар исломнинг барча жабҳаларини ёритишга ҳаракат қиласди. Шунингдек, саҳифа бирон бир жамоат ёки тоифа ғоялари ёхуд шахсий ва партиявий манфатларни олға суриш ва ҳимоя қилишдан мутлақо йироқдир. Саҳифа таҳририяти бу соҳада фаолият юритаётган барча ҳамкасларни ҳамкорликка чақиради.



[Facebook.com/IxlosOrg](https://www.facebook.com/IxlosOrg)



[YouTube.com/IxlosTv](https://www.youtube.com/IxlosTv)



[Telegram.com/IxlosOrgSahifasi](https://t.me/IxlosOrgSahifasi)



[Ok.ru/IxlosOrgSahifasi](https://ok.ru/IxlosOrgSahifasi)



[instagram.com/ixlos_org](https://www.instagram.com/ixlos_org)

